

R 496
1985/9



№2
СМЕ

ГУЛИСТОН


9
1985



Фаргона райондаги «Еш ленинчи» совхози пиллакори Суйдихон Орипова.


Пилла мўл бўлди.

Ш. Алимов фотоси (УзТАГ)



ЯНГИ БОСҚИЧ САРИ

Ойдин АББОСОВА,
Ўзбекистон ССР маориф министри



ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз халқ маорифини ривожлантириш, мактаб таълимини такомиллаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мактаб ва ҳунар-техника билим юртлири таълимини ислоҳ қилиш ҳақидаги қарор ва кўрсатмалари ёш авлод тарбияси борасидаги оталарча ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намоишидир. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу партиявий ҳужжатларда мактаб ва ҳунар билим юртлирининг таълим ва тарбия ишларини жамяятимизнинг ривожланган социализм босқичидаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб қайта қуриш вазифалари кўрсатиб берилган.

Мактаб таълими — бу умумхалқ иши. Негаки, жамяятимизнинг ҳамма жабҳаси

мактаб билан, ёш авлод тарбияси ва унинг камолоти билан боғлиқдир. Келажак — ёшларники, дейишимизда ҳам шу улугъ азгулик ўз ифодасини топган. Ана шунинг учун биз бугунги ёш авлодимизни порлоқ келажакка муносиб кишилар қилиб тарбиялашимиз лозим. Порлоқ келажак эса ўз-ўзидан келмайди. Унинг қурувчилари ўзимиз — ёш авлоддир. Ёшларимиз жамяятимиз тараққиёт босқичининг олий погонасини қуришда фаол қатнашишлари лозим. Бунинг учун эса уларнинг малакаси, салоҳияти юксак даражада бўлиши керак. Демак, мактаб таълимини қайта қуриш ҳақидаги қарор-кўрсатмаларда худди шу мақсад-вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Буюк доҳийимиз В. И. Ленин Совет ҳоқимияти ташкил топган дастлабки қунларда ноқ халқ маорифини ривожлантириш ишига алоҳида эътиборни қаратиб, мактабда билим беришни самарали йўлга қўйиш учун бир туркум моддий ўзгаришларни, яъни мактаблар қуриш, ўқитувчиларни танлаш, уларни саралаш юзасидан ички ислоҳ ўтказиш тадбирларини кўриш зарурлигини уқдирган эди. Партия ва ҳукуматимиз халқ маорифини ривожлантириш тўғрисидаги ўз фаолиятида ана шу ленинча кўрсатмага изчил амал қилмоқдалар.

Мамлакатимизнинг барча халқ маорифи ходимлари қатори республикамиз маорифчилари ҳам мактаб таълимини ислоҳ қилиш вазифаларини амалга оширишга ҳар томонлама уюшқоқлик билан киришдилар.

Мана, Ислоҳотнинг асосий йўналишлари қабул қилинганга бир ярим йил бўлиб қолди. Бу муддат республикамиз маорифчилари учун ҳам катта ташкилий давр бўлди. Республика Маориф министрлиги ва унинг жойлардаги идоралари болаларни 6 ёшдан ўқитишга ўтиш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, мактабга ва мактабдан ташқари муассасаларни ривожлантириш, мактабларни ва бошқа маориф объектларини қуриш, меҳнат таълими ва тарбиявий базаларни мустаҳкамлаш план-режаларини тузиб чиқдилар. Шунингдек, ўқув программалари, дарсликлар ва ўқув-кўргазма қуролларини такомиллаштириш устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Мактаб таълимини ислоҳ қилиш ҳақидаги партиявий ҳужжатларда ислоҳнинг жорий қилиш соҳасида яқин йиллардаёқ муайян муваффақиятларга эришиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, мактаб ислоҳининг асосий босқичлари 1990 йилгача амалга оширилиши керак. Бу, ташкилий муддатни ҳали чўзиш мумкин, деган маънони англатмайди. Республика Маориф министрлиги, халқ маорифи органлари мактаблар, мактаб муассасалари, олий ва ўрта педагогика билим юртлири педагогик коллективларининг эътиборини ислоҳнинг асосий йўналишларини ҳозирда ноқ амалга оширишга қаратмоқдалар. Албатта, бунда

ислоҳ миқёси, унинг комплекс хусусиятини, мактаб таълимини қайта қуриш жараёнининг босқичи-босқич амалга ошириш моҳиятини ҳисобга олиб иш кўрмоқдамиз. Биринчи босқичдаги асосий вазифа кўпроқ ўқув-методика характеридаги масалаларни ҳал этишдан иборатдир.

Биз ислоҳ талаблари асосидаги янги шароитда бир қатор муаммоларга дуч келмоқдамиз. Биринчидан, ишмиизда сон ва сифат жиҳатидан ўсиш ўртасида муайян узилиш борлиги маълум бўлди. Бугунги кунда ўқувчилар сони, ўқиш муддатининг ўртача ҳажми, ўзлаштириш проценти, ўтказилган тадбирлар сони каби одатдаги кўрсаткичлар ўзининг етакчи аҳамиятини бирмунча йўқотаётир. Энди биринчи ўринга маориф системасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш талабларига мос келишини белгилайдиган сифат кўрсаткичларининг аҳамияти муҳим маъно касб этапти. Худди шу борада биз ислоҳнинг барча мактаб ишларининг асосий кўрсаткичини белгиловчи ўқувчилар билимининг сифати, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги омилларига бутун эътиборни қаратмоғимиз лозим. Бунга, албатта, таълим жараёнини жадаллаштирмасдан эришиб бўлмайди.

Иккинчи муҳим муаммо — бу ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ таълим бериш шаклларини жадал ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда таълим мазмунини, унинг қўлами ва сифатини, шунингдек, ўқувчиларнинг индивидуал-ёш хусусиятларини белгилаб олишдир. Масала шундаки, тобора кўпайиб бораётган ахборотлар оқими мавжуд дарсликларда ўзининг тўлиқ ифодасини топмаётир. Айни вақтда бу дарсликларда иккинчи даражали материаллар, принципал характерга эга бўлмаган фактик материаллар мавжуддир.

Вазифа дарсликлар учун материаллар танлаганда уларни мавжуд билим йиғиндилари билан механик равишда тўлдириш эмас, балки асосий мазмун йўналишлари негизида ўқув программаларига структурарий ўзгаришлар киритиш, ўқувчиларга ҳавола этилаётган илмий ғояларга янги таълимий нуқтан-назардан ёндашиш йўли билан танлаб олишдан иборатдир. Бунда кўп нарсга олимларимиз ва методистларимиз фаолиятига боғлиқдир. Бу муҳим ишга тажрибали педагог-ўқитувчиларни жалб қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шуни эътироф этиш керакки, биз ҳали илғор ўқитувчиларимизнинг бой тажрибалиридан кам фойдаланяпмиз; илғор педагогик тажрибани тарғибот қилиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Ахир, ўқитувчи — ўқув-тарбиявий жараёнда асосий фигура. Ўқитиш, тарбиялаш ишининг савияси биринчи навбатда, унинг маҳорати, билимига боғлиқдир. Мактаб таълимини қайта қуриш вазифаларининг асосий ижрочиси педагогик коллективдир.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№9 (427)
Сентябрь
1985



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

Бу ўринда машхур педагоглар А. С. Макаренко ва В. А. Сухомлинскийларнинг педагогик тажрибаси асосида совет ўқитувчилари авлоди тарбияланиб етишганини фахр билан эслаймиз. Бугунги кунда эса мактабларимизда, педагогик билим юртида аjoyиб ўқитувчиларимиз фаол хизмат қилмоқдалар. Масалан, бошланғич синф ўқитувчиларидан — Москва районидagi 41-ўрта мактабдан М. Абдураулов, Каттақўрғон районидagi 4-мактабдан Т. Ҳамидова, Қўқон шаҳридаги 15-мактабдан Ғ. Тошмағоғ, Самарқанд шаҳридаги 48-мактабдан Н. Ким, Тошкент шаҳридаги 124-мактабдан Т. Шокирова; физика ўқитувчиларидан — Чирчиқ шаҳридаги 20-мактабдан В. И. Ананьченко, Тошкент шаҳридаги 179-мактабдан Ж. Йўлдошев; рус тили ўқитувчиларидан — Пойарик районидagi интернет-мактабдан Ю. Н. Курочков, Чирчиқ шаҳридаги 2-мактабдан Н. Жалилова; чет тили ўқитувчиларидан — Олмалиқ шаҳридаги 15-мактабдан Е. Юсупова, Андижон шаҳридаги 13-мактабдан Н. А. Чернович, Навоий шаҳридаги 18-мактабдан М. С. Аронова сингари муаллимлар бурчига садоқатли, мохир педагоглар сифатида жамоатчилик ўртасида эътибор тоғган кишилардир. Улар ўз салоҳияти, иззат-ҳурмати билан бошқа ҳамкасблари учун намунадир. Биз мана шундай ҳақиқий ўқитувчиларнинг тажрибаси, ўқитиш усуллари кенг педагогик жамоатчиликнинг бойлигига айланишига эришишимиз лозим.

Биз ўқув жараёнини жадаллаштириш деганда, бу тушунча замирида кенг муаммолар кўламини назарда тутамиз. Жамиятимиз ҳаётига фан-техника тараққийнинг энг янги ютуқлари тобора кенг кириб келаётган бўлган шариқта унинг ҳозирги ривожланган босқичида кун тартибига, агар фикр жоиз бўлса, ўқитиш жараёнини автоматлаштириш муаммоси илгари сурилмоқда.

Дарҳақиқат, яқин келажакда мамлакатимизнинг бутун аҳолиси ҳисоблаш-электрон машиналарининг у ёки бу турлари билан мушоқалда бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқув-техник воситаларга, айниқса, компьютер техникасига катта педагогик аҳамият беришликни тақозо этади.

Ҳозир республикамиз мактабларида 7-синфдан бошлаб ўқув жараёнида микро-компьютерлардан фойдаланилти, шу ўқув йилидан бошлаб эса у 9-синфларда ахборотни узатиш ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитила бошланади. Бу ишларни ташкил этишда бизда, бошқа республикаларда бўлганидек, малакали кадрларнинг йўқлиги, моддий базанинг яхши эмаслиги, ўқитиш моҳияти ва методикасининг етишмаслиги каби муайян қийинчиликларга дуч келямиз. Бу, албатта, табиий нарса. Лекин мазкур муаммоларни ҳал қилишга ҳозирдан киришимиз керак. Тўғри, бу борада бирмунча ишлар қилинаётир. Мазкур курсни ўқитиш учун физика ва математика ўқитувчиларини тайёрлаш йўлга қўйилди. «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида ўқувчиларни энг янги техникалар ёрдамида ўқитиш учун ўқув маркази ташкил этилаётир. Ўқув-техник воситаларидан фойдаланишда ўқувчиларга буларни тўғри, самарали ва билиб қўлашни ўргатиш муҳим ва зарурдир. Шу ўринда ўқув-техника воситаларидан фойдаланишни билиш масаласини алоҳида таъкидлашни истардик. Ҳозир бизда худди шу малака етишмаганидан қўпинча ўқув-техника воситалари мактабларда керакисиз нарсадек турганини кўраемиз. Шу-

нингдек, Марказий ва Ўзбекистон телевидениеси орқали ўқув кўрсатувлари муттафак билан берилаётгани ҳолда кўпгина мактабларда телевизорларни чанг босиб ётибди.

Демак, жойлардаги халқ маорифи идоралари ўз ишларини бугунги талаблар асосида қайта қўрганлари ҳолда, мактабларда ўқув-техника воситаларидан самарали фойдаланишларини, ўқитувчиларни ихтисослаштириб қайта тайёрлаш даражаси устидан қатъий назорат олиб боришлари керак.

Ўқув жараёнини жадаллаштириш муаммоси юқори малакали педагогик кадрларни тайёрлаш масаласини ҳам ўз ичига олади. Бу — мактаб ислохотида кўзда тутилган асосий масалалардандир. Ҳали педагогика институтлари ислох талаблари асосида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ишларини етарли даражада йўлга қўйганларича йўқ. Институтларнинг ўқув планлари ва программаларида, тадқиқий амалиётларида дунёвий қараш, психологик ва амалий йўналишнинг кучайтириш масалалари ўзининг етарли ифодасини топмаётир. Шунингдек, педагогика институтларининг халқ маорифи бўлимлари ва мактаблар билан алоқаси кўнгилдагидек эмас. Биз бу хил камчиликларга тезроқ барҳам беришимиз лозим.

Педагогика институтларининг коллективлари катта илмий-ижодий имкониятларга эгадирлар. Улар ўзларидagi имкониятларни мактаб ислоҳини амалга оширишга тўлароқ сафарбар этишлари мумкин.

Бизда мавжуд педагогик кадрлардан фойдаланиш масаласини ҳам ҳамма жойда яхши деб бўлмайдди. Педагогика институтларини тамомлаган кўпгина ёшлар иш шариоитлари яхши бўлмаганидан ёки уларга етарли эътибор берилмаганидан, баъзан эса, бутунлай бошқа сабаблар билан ўз ихтисослари бўйича ишламалар. Бу борада ҳам тартиб-назорат ўрнатишимиз, педагогика институтларида студентлар қабул қилишда лаёқатли, ўқитувчилик касбига сидқиқидан меҳр қўйган ёшларни тортишга жиддий эътибор беришимиз керак. Ёшларни ўқитувчилик касбига интилиришнинг қулай шаклларидан бири — бу муайян мактабларда ҳозирдақ педагогика синфлари ташкил этишдир. Масалан, Андижон педагогика институти коллективи шаҳардаги 15-ва 46-мактабларда худди шундай синфларни тузиб, бу синфларга ўқитувчилик касбига қизиққан, истеъодли ёшларни жалб қилганлар. Шу синфларда машгулотларни ўтказишда фақат мактаб педагоглари эмас, балки институт ўқитувчилари ҳам қатнашмоқдалар. Педагогика синфларини тугатган ўқувчиларга педагогика институтларига киришлари учун имтиёзлар берилди. Педагогик кадрларни бу тартибда тайёрлаш, албатта, яхши самара беради.

Партия ва ҳукуватимизнинг мактаб ислоҳотини амалга ошириш ҳақидаги қарор ва кўрсатмаларида ўқитувчиларнинг турмуш даражасини ва иш шариоитларини яхшилаш ҳақида аниқ тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Энг муҳими, бу имтиёзлар ҳақида маҳаллий партия ва Совет ташкилотлари алоҳида гамхўрлик қилишлари даркор. Лекин бизга маълум, баъзи маҳаллий Советлар ишини шу йўсинда ташкил этишга унчалик эътибор билан киришаётганлари йўқ. Биз бундай ҳафсаласизлик кайфиятларига тез барҳам беришимиз керак.

Ислоҳда кўзда тутилган муҳим ваизфалардан бири — бу умумий ҳунар таълимига ўттиш учун шариоит яратишдир. Одатда,

ишчиларнинг асосий қисми иш жойларида ҳунар малакаларини эгаллар эдилар. Бу хил усуллар орқада қолди. Энди эса, замонавий ишлаб чиқариш системаларидан самарали фойдаланиш учун ҳунар-ўқув марказлари системасини такомиллаштириш ва кенгайтириш зарур бўлиб қолди. Умумий ҳунар таълимига ўттиш меҳнат таълими системасини, ўрта мактаб ўқувчиларини тарбиялаш ва уларда ихтисосий йўналишларни шакллантириш ишларини тубдан қайта қуришни талаб этади. Бу ишларни ҳозир бошлаб юбордик. У ўзининг дастлабки самараларини ҳам кўрсатди. Мактаб-ишлаб чиқариш системаси аста-секин йўлга қўйилляпти. Бу системада эса таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлаш, ишлаб чиқариш коллективлари шариоитида ёшларни меҳнатда чинқириш, уларни ҳунарларни ёпиасига эгаллашга даъват этиш мақсадлари кўзда тутилган.

Мактаблар учун база ҳисобланган корхоналар билан алоқани мустақкамлаш, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари тармоқларини кенгайтириш мактабларнинг юқори синф ўқувчиларида дастлабки ихтисосий тайёр-гарликни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Лекин ҳали ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этишда етарли аниқлик йўқ. Чунки республика колхозлари, совхозлари ва корхоналарнинг аксарият қисми ўқувчиларнинг меҳнат таълимини ташкил этишдаги ўз ролларини ҳозиргача аниқлаб олмаганлар.

Меҳнат таълими учун зарур бўлган моддий-ўқув базаларининг аҳоли яхши эмас. Республикадаги мавжуд 644 та мактабларро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг кўпчилиги моддий-техникавий ускуналаниш ҳақидаги ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Мактабларнинг анчагина қисми эса, жиҳозланган устахоналарга умуман эга эмас. Бу масалани ҳал этиш, биринчи навбатда, таянч базаси ҳисобланган корхоналарга боғлиқ. Корхоналар ва муассасаларнинг кўпгина раҳбарлари базавий корхоналар ҳақидаги Низом — бу оталик ишларини шунчалик давом эттириш эмаслигини, бу партия ва ҳукуватимиз қўяётган мутлақо янги талаб ва тартиб эканлигини тушуниб етишлари керак. Бугунги кунда мактаб корхоналарнинг маълум структуравий звеносига айланмоқда. Мактаб билан корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тегишли шартномалар билан мустақкамланиши лозим.

Хуллас, умумий меҳнат таълимига ўттиш учун тегишли шариоит яратилиши билан мактабнинг ихтисосий йўналишини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришимиз керак.

Дастлабки тажрибалар мактаблар, ҳунар-техника билим юртилари ва базавий корхоналарнинг биргаликдаги фаолияти ёшларни ихтисосий йўналиштиришга қаратилса, қўзаланган мақсадга муваффақиятли равишда эришиш мумкинлиги ва бу нарса ишлаб чиқариш учун ҳам яхши самара беришини кўрсатади.

Республикамиз халқ маорифи ходимлари худди шу эъгу ният ва олий мақсад билан янги ўқув йилини ишчанлик руҳида бошладилар. Улар партия ва ҳукуватимизнинг мактаб таълимини такомиллаштириш ҳақидаги кўрсатмаларини муваффақиятли бажаришга ўзларининг тажриба ва билимларини сафарбар этишда ҳар қачонгидан кўра фаоллик кўрсатадилар, деган умиддамиз.



Илмий коммунизм асосчилари — К. Маркс ва Ф. Энгельс социалистик ҳўжалик юритиш қонуниятини таҳлил қилаётиб, йирик саноатни ривожлантириш оқибат-натигада сарфланган меҳнат миқдорига эмас, балки фан-техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ва ундан самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини кўрсатган эдилар. Уларнинг бу таълимоти ривожланган социализм шароитида янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Социализмнинг капитализмга нисбатан улкан афзалликларидан бири ҳам фан-техника тараққиёти ютуқларидан инсон ва жамият манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш билан белгиланади.

Совет давлати учун оғир бўлган дастлабки кунлардаёқ В. И. Ленин бу омилнинг аҳамиятини таъкидлаб, «...кимнинг техникаси, уюшқоқлиги, интизоми энг юксак даражада бўлса, ўша устун бўлиб чиқади», деб алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш совет кишилари социал эҳтиёжларини қондириш учун бўладиган харажатларнинг янада ортиши, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, корхоналарни замонавий фан-техника ютуқлари асосида қайта жиҳозлаш учун сарфланаётган маблағларнинг муқаррар суратда ўсиши билан ҳам боғлиқ бўлиб қоляпти. Ана шу омил-

ларни ҳисобга олган ҳолда КПСС XXVII съезди мамлакатимиз фан-техника тараққиётининг 2005 йилгача мўжалланган программасини ишлаб чиқишга қарор қилган эди. Мазкур программа 20 йил ичида қўл меҳнатини саноатда 25 процентга қисқартиришни кўзда тутди. Бинобарин, фан ва техникани жадал ривожлантириш асосидагина социал тараққиётнинг туб вазифалари оқилона ҳал этилиши мумкин. Социализм шароитида илмий-техника революциясининг энг муҳим хусусиятларидан бири фаннинг бевосита интенсив суратда ишлаб чиқарувчи кучга айланишидир.

Ривожланган социализм шароитида муҳим иқтисодий вазифалардан бири халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини техника билан жуда тез қайта кўроллаштиришдан иборатдир. Бунинг учун энг прогрессив технологияларни ишлаб чиқаришда тез ўзлаштириш учун барча зарур ташкилий куч-ғайратни ва моддий воситаларни сафарбар этиш ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Бу вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан совет ёшларининг ижтимоий фаоллиги, меҳнатсеварлиги, интизомлилиги билан, муштарак иш учун жавобгарлик, юксак маданият, оилада, коллективда намунавийлик, иш жойининг ҳар бир участкасида тежамкорликка интилиш, социалистик қонунни ҳўрмат қилиш билан боғлиқдир. Чунки илмий-техника революцияси социалистик жамият кишии нималарга қодир эканлигини белгиловчи мезон вазифасини ҳам ўтайди.

«Шу нуқтаи назардан қараганда, — деб таъкидлайди ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда қилган докладыда, — юқоридан то қуйи бўлингача кадрларнинг фикр-ўйлари ва кайфиятларида бутун чоралар билан ўзгаришни амалга ошириш, уларнинг диққат-эътиборини энг муҳим нарса — фан-техника тараққиётига жамлаш бугунги кунда партиявий ишнинг бош йўналишидир».

Бугунги кунда жамоатчилик асосида завод, фабрика, колхоз ва совхозларда ёшларнинг ялпи техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш конструкторлик лабораториялари штаблари жуда катта фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ёш рационализаторлик ва ихтирочилик мактаблари, штаблари самарали ишлаб турибди. Ёшларнинг актив иштироки туфайли СССРда ҳар етти секундда битта рационализаторлик таклифи, ҳар 10 минутда эса битта кашфиёт рўйхатга олинмоқда. Ҳар йили Ватанимиз олимлари, ишчи ва хизматчилари томонидан 40 мингдан ортик автоматлашган асбоб-ускуналар яратилиб, улардан қарийб 3,4 мингтаси ишлаб чиқаришга оммавий суръатда жорий қилинмоқда. Демак, фан-техника тараққиётининг ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳанузгача долзарб проблемалардан бири бўлиб қолаётган қўл меҳнатини, кам малакали ва оғир жисмоний меҳнатни тугатишнинг муҳим манбаидир. Оғир жисмоний



Бободехқон пахтазорда.

«Зангори кема»лар — пахтакорларнинг қаноти.

Э. Машков фотолари

мехнатни машина ва механизмлар зиммасига юклаш иқтисодий вазифадир. Айни чоқда бу жараён ижтимоий проблемаларни ҳал этишга ҳам ҳизмат қилади.

Ҳозирги вақтда фан-техника тараққийнинг асосий йўналишлари 170 та давлат комплекс фан-техника программасини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Ёш олимлар ва мутахассисларнинг кўпгина кенгашлари бу программаларни амалга оширишга жалб этилган. Ўн биринчи беш йилликнинг уч йилида уларнинг изланишлари натижасида 1,5 миллиард сўм маблағ тежаб қолинди. Бу — мамлакатдаги бутун рационализаторлик фондининг тўртдан бир қисми демакдир.

Республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида ёш рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ижодкорлиги, изланишлари учун кенг майдон очиб берилган. Бунинг ёрқин мисолини Хоразм область комсомол комитетининг фан-техника ижодкорлигини ривожлантириш борасида олиб бораётган фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Областнинг ёш новаторлари 1984 йилда 431 та ихтирочилик ва рационализаторлик таклифи киритиб, бундан 29 минг 843 сўмлик иқтисодий самара олдилар. Жисмоний меҳнатта барҳам беришда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан пайдо бўлган «Қўл меҳнати машиналар зиммасига!» ҳаракати барча комсомол ташкилотлари фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш планларининг бажарилиши республика халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий ва ижтимоий самара келтирмоқда. Фақат ўтган беш йилликнинг уч йили ичيدا республика халқ хўжалиги ана шундай эзгу ишлар туфайли 247 миллион сўмлик иқтисодий фойда олди. Лекин шуни қайд қилиш керакки, ана шу уч йилда янги техникани жорий этиш планлари бажарилмади.

Ҳозирча республика бўйича ижтимоий ишлаб чиқариш ўсишининг 10 процентига яқини фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига юз бермоқда. Фикримизча, республика корхоналари ва ташкилотларининг фаолиятига баҳо берилганда фан ва техника ютуқларини жорий этиш туфайли ишлаб чиқариш самарадорлиги қанчалик ошганлигини назарда тутиш лозим. Айни пайтда ана шу омил ҳисобга олинмаётганлиги туфайли кўпгина областларда меҳнат ресурслари ортиқча бўлиб турибди, қўл меҳнатининг салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, кейинги йилларда Наманган область корхоналарида қўл меҳнатининг салмоғи икки бараварга ошди. Бугунги кунда республика саноатида қўл меҳнатининг салмоғи 50 проценти, қурилишда эса 60 проценти ташкил этмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнатининг салмоғи секин қамаймоқда. Масалан, полиз ва сабзавот экиларини экиш 37—40 процент, фермаларда молларга озуқа бериш 30—35 процент, шולי экиш ва йиғиштириб олиш 35—40 процента механизмлаштирилган ҳолос. Албатта, фан-техника ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш учун жойларда барча шарт-шароитлар муҳайё этилиши керак.

Демак, фан-техника тараққийи ишчилар синфининг, деҳқонларнинг маданий-техникавий савиясига эътиборни кучайтиришни, жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучларини янада тақомиллаштиришни талаб қилади. Бу вазифа эса меҳнат, план ва технология интизомини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Тўра НОРБОВ,
доцент

ЧУЧУК СУВ МУАММОСИ

Мурод МАМАТҚУЛОВ,

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборатория мудир, география фанлари доктори

АКАДЕМИК А. П. Карпинский 1931 йилдаёқ гидрогеологларнинг биринчи Бутуниттифок съездида сўзлаган нутқида: «Сув — энг қимматбаҳо бойлик. Сув фақатгина минерал хомашё, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги асосий манбаа бўлибгина қолмай, у маданиятга йўл бошловчи шундай ҳаракатчан қонқи, ҳаёт йўқ жойда ҳаёт барпо этади», деган эди.

Дарҳақиқат, сувсиз яшашни тасаввур қилиш қийин. Хўш, шундай экан, планетамизда сув етарлими? Сув жуда кўп. Ер сатҳининг 71 проценти 1,4 миллиард куб километр ҳажмдаги сув билан, яъни океанлар, денгизлар, кўллар ва дарёлар суви билан қопланган. Бироқ, планетамиздаги ҳамма сувлардан ҳам хўжалик эҳтиёжлари, ичимлик, суғориш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас. Чунки уларнинг кўп қисми таркибиде керагадан ортик турли тузалар ва бошқа эритмалар мавжуддир. Яъни табиий сувларнинг бир литрида бир неча миллиграмдан тортиб 800 граммгача минерал тузалар бор.

Маълумки, инсоният ҳаётида таркибиде бир граммгача тузи бўлган чучук сувларнинг аҳамияти беқиёс катта. Чучук сувлар плане-

қолмоқда. Бундай мамлакатлар ўз территориясидаги сувларнинг ифлосланиб кетиши натижасида қўшни мамлакатлардан сув сотиб олишга ёки жуда узоқ масофадан қузурлар орқали сув олиб келишга мажбур бўлимоқдалар. Масалан, Германия Федератив Республикаси қўшни мамлакатлардан чучук ва тоза сув сотиб олмоқда. Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатидаги Лос-Анжелос шаҳри узунлиги 500 километрли қузур орқали Колорадо дарёсининг суви билан таъминланмоқда.

Қирғоқ зоналарда жойлашган мамлакатларда чучук сув билан таъминланиш масаласининг қанчалик муҳим эканлигини эслатиб ўтиш зарурдир. Бундай мамлакатларда сув шунчалик қадрлики, ҳатто Африка қитъасидаги Ботсвана давлатининг гербида «Доимо сув бўлсин!» деган шior ёзилиб қўйилган.

Биз эса, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, қабилада иш тутиб, шаҳарларимизда водопровод ва қишлоқларимизда артезиан қудукларнинг сувларини истаганча исроф қилаверамиз, уни тежашга эътибор бермай-миз.

Ҳозир чучук сувга бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Аҳоли эҳтиёжи учун сарфланаётган чучук сувларнинг бешдан бир қисми ер ости сувларига тўғри келади. Бироқ, шуни қайд этиш керакки, охириги

Партия қарорлари — ҳаётга!

тамизда кам тарқалган бўлиб, фақат дарёлар, музликлар, баъзи кўллар ва ер ости сувларининг бир қисмидан иборат. Ҳисобикитобларга кўра, океан ва денгизларнинг шўр суви планетамиз сув запасининг 99,5 проценти, чучук сувлар эса атиги 0,5 проценти ташкил қилади. Планетамизда қутблардаги музликлардан ташқари 80 минг куб километр ҳажмда ер усти ва ер ости чучук сувлар мавжуддир. Аммо бу сувлар, айниқса, охириги йилларда техниканинг тез тараққий этиши ва аҳолининг йилдан йилга кўпайиб бориши натижасида ифлосланиб кетмоқда. Шу сабабдан ҳозирги даврда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, Ер юзидаги икки миллиардга яқин киши тоза сув ичиш имкониятидан маҳрум. Тараққий этаётган мамлакатлар бўйича иш олиб бораётган махсус экспертнинг аниқлашича, бу мамлакатларда 80 процент турли касалликларнинг келиб чиқишига ифлосланган сувларнинг истеъмол қилиниши сабаб бўлмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси 1981—1990 йиллари «Ичимлик сув билан таъминлаш ва санитария шароитини яхшилаш халқаро ўн йиллиги», деб ўзлон қилди. Шу ўн йилликда аҳолини тоза сув билан таъминлаш соҳасида анчагина ишлар қилинмоқда.

Сўнги йилларда кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, тараққий этган мамлакатларда чучук сув масаласи муаммо бўлиб

йилларда ер усти сувларининг тез ифлосланиб кетиши натижасида аҳолини сув билан таъминлашда ер ости сувларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Аҳолини ер ости сувлари билан таъминлаш Белгияда 90 процент, Финляндияда 75 процент, Америка Қўшма Штатларида 50 проценти ташкил этади. Совет Иттифоқида 1950—1955 йилларда аҳолини сув билан таъминлаш фақат 10—15 процент ер ости сувлари ҳисобига бўлган бўлса, 1980 йилларда бу рақам 60—62 процентга кўпайди.

Ер юзида шундай катта, сёрсуз дарё ва кўллар борки, уларнинг суви билан бутун дунё аҳолисини бемалол таъминлаш мумкин. Масалан, Шарқий Сибирнинг жанубида жойлашган Байкал кўли сайёрамиздаги чучук сув запасининг бешдан бир қисмини ўзида сақлайди. Бироқ, бу чучук сув манбааларининг кўп қисми аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқлардан анча узоқда жойлашган, яқин жойлашганларнинг кўпчилиги эса ифлосланиш натижасида ичиш ва бошқа эҳтиёжлар учун яроқсиз бўлиб қолган. Шунинг учун шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг сув билан таъминлашда ер ости сувларидан кенг фойдаланилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилот — ЮНЕСКО маълумотларига кўра, ҳар йили Ер қаъридан 15—20 минг километр куб ер ости сувлари олинмоқда.

Ер ости сувлари ер қобнини ташкил қилган деярли ҳамма тоғ жинсларида учрайди. Бироқ, уларнинг ҳаммасидан ҳам фойда-

даниш мумкин эмас. Бизнинг шароитимизда тоғ жинсларининг асосан икки турида тўпланган ер ости сувларидан кенг фойдаланилмоқда. Булардан бири Ер тарихининг тўртамчи даврига мансуб шагалар тошлар орасидаги сувлардир. Ер ости сувларининг иккинчи тури Ер тарихининг турли даврларида ҳосил бўлган карбонат тоғ жинсларида (карбонатлар ва бошқалар) карот жараёнлари натижасида ҳосил бўлган турли катта-кичикликдаги ер ости бўшлиқларида тўпланаётган сувлардир.

Карстланувчи (эрвчан) тоғ жинсларининг ўзига хос бир хусусияти бор. Уларнинг ичига ёриқлар ёки ер усти карст шакллари орқали қанча сув кирса ҳам, бошқа тоғ жинслари (қум, лой ва бошқалар) сингари ушиб, майдаланиб кетмайди. Буларнинг эриши натижасида ҳосил бўлган бўшлиқлар ўз шаклини сақлаб, фақат кенгайиши ва чуқурлашиши мумкин.

Карст жараёнларининг асосий хусусиятларидан бири шуки, ёгин сувлари тоғ жинсларига шимилгандан сўнг улар ер остида ҳосил бўлган карст бўшлиқларида тўпланади ва узоқ вақт сақланиб туради. Шунинг учун кўпинча иқлими қуруқ районларда ҳам ер ости карст бўшлиқларидан бошланган кўп миқдорда сув берувчи булоқлар пайдо бўлади.

Маълумки, Арабистон ярим ороли Ер шарининг энг қуруқ районларидан бири ҳисобланади. У ерда бир йилда 100 миллиметрға яқин ёгин ёғади (тоғли районларида бирмунча кўпроқ). Шундай бўлишига қарамастан, Анжир, Хуздар, Тур-Гази шаҳарлари атрофида бир секундда 200 литр ва ундан ортиқ сув берувчи карст булоқлари бор. Бундай булоқлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларида ҳам учрайди. Масалан, Марказий Қозоғистон территориясида жойлашган шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва sanoat объектлари асосан ер ости карст бўшлиқларида тўпланган сувлар билан таъминланадилар.

Ўрта Осиё карст массивларида шундай катта карст шакллари учрайдики, улар маълум майдонда ёғайтган ёгин сувларини бутунлай ўзига, яъни ер остига шимади ва

бора-бора карст бўшлиқлари ҳатто ер тагида дарё ва қўллари ҳосил қилади. Айрим ер ости бўшлиқларида бир қанча дарё ва қўллар ҳам бўлади. Ўрта Осиё территориясида 32 та ер ости дарёлари борлиги аниқланган. Бирок, улар унча узун эмас. Фақат гипс ва туз қатламларида ҳосил бўлган ер ости дарёларининг узунлиги 1000 метрдан ошади, ammo уларнинг суви шўр. Оҳақтошли ер ости бўшлиқларидаги дарёларнинг узунлиги 230 метрга етади.

Ўрта Осиё горларининг 27 тасида 35 та қўллар борлиги аниқланган. Айрим горларда, масалан Олой тизма тоғларининг шимолий ёнбағирларида жойлашган Чилустун, Зарафшон тизма тоғларининг шимолидаги Омонқўтон горларида 3 тадан кўл бор. Бу қўлларнинг майдони ҳар хил бўлиб, 3 квадрат метрдан то 400 квадрат метрғачадир.

Ҳозир Ўрта Осиёдаги карстланувчи тоғ жинсларидан ер устига чиқувчи 1 миңг 600 дан ортиқ карст булоқлари ҳисобга олинган. Уларнинг сони бундан кўп ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун махсус гидрогеологик қидирув ишларини олиб бориш лозим.

Шуни қайд қилиш керакки, Ер шарига тарқалган тоғ жинсларидаги карстланувчи карбонат тоғ жинсларида ер ости сувлари кўп тўпланади. Бунга сабаб, уларда ер ости бўшлиқларининг кўп бўлишидир. Ер ости карст бўшлиқларида йиғилган сувларнинг бир қисми булоқлар сифатида ер устига чиқади, туташ тоғ жинсларига шимилади, асосий қисми эса бўшлиқларда йиғилади. Шунинг учун карстшунос мутахассисларнинг асосий вазифаси ана шундай сувга тўла ер ости бўшлиқларини топишдир. Бундай ишлар ҳозир Зарафшон тизма тоғларининг шимолий қисмида жойлашган Ургут районида олиб борилаётир. Бу районда иккита карст булоғи бўлиб, уларнинг биттаси (Катта чинор) секундига 75 литр, иккинчиси (Бардуш) 13 литр сув беради. Бардуш булоғи чиқаётган жойдан пастроқда (сой бўйлаб) парма қазилган, ундан қўшимча секундига 34 литр, яъни булоқ сувидан уч марта кўп сув олинмоқда. Бу нарса Катта чинор булоғи


сувининг режимига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Лекин қазилгандан сўнг Бардуш булоғининг суви камайиб борди. Бу эса Ургут аҳолисини сув билан таъминлашни яхшилаб, район сув билан таъминлаш ташкилотининг муълумотиға қараганда, йилиға 33 миң сўмлик фойда келтирмоқда. Бундай ишлар республиканин бошқа районларида ҳам, Ўзбекистон Геология министрлиғига қаршли «Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бирлашманин Мирзачўл гидрогеологик экспедициясида, гидрогеология ва инженерлик геологияси (ГИДРОИНГЕО) институтида олиб борилаётир. Шу ишлар натижасида Ўрта Осиё территориясидаги карстланувчи тоғ жинсларининг харитаси тузилди. Бу харитаға асосланиб Ўзбекистоннинг тоғли районларидаги ер ости карст бўшлиқлари ўрганилди ва улардаги сувларнинг тахминий запаси аниқланди. Шуни кўрсатиш керакки, аниқланган суви ер ости бўшлиқлар турли даврларда ҳосил бўлган ва сўнги даврга келиб фаоллашган тектоник дарзликлар зоналарида жойлашган. Масалан, Зирабулоқ-Зибўддин тоғларида Зирабулоқ-Дундон тектоник зонаси аниқланди. Шунга ўхшаш участкалар Зарафшон, Туркистон ва Жанубий Нурота тоғ тизмалари ён бағирларини кесиб ўтувчи Оқтов-Туркистон ва бошқа тектоник бузилиш зоналари ҳам бор. Бу зоналардан қазилган пармалардан секундига 15 дан 65 литрғача сув олиш мумкин.

Демак, республикамиз аҳолисини, sanoat объектларини, кишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашда ер ости карст бўшлиқларидаги чучук сув запаслари асосий манбаълардан бири ҳисобланади. Шунинг учун келгусида бу соҳада суви ер ости карст бўшлиқлари тарқалган участкаларни топиш ва уларда сув йиғилиш шарт-шароитларини ўрганиш керак.

Хуллас, Ўзбекистон гидрогеологлари ҳам ўз фаолиятларини партия ва ҳукуматимизнинг узоқ муддатға мўлжаллаган мелiorация программаси асосида қайта куришлари лозим.

Зарафшоннинг икки irmoғи — Оқдарё ва Қорадарё Навоий область территориясида қайта туташади.

А. Жумаев фотоси



Китоб районида бир хўжалик бор. Уша хўжалик ҳақида гап кетгудек бўлса, машҳур раиса Каромат Рустамова номини хурмат билан эслашади. Уни «Каромат опа колхозчи» дейишади.

Кароматнинг умр йўлдоши Юсуф Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У аламини меҳнатдан олди. Фарзандларини тарбиялади. Эндиликда улар жамиятимизнинг турли соҳаларида хизмат қилмоқдалар.

Район партия комитети Кароматнинг меҳнатдаги жонбозлигини ҳисобга олиб, уни колхоз раислигига тавсия этди. Бунга ҳамма бир овоздан қўллаб-қувватлади. Уша йилларда колхоз экономикаси орқада бўлиб, ҳар гектар ердан бор-йўғи 18 центнердан пахта ҳосили етиштирилди, ҳоло. Кейинча ҳосилдорлик 34,6 центнерга кўтарилди.

1954 йилда К. Маркс, Қўйишев, Охунбобоев номидаги, шунингдек, «Меҳнат» каби камқувват, майда хўжаликлар бирлаштирилиб, «Партия XIX съезди» колхозчи ташкил этилди. Бу йирик хўжаликка К. Рустамова бошчилик қилди. Планлар ортиги билан адо этилди, хўжалик ҳар томонлама ривожланди.

1957 йилда Каромат Рустамовага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. 1966 йилда у Шахрисабз сайлов округидан СССР Олий Советига депутат қилиб сайланди, КПСС XXIII съездида делегат бўлди.

Унинг сеvimли сўзи бор эди: «Меҳнат қилган — элда ази!» Фақат ҳалол меҳнат қилиш керак. У кундузи одамлар, кечаси гўзалар билан суҳбат қуришни ёқтирарди. Бир куни ярим кечада кимнингдир эгатлар ичида юганини кўриб қолди у. Енига борди. Ешгина жувон. Пахта терапанти. Раиснинг келганини сезмади ҳам. Енида бир этак терилган пахта.

— Кечаси нима қилиб юрибсан?

Жувон тўсатдан сесканиб кетди.

— Отинг нима? — деб сўради раиса.

— Муҳтарама.

— Эртага колхоз идорасига кел, гап бор.

Эртаси куни Каромат опа табелчининг дафтарида нималарнидир кўчириб олди. Кечқурун эса қишлоққа раисанинг машинаси кириб келди.

— Муҳтарама, унинг уйи қайси? — деб сўради у йўлда учраган боладан.

— У ёқда.

Раиса ўша томонни уч бор айланиб чиқдию, лекин уйни топа олмади.

— Нега алдайсан? — деди у тоқати тоқ бўлиб.

— Алдаётганим йўқ. Мана! Бола раисани одмигина бошпа на олдига бошлаб борди. Раиса аввалига ишонмади. Лекин у ердан чиққан Муҳтарамани кўриб хайрон қолди.

— Нега бормадинг? Тез киин. Бошқа ишларни кейин гаплашамиз... — Раисанинг сўнгги гапи

ОНАХОН

жуда аста эшитилди. У гўё ўзига сўзлаётгандек эди.

Эртаси куни Муҳтарамаларнинг уйига дурадгор ва бир неча уста келди. Бир ой деганда янги уйнинг томи ёпилди. Бир неча йилдан кейин эса «Муҳтарама Рашидова Каромат опанинг олдига бориб: «Опа, уйнинг қарзини қачон тўлайман?» деганда, у қулиб: «Вой содда-ей, аллақачон тўлаб бўлгансан-ку. Ойлигиндан. Камроқ ойлик олаётганинингни сезмадингми?» деди.

Яхши раҳбар ота-онага ўхшайди. Қўпинча бошқа хўжалик раҳбарлари Каромат опага ҳазил қилиб: «Колхозингизнинг оҳанрабоиси борми? Ҳамма одамларимиз сизникига кетиб қолишяпти», дейишар эди. Бунинг сабаби

одамларга меҳр-оқибатдан эканлигини улар яхши сезишарди.

Ҳозиргача бу ерда бир воқеа оғиздан-оғизга ўтиб юради. Уруш йиллари фронтга жўнатиш учун отларни йиға бошлашди. Фронт учун, ғалаба учун жонини ҳам беришга тайёр бўлган кишилар шахсий отларини ҳам олиб кела бошладилар... Каромат опа отлар йиғилган пунктга келганида икки йигит жиққамушт бўлиб турганининг устидан чиқди. Нима бўлаётганини билишга шошилди.

— Сизнинг саманингизни фронтга жўнатмоқчи, — деди йигитлардан бири.

— Ўзингиз буюргангизни айтсам, ишонмайпти, — деди иккинчиси юзидан терини артиб.



Олтин куз неъматлари.

Р. Шамситдинов фотоси

— Ўзим айтдим. Унга тегма... — деди Каромат опа. У саман томон бурилди. Саман Каромат опа билан хайрлашаётгандек, бошини сарак-сарак қилди...

Уруш тугади. Ғолиб солдатлар она-юртларига қайта бошладилар. Сўнгрок қишлоқда: «Каромат опанинг самани қайтиб келибди. От Қора-булоқдан сув ичиб, ўз эгаси — Каромат опани кўриб жон берибди», — деган гап тарқалди. Бунга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмадилар... Лекин бу гапнинг марзи шундан иборат: жониворки Каромат опа бошчилик қилаётган колхозга шунчалик меҳр қўйгандан кейин, одамлар уни қандай тарк эта олар эди?!

Каромат опанинг ташкилотчилиги натижасида дала шийпонлари, чорвачилик, паррандачилик комплекслари замонавий тилда қурилди. Колхозда «Юлдуз» ансамбли иш бошлади.

Колхоз катта тармоқли хўжаликка айланди, электрлаштириш, радиолаштириш, телефонлаштириш ва бошқа ишлар амалга оширилди, янги-янги мактаб бинолари қуриб битказилди. У бир неча марта Москва ва Ленинград шаҳарларида гастролда бўлди ва Марказий телевиденининг программасида намоён қилинди.

Каромат Рустамова Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездида Ревизия комиссиясининг аъзоси, XVII съездда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1969 йил 25 — 27 ноябрда Москвада бўлиб ўтган колхозчиларнинг Бутунитифок III съездининг делегати бўлди.

К. Рустамованинг хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш ва пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Унинг кўксини Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат белгиси» орденлари беади. У Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси эди.

Каромат опа қарийб 30 йилдан ортик вақт хўжаликни бошқарди. Шу йиллар ичида у ҳаминча ҳалол, меҳрибон раҳбар бўлиб қолди. Унинг ташаббуси билан 10 қути ипак қуртидан 1 тонна пилла етиштириш мусобақалари уюштирилди. Пиллачилик мусобақаси ғолиблари Муҳтарама Рашидова, Ҳанифа Шаропова ва Рукья Ашуровалар ўз ҳалол меҳнатлари эвазига обрў-эътибор топдилар. Бугунги кунда колхоз бригадирлари — Муродали Ниёзов, Рашид Нуралиев, ЎзССРда хизмат кўрсатган пахтакор, КПСС XXVI съезди делегати Гулсара Бобомуродовалар ҳам Каромат опанинг издошлари сифатида ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Яхшилик билан машҳур бўлишнинг мезони борми? Шоирлар яхши асар билан машҳур бўладилар, ишчилар меҳнат билан. Раҳбарлар-чи? Улар машҳурлигининг мезони — инсонни, меҳнат кишиларини тушуна-билиш ва уларни даврнинг улугвор ғояларини амалга оширишдек эзгу ишга сафарбар этишдир. Шунда одамлар ҳам раҳбарларни севиб қолишади. Каромат Рустамова ўзи бошчилик қилган хўжаликнинг шундай онахони эди.

Каспар ТУРДИЕВА

Йиллар ва тақдирлар

Китоб — Тошкент

Шавкат РАҲМОН

АВТОБУСДАГИ ЎЙЛАР

Катта йўл бўйида
гўё ўзларин
олис бир саёҳат, сафарга чоғлаб,
писта, курт соғувчи чоллар сингарин
ўйлаиб ўтирар
содда қишлоқлар.
Қайга борадилар,
лойгарчиликда
қай орзу-истаклар бағрини эзар.
Бироқ йўл сездирмай ёдингда қолган
нокуш сувратларни ўчирар тезда.

Пахтазор бошланар,
кирза этикли,
юзларин куёшлар ялаган қизлар,
минг бора эгилиб,
минг бор ялиниб,
ҳар митти гўзани уйғотар сизлаб.
Бир зум бош кўтариб
ерга ўхшаган
қўлларини силкиб ненидир сўйлар,
гўёки қўллармас,
қўллар шаклида
ростланиб ҳавода титрайди ўйлар.

Туркона ҳовлилар
кунга қараган,
аччиқ мевасидан ширин боли кўп,
кўримсиз эшиклар мангу ёпилмас,
терагидан кўра
мажнунтоли кўп...
Сабр дарахтидай ўсган одамлар —
саксовул сингари чидамли, чайир,
ерга ботиб кетган баҳодирлардай
кунларга қарайди
синиқ илжайиб.



Майхонага ўхшар
автобус ичи,
ёш-яланглар чайнар нағмаларини.
Бир бутун одамни кўрмадим бунда,
Кўрдим мен одамнинг зарраларини.
Кўнгил ағдарилар
латифалардан,
орзулар, қарашлар нақадар қалта.
Нега гапиришмас сепаратчилар
Индира Гандини отгани ҳақда?!

Булар яшайдилар
қайси кунларда,
қайга борадилар, кимга юкиниб?
Шулар ўйлармикин тупроғимизни,
шулар кўтарарми элнинг юкини!?.
Қани бирортаси
битта сўз айтса,
сўқимлар даврасин ногоҳ тўзатиб,
шоир юрагимни юлиб берардим
«Жоним Ўзбекистон»
деган сўз учун.

Қарашар
автобус деразасидан
охирлаб қолганда ҳамки саёҳат,
билишмас, не учун хўмраяр тоғлар,
бу азим дарёлар оқар қаёққа...
Боалар, кампирлар,
чоллар мудрайди,
меҳнаткаш қўллари ёзиқлигича,
бу «доно йигитлар»,
бу «доно қизлар»
ухлайди кўзлари очиқлигича.

ИСПАНИЯДА ЯНГИ ЙИЛ

Испанлар
жудаям эринмаган халқ,
ҳар йили бир марта яшариб олар,
картондан ясаркан жами ёмоннинг
қийшайган, буришган
башараларин.
Бутун Испания —
аччиқ кулгисин
миллионга қўлига жамлаган рассом
чексиз устахона — тор кўчаларда
буюк асарларин яратар ҳар шом.
Мана, янги оқшом,
жаранглар ногоҳ
миллион деразалар шўх қаҳ-қаҳадан —
улкан сувратларни шиорлардай халқ
кўтариб чиқади мингта даҳадан.
Испанлар гўёки бор губорини
ситиб чиқаргандай пок қонларидан,
ўйнашиб, қувнашиб
минглаб разилга
ўт қўйиб юборар майдонларида.
Улуғдир ўзидан куладиган халқ
дунёга кўз-кўзлаб ноёб хислатин,
кавшларин артаркан эски йилларга
қуйдириб йўқ қилар
барча иллатин.
Бир ҳавасим келди,
қани ҳаммада
бўлсайди шу халқнинг руҳий қуввати,
биз ҳам майдонларда қуйдирсак ҳар йил
ёмон иллатларнинг хунук сувратин.
Аммо вақтимиз йўқ,
гарчи кўп ҳали
мириқиб кулгудай галат иллатлар —
халқимиз қировли пахта чангаллаб,
бошин уриб олар янги йилларга.
У янги йилларнинг бўсағасида
таомилга кўра бир оз тўхталар,
ёлғончи, олчоқлар сувратин эмас,
буюк ташвишларни бошда кўтарар...
Ҳатто пок қалбига
кир назар билан
қараб бисотига кўзин олайтган
кимсалар билан ҳам танитлик қилиб,
чўқиштириб ичар бўз пиёладан.
Сўнг тагин тоғлардай
чўнг кифтларида
бир дунё ташвишни олиб юради,
Англаган жилмаяр...
Англамаганлар
бундай соддаликдан кулиб туради.
Менимча,
халқимиз муносиб кўрмас
пойига бошқадан қолган изларни...
У ҳатто испанлар тан берадиган
кулгили жазони
тинмай излайди.




АРАВОН КЎРИНИШЛАРИ (парча)

1

Тоғлар —
нортуялар абадий чўккан,
қуруқ лаҳзаларни чайнаб, кавшаниб.
Қани ясовуллар — туякашлари,
тилло, жавоҳирли сандиқлар қани?
Бариси таланган,
қароқчиларнинг
изларин яшириб юборган мозий.
Яширган йилларнинг чангалзорлари
сарбонни ўлдирган қотил овозин.

2

Сарбонни кўмдилар
сангзор соҳилга,
қабридан юксалди сўнги сўзлари:
«Элимдан ўзга бир паноҳ йўқ эди,
элим, деб йиқилдим,
эл, деб бўзладим.»
Хотинлар соч ёзиб «вой» лаб йиғлади,
мардлар ерга ётиб ойлаб йиғлади,
дўст, ёни билмаган кўр кечаларда
«булутга яшриниб ойлар йиғлади»!



3

Бир дарё,
тепадан бўғилган дарё,
шаштини синдирган метин тўсиқлар,
саноқсиз тошларни оралаб оқар
элнинг тилидаги ўлмас кўшиқдай.
Балки шунданмикин
уйлар зичлашиб
дарёдан сув ичар подалар каби,
Юлдузлар келади чўмилмоқ учун,
бир қирғоқ туркийдур,
бири — арабий.

4

Исёнкор тутзорлар ораларидан
чиқар афсонавий жангчилар каби
нигоҳлари ўткир,
одими шаҳдам,
барваста, қорача йигитлар сафи.
Қишлоққа киришар,
Момо Қуёшнинг
энг сўнги нурулари тўкилиб ётган
гузардан ўтаркан,
қиз кузатгандай,
ҳавасла қарашар сувлаган отга.

¹ Халқ термаларидан

Болазор, мезазор, толзор кўчалар, шохлар ерга тегар шигил ҳосилдан. Мовий дарвозалар равоқларида тамаки барглари — ипга осилган. Бекимачоқ ўйнар шўх болакайлар. Ҳозиргина сўнган куёш қўрлари. Чайқалган шаббода тўлқинларида товланар қизларнинг ҳарир кўйлаги. Хинодан қизарган қафтида қизлар ёноқларин тўсар, ерга қарайди. Еш қонинг тўлғонар томирларингда, тўймаган кўларинг ҳазин айрайди. Юз оёк, юз қўли, минг бир иболи, пардага ўралган ёноқларида, Ох, қандай сеҳрли садолар ухлар бу хулио қизларнинг томоқларида.

6

Анжирзор оқ ойнинг шуъларида... Қадлари майишган, гўё фалаж рух. Иқиқлар чоғида бир-бирларига мустаҳкам суянган элдор ҳалажрух. Улкан, дағал қафтлар — япроқларида олтин анжирларни тутар анжирзор. Кўр нурлар дайиган бу салтанатда сабр қаноатли қанча занжи бор.

7

Шамолзор дарада чайқалади тун, қоқаришиб борар ойнинг палласи. Қонимга қонимни танитиб кўйди қоронғи тунларнинг ўт мусалласи. Энг асил дўстларим ёнимда экан, ёнимда, жонимдай жонимда экан, дўст илаб ўтқардим баҳорни, ёни, эй воҳ, улар менинг қонимда экан.

8

Мана, юрагида диёнатини бокира қизларнинг номуси каби сўнги нафасгача пок асрагувчи вазмин, иродали одамлар сафи. Қудратли юраклар зарбини уқдим, уқдим тоқатларин, уқдим кўзларин. Ҳар бирин дилида гўзал сўзлар бор — мўйсафид сарбонинг сўнги сўзлари.

9

Аравон, бўзарган тонг кучоғида, кўпирган боғларин тебратиб ётар, гоҳ мовий, гоҳ пушти пардаларида куёшдай уйғониб, ой каби ботар.



ДЕНГИЗ ОСТИДАГИ ШАҲАР

Ҳиндистонлик археологлар Гуҷарот штатидаги Дварақ шаҳри яқинида — денгиз қирғоқларида қазув-текшириш ишларини бошлаб юбордилар. Маълумки, бу жой Вишну худосининг саройи номи билан машҳур бўлиб, эътиқодчиларнинг оммавий азератгоҳидир. Қазув-текшириш ишларида мамлакатдаги Миллий океаншунослик институти мутахассислари иштирок этмоқдалар. Шу сабабдан матбуот маъруза экспедицияси Ҳиндистон ден-

гиз архелогияси тараққиётида дастлабки қадам бўлди, деб баҳоламоқда.

Олимларнинг мулоҳазаларига кўра, жуда қадам замонларда бу ерда аҳоли яшайдиган каттагина истиқоматтоҳ мавжуд бўлган. Бу истиқоматтоҳ Арабистон денгизининг ҳинд қирғоқларида савдо ва диний марказ ролини ўйнаган. Бу таҳмин қадимги ҳинд қахрамонлик эпопеясининг адабий ёдгорлиги бўлган «Маҳабхарата»га асосланади. Маълумки, бу ёдгорликда қандайдир бой-бадавлат шаҳарнинг аста-секин денгиз остига қўшиб кетгани ҳақида хикоя кўлинади. Фанга маълум бўлмаган шаҳарнинг қачондир мавжуд бўлганини мана энди Дварақ яқинидаги қазилмалар ҳам тасдиқламоқда. Бу ерда милдатча бўлган XV асрда табаррук азераттоҳ вазифасини бажарган шаҳарнинг, қадимги саройининг қолдиқлари топилди.

Бундан икки йил муқаддам

денгизда сузиб юрган гоҳвослар бир неча метр чуқурликда денгиз қирғоғига параллел равишда қўзилган тош деворни кўриб қолганлар. Шубҳа йўқки, қачонлардир худди ана шу девор диний шаҳарни ўраб турган, деб тасдиқлайдилар ҳинд олимлари. Кейинги изланишлар худди шу деворнинг давомида бўзилган иморатларнинг пойдеворлари, кўчалар ва айрим қурилишларнинг ўрни борлигини кўрсатди. Ҳозиргача олинган суратлар шаҳарнинг ярим кватрлар километр майдонининг тахминий планини қайта тизиб имкониятини беради.

Мутахассислар бу тадқиқотларни маъруза районининг милдатча бўлган XV ва XIV асрлар давомидаги тарихини ўқидиришга ёрдам беради, деб умид боғламоқдалар. Шунингдек, «Маҳабхарата» ёдгорлигида тарихий ҳақиқатлар аёқ эттирилганлиги ҳақида ҳам хулосалар чиқаришмоқда.

60 МИЛЛИОН ЙИЛЛИК ТОПИЛМА

Ҳиндистонлик археолог олим Д. Прасад Мадхия-Прадеш Штатининг Мандала районига 30 гектарлик майдонда жуда қадимий дарахтларнинг тошга айланган қолдиқларини топди. Айрим дарахтларнинг тошга айланган танасининг узунлиги 14 метрга етди. Лакнау шаҳридаги Палеоботаника институтида олиб борилган текширишлар маъкур топилманинг ёши 60 миллион йилдан зиёд эканлигини кўрсатди. Бир замонлар бутун Ҳиндистонни қоплаб ётган, вақтлар ўтиши билан тошга айланган катта ҳажмдаги қадимий ўрмон қолдиқлари бу мамлакатнинг ўсимлик дунёси эволюциясини ўрганишда олимларга жуда кўл келади. Топилма ҳақида шов-шув гаплар тарқалганидан кейинроқ Мандала округининг ҳукумат раҳбарлари яна бир янгиликни маълум қилдилар. Бу хабарга кўра, маҳаллий аҳоли тошга айланган дарахт қолдиқларини кўп йиллардан бери... бошпана қуришда, қурилиш материали сифатида ишлатар эканлар.

«Индиан экспресс» газетасининг хабарига биноан, 20 гектарли майдонда дарахтлар ва ўсимликларнинг тошга айланган қолдиқлари сони 30 мингтага яқин экан. Ҳиндистон ҳукумати маъкур топилма майдонини ўрнида миллий истироҳатгоҳ-музей ташкил этишга қарор қилди.



ЯШИРИНГАН ҚЎРҒОНЛАР

Яқинда Перу мамлакатининг шимоли-шарқига — Мараньон дарёсининг бошланғич қисмида қадимий қўрғонларнинг қолдиқлари топилди. Бу топилма Жанубий Америка ҳиндуларининг қайси маданиятига оидлиги ҳозирча фанга номаълум. Йирик-йирик тош бўлақларидан қурилган қўрғонтахлит ишоотлар 200 квадрат километрдан ортиқроқ майдонни эгаллаган. Тахминий ҳисобларга кўра, 24 минг ишоот тупроқдан уйилган теналиклар устига қурилган. Бу ишоотларнинг қарийб ҳаммаси айлана шаклида — минорасифат қилиб қурилган. Тадқиқотчилар ҳозиргача янгилик ўрмонзорлар орасида яшириниб ётган бу қадимий қурилишларни шу водийнинг номи билан Гран-Виллай шаҳри деб атадилар.

ЧАД КЎЛИ ҚУРИМОҚДА

Африка қитъасидаги Чад, Камерун, Нигерия ва Нигер мамлакатлари туташган жойдаги йирик Чад кўли

қуриш ҳавфи остида турибди. Унинг баъзи жойларида сув қирғоқдан 60—80 километргача узоқлашган.

Кўл соҳилидаги аҳолининг аҳоли тобора қийинлашаётган. Кўл атрофидаги ерларга сув чиқариш бўйича илгари бошланган ишлар тўхтаб қолди. Бу табиқишларнинг ҳаммаси қўрғоқчилик оқибатидир. Қўрғоқчилик эса бу ерда 1970 йилдан буён давом этаётган. Худди шундай экологик ҳолат бу кўлда 1908 йилда ҳам юз берган эди.

ЮНГЧЕНЯ ДУРДОНАЛАРИ

Хитой археологлари Шаньси вилоятида қадимий шаҳар Юнчяни харобаларини топдилар. У эрамыздан олдинги 676—382 йилларда ҳукм сурган қудратли Цинь давлатининг пойтахти бўлган.

Рейтер агентлигининг маълумотларига кўра, атрофи тош девор билан ўралган бу шаҳар территорияси 10,5 квадрат километрини ташкил этган. Ҳозир эса, ундан бир неча саройларнинг қолдиқлари, подшоҳнинг 13 та сағанаси топилган бўлиб, булар қадимги хитой мезмонлари томонидан юксак даражада ишланганлиги билан ажралаб туради. Мутахассислар Юнчяни архитектураси ансамбли бадийи ишларини жиҳатида қадимги Юнонистон ва Римдаги ишоотлар билан тенглаша олади, деб ҳисобламоқдалар. Археологлар бу ноёб топилмани топиш учун ўн йил машаққат билан изландилар.



АҲОНДАГИ халқлар қадимдан бир-бирларининг маданиятига, урф-одатларига эътибор билан қараб, бири иккинчисининг тилини ўзaro мулоқот воситаси сифатида қизиқиш билан ўрганганлар, шу орқали умуминсоний туйғуларини ҳам уйғунлаштирганлар.

Бу жаҳоншумул масалага ҳам доҳиймиз Владимир Ильич Ленин алоҳида аҳамият берган. Мана, йиллар ўтгани сайин буюк доҳиймиз фаолиятининг янги-янги қирралари очилапти.

Владимир Ильич ўз фаолиятида бошқа тиллардан гоёт самарали фойдаланган. Бу борада ҳам тарихий анъанавийлик мавжуд. В. И. Лениннинг буюк салафлари — илмий коммунизм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс ҳам чет тилларни билишга алоҳида кунт билан қараганлар. Улар ўзга тилларни маслакдош дўстлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашнинг шарти деб ҳисоблаганлар. Шу боисдан ҳам бу улуг зотлар инглиз классик сиёсий иктисодига, француз утопик социализми ва немис классик фалсафасига доир асарларни оригиналида ўқиганлар. Уларнинг шарқ халқлари маданияти ва фалсафий тафаккурига доир назик кузатишлари ва мушоҳадалари мавжуд.

Владимир Ильич Ленин деярли ҳар кунни хорижий тиллар билан шуғулланиш, бу борадаги билимини тақомиллаштириш учун вақт топарди. Зотан, у гимназияда ўқиб юрган пайтларидаёқ француз, немис, лотин ва юнон тилларини ўрганишга астойдил киришди. Кейинчалик у Карл Маркс билан Фридрих Энгельснинг ҳали рус тилига таржима қилинмаган кўплаб асарларини, «Капитал»ни ўқиди. Бундай асарлар гаричи рус тилига таржима қилинган бўлса-да, В. И. Ленин марксизм классикларининг асарларини оригиналида ўқишни маъқул кўрарди.

В. И. Ленин сургунда юрган вақтларида ҳам чет тилларни ўрганишни кунт билан давом эттирди. Хорижий тилларни мукамал эгаллаш учун Владимир Ильич аввал таржима қилиш, сўнгра уни «қайта таржима» қилиш усулини қўлларди. Хусусан, Сибирда сургунда бўлган пайтида Владимир Ильич Н. К. Крупская билан биргаликда эр-хотин Веббларнинг «Капитал»ни немисчадан инглизчага таржима қилишда йўл қўйган хатоларини мукамал ўрганиб чиқди.

Муҳожирликда юрган пайтларида ҳам Владимир Ильич Лондон, Париж, Берлин ва Краков шаҳарларидаги кутубхоналарда кўп мутолаа қилган. Жумладан, Ильич вафотидан кейин Париждаги миллий кутубхона директори: «Жаноб Ульянов бизга келиб кетгандан кейин бунчалик кўп китоб ўқийдиган одамни учратмадик», деб ёзади.

Владимир Ильич қайси мамлакатда бўлмасин, ўша мамлакатнинг ва қўшни бўлган давлатларнинг ҳам тилини ўрганишга интиларди. Н. К. Крупскаянинг ёзишича, Польшада турган вақтида у фақат поляк тилидагина эмас, балки чех ва болгар тилида сўзлашни, Финляндияда эса норвегча ва шведча гапиришни ўрганган. Шунингдек, испан ва италия тилларида ёзилган китобларни бемалол ўқий олган. У қамоқда бўлган маслакдошларига тарих, фалсафа, сиёсий иктисод билан бир қаторда чет тиллар билан шуғулланишни маслаҳат берарди.

В. И. Ленин Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин — Халқ Комиссарлари Совети Раиси лавозимида бўлган пайтида ҳам чет тиллар билан шуғулланиш учун вақт

топган. Кремлдаги кутубхона мутасаддис Ш. Н. Манучарьяннинг ёзишича, унинг тил кабинетидagi стол устида ҳамиша чет тилларнинг лугатини кўриш мумкин эди. Тушликка чиқиш олдидан ҳам Владимир Ильич кўпинча чет тилдаги бирорта ихчамроқ китоб ёки лугатни дам олиш пайтида ўқиш учун оларкан. У айниқса Гёте, Шиллер, Гейне сингари немис ёзувчилари ва шoirларининг асарларини зўр ихлос билан ўқиган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Владимир Ильич чет тиллардан таржима қилинган асарларнинг мазмун мундарижасига жиддий эътибор берган. Масалан, у «Капитал» асарининг таржимасига кўплаб тузатишлар киритган. Умуман, Владимир Ильич чет тилдан «жўнгина» «ағдарини» усулини қатъиян рад этган. Урни келганда, шундай айтиш керакки, Владимир Ильич марксизм классиклари ижодига мансуб бўлган 200 дан зиёд асарни таҳрир этган.

Зарурат бўлган пайтда В. И. Ленин чет тилларда нутқлар сўзлаган. Масалан, 1911 йилда Поль ва Лаура Лафаргарларни дафн этиш маросимида, шунингдек, Лонжюмо қишлоғидаги меҳнаткашлар билан суҳбатда Владимир Ильич француз тилида гапирган. 1914—1917 йилларда Швейцарияда яшаган вақтларида, шунингдек, Берн ва Цюрих шаҳарларида урушга қарши уюштирилган намойишларда немис тилида нутқ сўзлаган.

Коммунистик Интернационалнинг барча конгрессларида В. И. Ленин немис ёки француз тилида маъруза ўқиган. Баҳслар бошланган пайтда эса гоҳ немис тилида, гоҳ француз тилида гапирган. Коминтерннинг III конгрессида қатнашган италиялик делегат Унберто Террачини: «Ленин минбарга кўтарилди... Ҳаммамиз учун тушунарли бўлсин деб французча гапирди. У сўзларни донандона, ширали қилиб талаффуз этарди», деб эслайди.

Владимир Ильич ҳар гал конгресс делегатлари, чет элик жамоат арбоблари билан таржимонсиз суҳбатлашарди. Масалан, 1919 йил 7 майда Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати арбоблари делегациясига бошлиқ бўлиб Москвага келган ва доҳиймиз билан учрашган Рожи М. Протан шундай деб хотирлайди: «Ленин мендан: «Сизга қайси тилда суҳбатлашганимиз маъқул — инглизчами, немисчами, французчами ёки русчами?», деб сўради. «Сиз инглиз тилида яхши сўзлар экансиз, ана шу тилда гаплашганимиз маъқул», деб айтди».

Владимир Ильич билан суҳбатлашган чет элик арбоблар, маданият намояндalари унинг хорижий тилларни пухта билганлигига юксак баҳо берганлар. 1919 йилнинг ёзида Ленин билан суҳбат қилган инглиз профессори ва журналисти Вильям Гуд доҳийни кабинетидa кутиб ўтирар экан, Анри Барбюсинг стол устида турган француз тилидаги китобига — унинг айрим саҳифаларига В. И. Ленин киритган тузатишларга кўзи тушган. Владимир Ильич кабинетига кириб келганда Гуд беихтиёр унга французча гапира бошлаган. Лекин, не ажабки, В. И. Ленин унга инглизча суҳбатлашишга тайёр эканлигини айтиб: «Агар сиз оҳиста ва пухта-пишиқ гапирадиган бўлсангиз, мен хатого йўл қўймасликка ҳаракат қиламан», деган.

Дарвоқе, Владимир Ильич билан кўп марта учрашган ва суҳбатлашган америкалик журналист Альберт Вильямс ҳам унинг чет тилларни ўрганиш ва бу соҳадаги билимини тақомилга етказиш услуби гоёт самарали эканлигини таъкидлаган. Ўз нاباتида Владимир Ильич империалистларнинг разил сиёсатини қаттиқ қоралаган Альберт Вильямс ва Жон Рид сингари прогрессив журналистлар рус тилини қандай ўрганётганликлари билан қизиққан. Энг муҳими, ана шундай мулоқотлар туфайли Альберт Вильямс сингари ижодкорлар Россиядаги пролетар революциясининг мазмун-моҳиятини чуқур анлаган эдилар.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Ўрта Осиё республикаларининг, жумладан, Ўзбекистоннинг социалистик маданий қурилиш ишларига катта аҳамият берган доҳиймиз дастлаб бу ерда олий таълимни ривожлантириш масаласини ўртага қўйди. Шу муносабат билан В. И. Ленин номи билан боғлиқ «Фан поезди»нинг Ўрта Осиё университетини ташкил этишидаги роли бекиёсдир. Университет республикамизда илм-фан ривожига муносиб улус қўшди. Рус маданияти, илгор рус илм-фани таъсири остида шаклланган ва қамол топган маҳаллий мутахассислар жаҳон миқёсида ҳам ном қозондилар. Бунда доҳиймиз В. И. Лениннинг тили — буюк рус тили қардош халқлар, жаҳон халқлари аро бемисл муомала воситаси бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шарофат ТҲХЛИЕВА

Самарқанд

Бахтиёр болалик.

В. Мосин фотоси



Менгдошлар

Ёқубжон ШУКУРОВ

ХИКОЯ

ОШИҚЛАР бахт ҳақида баҳслашиб қолишди. Йигитлар ҳам, қизлар ҳам бахт бобида ўз билганларини айтишарди.

— Бахт — севги, — деб қисқа жавоб берди Зикриё, — севганингни топа олсанг, энг катта бахтга эришган бўласан.

Гулой билан Мактуба бир-бирларига галати қараб олишди. Бу қарашда бир дунё маъно ётарди. Гуё: «Севсанг эмиш! Севилмасанг-чи?», деган фикр сезилиб турарди. Шу ҳақда Гулой бир нима демоқчи эди, Мирали қизлар нигоҳини таржима қилгандек сўз бошлади:

— Тўғримас! Чунки севишинг, аммо севилмаслигинг мумкин. Унда бахтли эмас, бахтсиз бўласан!

Миралининг гапини ҳаммалари бош силкиш билан тасдиқлашди. Мирали «Сиз нима дейсиз?» дегандек Гулойга қаради. Гулой дугонасига боқди. Мактуба:

— Энг катта бахт, менимча, муродга етиш! — деб қўя қолди.

Ҳаммалари мулоҳаза денгизиде суза бошлашди. Бу чоғ анхор сувининг шовуллашидан бошқа овоз эшитилмасди. Бирдан Гулойнинг ўз одатига кўра, гапдан олдин томоқ кириши сукунатни бузди.

— Масалан, институтни тугатдик, кўнгидагидек ишга ҳам жойлашдик. Демак, муродга ҳам етдик. Шу чин бахтми? Йўқ, албатта! — деди Гулой. — Бу чин бахт эмас.

— Тўппа-тўғри! Бу ҳали катта бахт эмас! — деди Мирали табассум билан. Ҳаммаларининг эътибори унга бурилди. Унинг табассуми бегубор юзига, қуюқ киприк, қалин қош за унга мос тушган нафис мўйловига ҳусн бериб турарди. Зикриё ҳам келишган йигит. Мирали юмалоқ юз, буғдой ранг бўлса, Зикриё оқсарик, қирра бурун. Мирали қоп-қора сочини тепага, Зикриё кўнгири сочини ёнга тараган. Ҳар иккаласи ҳам камтар, меҳрибон, билимдон йигитлар. Доим беш баҳога ўқишади. Шу сабабли суратлари ҳурмат тахтасидан тушмайди. Мирали ташкилотчи-жамоатчи, Зикриё: «Менга тинчлик керак», дейдиганлардан.

Гулой билан Мактуба-чи? Улар ҳам ўзларига хос фазилатлар эгаси. Ҳуснда тенгсиз деса арайиди. Ҳар иккаласи бир онанинг боласидек оқмағиз, қулча юз қизлар. Уларнинг бир-бирларидан фарқлари бўйлариди: Мактуба ўрта бўй, тилла тишли, Гулой жисми тикроқ, камгапроқ. Улар йигитларга қанча ёқса, йигитлар ҳам қизларга шунча ёқади. Шу

боисдан бўлса керак, янги фильм, янги спектаклларга бирга бориб туришади. Бугун ҳам ўқишдан кейин йигитларнинг таклифи билан анхор бўйлаб сайр этиб, қирғоқдаги курсиларнинг бирига бориб ўтиришди. Утиришдию, бахт ҳақида мунозарани давом эттиришди.

— Менингча, энг катта бахт, ота-онани қувонтириш, уларга хизмат қила олиш! — деди Гулой.



Кунлар ўтаверди. Севги таронаси давом этаверди. Лекин кимкимни севиши ҳақида на йигитлар ва на қизлар сўз очмас эди. Шу сабабли орада рашк учқуни ҳам йилт этмасди. Аммо ҳурмат, меҳрибонликка келганда кўпроқ Зикриё ғамхўрлик кўрсатарди. Очиги, Миралининг вақти етмасди. У ҳали комсомол иши билан, ҳали чет эллик меҳмонларни кутиш билан овора бўларди. Ташкилотчилиги туфайли

билан томоша қилишди. Шу кунги Гулой Мактубадан гап олиш учун қўйнига қўл солмоқчи эди, эпини қилолмади: гоҳ гап чалғиди, гоҳ суҳбатни йигитлар бўлди. Лекин қишки таътилга кетган Мактубадан кутилмаганда тўйига таклиф қилинган телеграмма келди. Мирали билан Зикриё ўз кўзларига ишонмай, қайта-қайта ўқишди. «Ҳазилми, чинми?» дегандек бир-бирларига боқишиб, елкаларини қишди. Ниҳоят, Мирали:

— Бахтли бўлсин! Тўғри қилибди! — деди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Зикриёнинг жаҳли чикди:

— Нега хурсанд бўласан?! Мактуба қандай бахтли бўлсин?! Бу қанақа бемаъни тўй ўзи?! Гулойдан ҳам шунақа телеграмма келиб қолса, ажабмас, демоқчимсан?.. Қизик!

— Ҳар қолда Мактубани табриқлаш учун бориш керакдир! — Толдинг!.. Бориш керак! Табриқлаш керак!

— Бўлмасан-чи! Дўстимиз. Сен билан мендан садо чиқмаганидан кейин Мактуба: «Бор-э! Сенларни қара-ю!» деб ота-онанинг розилигига кўнган-қўйган.

— Шу ҳам бахт бўлдимми?! Сен билан мен ҳурмат қилган қизнинг аҳволи шуми? Шунақа қизга сен билан мендан садо чиқсинмиди?.. Ушанақа қизлар сен билан мени бахтли қилармиди?.. Лекин Гулой унақаларданмас.

— Бўлмаса, нега Гулойга оғиз очмаяпсан?

— Сен-чи? Сен оқдингми?.. Мен ҳам сенга ўхшаб ўзига ташлаб қўйганман.

— Севса уйланасанми? — деди Мирали ички титроқ билан. Зикриё: «Ушандай жонон қиз севса, сен: «Йўқ, дерминдинг?», деган маънода кинояли қулди.

— Сен билан биз дўстимиз, — деб яна Мирали гап бошлади, — шундай бўлгач, орамизга пул совуқлик соломлаганидек, қиз ҳам соломлайди. Севсанг, унинг сенга кўнгли бўлса, уйлан, мен рози! Хурсанд бўламан!

— Раҳмат, дўстим! Миннатдорман! — деди Зикриё ҳаяжон билан. — Яхши-ёмон дамларингда то ўлгунча ҳамдаминг бўлишга ният қилганман, дўстим! Борди-ю, Гулой сени севса, мен жон деб хизмат қиламан.

Тўлқинланган икки дўст бир-бирларини қучоқлаб олишди. Уларнинг самимий дўстлиги булоқ сувидек пок, она сүтидек муқаддас ва таърифга сизмасди.

— Энди қулоқ сол! — деди Мирали Зикриёнинг елкасидан қучиб. — Сени пича танқид қилмоқчиман. Эртамас, индин институтни тугатиб, мустақил ҳаётга, меҳнат майдонига қадам қўсан. Ҳаёт нима? Ҳаёт — кураш май-

Расми М. Абдуллаев чизган.

— Қойилман! — деб тасдиқлади Мирали, — энг аввал ота-она, сўнгра эл-юрт олдидаги бурчни ўташ энг катта бахт!

— Яшанг! — деб қувонди Гулой. — Менинг ўрта мактабдаги адабиёт ўқитувчим: «Ҳар бир виждонли инсоннинг учта муқаддас бурчи бор: биринчи бурчи — ота-онага, сўнг эл-юртга хизмат қилишдан иборат», деган эди. Сизнинг гапингиз ҳам муаллимимизнинг фикрини тасдиқлади.

— Тўғри-ю, муҳаббатни мен биринчи ўринга қўяман! — деди Зикриё, — киши ҳаётда севгисини, ўз тенгини, ўз жонқуяр жонини тополмас экан, ундай одамни бахтиёр одам, деб бўлмайди.

— Эй, бахтиёрлар! Циркка кечикяпмиз-ку! — деди Мактуба олтин соатига боқиб.

Ҳаммалари ўринларидан кўзгалитди. Улар йўлка бўйлаб кетишар экан, одамлар «қандайин бир-бирларига мос-а», дегандек ҳали йигитларга, ҳали қизларга қараб қўйишарди. Буни йигитлар ҳам, қизлар ҳам сезишарди.

қисқа вақт ичиде у факультетдан институт комсомол комитетининг иккинчи секретари вазифасига кўтарилди. Зикриё бўлса китоб ўқини, радио-телевизор тузатиш билан кунларини завқли ўтказарди. Йилни қийнардди. Чўнтагидан пул узилмасди. Сарфга сахий эди. Кўпчилик бундан қувонса, Гулой таажжубланарди.

— Ишламайди, пул юбориб турадиган ота-онаси ҳам, яқин одами ҳам йўқ, пул қаёқдан келадди? — деди Гулой бир кунги Мактубага.

— Топар, аҳмоқ йигит эмас-ку, — деди Мактуба шубҳани қувишга уриниб.

— Тўғри, ўта ақлли, қобилиятли, аммо ақлига осмондан пул тушмайдику, Мактуба. Шанба кунги театрға билет олиб келди, меҳмон қилди. Мирали унинг чўнтагига пул солиб қўйган эди, у: «Дўстлик пул билан ўлчанмайди! Ҳисобиди дўст» мақолини ўртага солсанг, мендан жудо бўлиб қоласан», деб хафа бўлди.

Қизларнинг суҳбати бўлинди. Йигитлар музқаймоқ кўтариб келиб қолишди. Улар циркни мароқ

дони, синов майдони. Сен — ҳар иш қўлидан келадиган, техника тилини боладиган йигитсан. Уста кўрмай соат, радио, телевизорга чата тутаётган бўлиб қолдинг. Бу яхши! Лекин ўта суст йигитсан. Отам раҳматлик: «Ҳаракатда — баракат», дер эдилар. Меҳнатга чиққанингда ҳам сустлигингни, фаолиятсизлигингни ташламас экансан, мени қаттиқ ранжитасан. Сенинг тез орада обрўи одам бўлишинга имомин қомил. Агар сусткашликни ташласан!

— Раҳмат, дўстим! Танқидингни тан оламан. Камчилигимни ўзим ҳам сезардим у аҳамиятсиз гапдек қарардим. Энди тушундим. Раҳмат, — деди Зикриё қатъият билан. — «Дўст — дўстинг ойнаси» деб шунга айтадилар-да. Ҳаётимда бурилиш ясашга ҳаракат қиламан!

Икки дўст бир-бирларидан гоят мамнун бўлишди. Лекин ҳар иккаласининг хаёлида Гулоӣ тарафдорлариди — қизни ҳар иккаласи севарди. Севарди-ю... Гулоӣнинг орав-хаёли кимда? Йигитлар бунга аниқ билишолмай, бир-бирларига йўл беришарди. Қиз назарида ҳар иккала йигит яхши — ақлли, одобли, меҳрибонгина эмас, умр тухфаси. Ана шундай жонон йигитлар билан мулоқот ва муносабатларда бўлган Мақтубанингни қандайдир бир йигитга турмушга чиқиб кетиши Гулоӣни таажжубга соларди. «Аломат йигитлар-а!» деб унинг ўзи айтмаганидми! Ажабо! Одамлар қалби нақадар сирли, нақадар мураккаб!..

Гулоӣ ҳаёт, истиқбол, йигитлар ҳақида ўйлай-ўйлай кутубхонага етиб борганини сезмай қолди. Кеча тугаётмаган китобни олиб, ўқиш залига ўтди. Ўзи севган бурчакдаги жой бўш экан. Бориб ўтирибқ ўқишга тутинди. Бош кўтармай узоқ ўқиди. Соат бирларга яқин биров унинг олдида икки букланган қоғозча қўйди. Гулоӣ ялт этиб тепасига қаради. Чиройли бир қиз бош эгиб са-

ломлашиб, кўзи билан қозоғач ишора қилиб кетди. Гулоӣ қозоғачни очиб ўқиди: «Ассалом, фаришта қиз! Мен билан тушлик қилиб, ярим соат дам олиш истаги бўлса, мен ҳовлида — буфетдаман. Эҳтиром билан Зикриё».

Гулоӣ китобнинг ипак хат белгисини ўқийётган бетга ўтказиб, ўрнидан турди. Пастга тушиб, ҳовлига чиқди. Шу томонга тикилиб турган Зикриё дарҳол ўрнидан қўзғалиб, табасум билан унинг қаршисига юрди. Йигитнинг марҳаматли илтифотидан Гулоӣ уялиб кетди. Атрофдагиларни кўрмагандек кизариб ўтира қолди. Зикриё «ҳозир» ишорасини қилиб буфетдан патнусда талай нарса кўтариб келди.

— Битта оғзак билан лимон чойнинг ўзи кифоя эди-ку, Зикриё ака! — деди Гулоӣ бош чайқаб. — Шунча нарса-я...

— Бу нозу неъматлар сиз билан биз учун тайёрланган, зассалом! — деди Зикриё унинг «Зикриё ака» деганидан яйраб. — Иштаҳа тилайман! Миралини табриклар келишингиз лозим, — у яна кўтарилди.

— Қандай яхши!.. Бирга борасан-чи?

— Ўзингиз борганингиз маъқул. Мен қўтлаганман. Сўнгра, маслаҳатимизга кўра эртага Мақтубанингни тўйига етиб боришимиз лозим. Ҳозир унинг сурати туширилган вазани олишим керак.

— Майли бўлмаса! — деди Гулоӣ.

— Яшанг! Миралини яхшилаб қўтлаб, ўпиб қўясиз.

Гулоӣ кизариб кетди. Унинг ниятини тушунди: «Мени бошига кўтаришга тайёр турса ҳам, сингилсига қарагандек қарайди. Эки мени дўсти учун асраб юрибдими?.. Мирали, албатта, ажойиб йигит!..» Гулоӣнинг саволлари чексиз, ўйлари поёнсиз эди: «Албатта, мени Мирали ҳам севди, бу аниқ, Фикри денгиздек теран, мулоҳазалари қўёшдек равшан йигит. Лекин мен у билан

бахтли бўламанми? Унинг бутун эътибори эл-юртта хизмат қилишга қаратилган. Ундайлар эл-юрт бахти!.. Менинг бахтим-чи? Мени бахтиёр қилармикин?.. Уни-чи? Мен уни бахтиёр қила оламанми?..»

Гулоӣ Миралининг қабулхонасига хомуш кириб борди. Секретарь киз хурмат билан:

— Узр! Андак ўтира турсангиз, Мирали Ҳамидович телефонда гаплашаётган эдилар, — деди.

Гулоӣ ўтирди. Ичкаридаги овоз эшитилмай қолди. Секретарь эшикни очиб кўргач, Гулоӣни ичкарига таклиф этди. Гулоӣ кабинетга мўралаб, шошиб бир нималар ёзаётган Миралини кўрди. Гулоӣ яқинлаб борди. Мирали ёзувини тугатиб Гулоӣга қаради. Қаради-ю, қўзончдан қичқириб юборди:

— Гулоӣ! Келинг, келинг! — Мирали шошиб ўрнидан туриб кўришди, ўтиришга таклиф этди. — Қайси шамол учирди?

— Сизнинг шамолингиз. Қўтлайман! Янги лавозим янги бахт келтирсин!

— Айтганингиз келин! Янги иш сизни ҳам бахтиёр этсин, азиз Гулоӣ!.. Бу, Зикриё бирга келмади? — деб сўради Мирали дўстини ёдлаб. — Айтганча, у сервизга бормоқчи эди. Сиз тўйга бирга бормайсизми?

Гулоӣ ёқимли кулди. «Наҳотки, менга айтадиган бир оғиз бошқа гапи бўлмаса?! Наҳотки, шу тотли дамда ҳам дўстини бир зум унутолмасан?! Дўст дўстга жон озинги, деб шунга айтарканларда!..» Гулоӣнинг хаёли поёнига етмай телефон жиринглади. Мирали трубкани олди.

— Лаббай! Алайкум ассалом! А?! Ҳалимовни?! — деди Мирали кўрқув билан — Оти нима экан, оти? Исми? «Зикриё?» А!!! Хўп, хўп! Раҳмат! — Мирали кўлида трубка билан қотиб қолди.

— Тинчликми? — Гулоӣ чўчиб ўрнидан турди. Мирали сал ўзига

келиб, жазоб бермай трубкани қўйиб, тугмачани босди. Секретарь кирди.

— Дарров машинани чақиринг! — деб буюрди Мирали. Сўнг Гулоӣга деди: — Зикриёни машина уриб кетганмиш.

Иккаласи ғам-ғусса билан кўчага чиқиб, «Волга»га ўтириб, биринчи касалхонага боришди. Мирали тўғри бош врачнинг ҳузурига юрди.

— Келинглар! Айтсам тилим, айтмасам дилим куйди! — деб юборди бош врач. Гулоӣ билан Мирали унга тикилиб қолишди. Бош врач гапида давом этди: — Инспектордан қоҳатчан юк машинасининг шофёри Зикриё ўтирган тақсини уриб, пачоқлаб ташлабди.

— Зикриё тирикми?! — қичқиргандек сўради Мирали.

Бош врач бош чайқабди: — Афсуски, олиб қолишингиз иложи бўлмади...

— Тақси шофёри қалай! — деб сўради Мирали. — Тирикми?

— Қаёқда. У ўша заҳотиёқ халок бўлибди.

Гулоӣ ошқора йиғлай бошлади.

— Ажойиб инсон эди у! — деди Мирали эзлиб. — Одамларнинг гули эди! Биз унинг хотирасини эъзозлаймиз!..

* * *

Мирали айтганини қилди. Зикриёнинг қабрига унинг кулиб турган расми чизилган мрамар ёдгорлик ўрнатилди. Остига: «Доно, меҳрибон, содиқ дўстга таъзим қиламиз! Гулоӣ, Мирали» деган сўзлар битилди.

Ёдгорликни ўрнатиш маросимига барча курсдошлар, уни таниган одамлар келишди. Мақтуба келмади. Маросим охирида ёдгорлик ёнида қўзлар тўла ёш билан Миралию Гулоӣ бош эгиб, кетолмай туришарди...



Тошкентдаги В. И. Ленин майдонида.

В. Мосин фотоси.

МЕҲМОНОВ билан тортишиб қолди-ю, Абдулланнинг тинчи йўқолди. Аввалига, қизик устида бетга чопарлик қилиб қўймадимкин, деб хавотирланди. Ҳар қалай, Меҳмонов — кекса прораблардан. Бутун умри қурилишда ўтган. Сўнгра, қачонлардир шундай тўқнашувнинг бўлиши муқаррарлиги ҳақида ўйларкан, тинчлангандай бўлди. Лекин барибир туни билан кўзига уйқу келмади. Уйланиб чиқди.

Абдулла нохушроқ кайфиятда уйғонди. Югур-югурни, ҳайбаракаллачиликни ёқтирагани Меҳмоновнинг башараси кўз ўнгидан гавдаланаверди.

Қатъий қарорни дилига туккан Абдулла ишга кўтаринки кайфиятда келди. Кутганидек, Меҳмонов кеча анчагина тортишувга сабаб бўлган паркетлардан яна пол тўшаши буюрди. Абдулла рози бўлмади. Қатъий рад этди.

— Бундай паркетдан пол тўшаб бўлмайди, — деди у кечаги гапини босиқлик билан такрорлаб, — қинғир-қийшиқ бўлиб, лопиллаб қолади.

— Сендан ҳеч ким бунни сўраётгани йўқ! — Меҳмонов жаҳлдан қип-қизариб кетганди. — Сен топириқни бажаришни ўйла. «Дом»ни топириқни эса, бизга қўйиб бер. Бу ёғини сенсиз ҳам эплэймиз!

— Ҳа, эплэйсиз. Бунни биламан. Лекин сизнинг шу «эплаш»ингиз деб, бошимиз таъна ва дашномлардан чиқмапти!

— Гапни кўнайирмасдан ишни бошла! — Абдулланинг гапларини эшитмагандай буюрди Меҳмонов. — Еки бутун бригадани ишсиз олиб ўтирмакчимсан? Билиб қўй,

дейсиз. Бу яхши, албатта. Лекин мана шу уйга кўчиб қирадиган ўтти икки оиланинг қувончи кемтик бўлиб қолиши ҳақида ким ўйлаши керак? Шунни унуттиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш, жиноятдан камми?!

— Қанақа одамсан ўзи?! — ўшқириб юборди Меҳмонов, — у деса, бу дейсан. Менга ақл ўргатмоқчи бўласан?! Сенинг гапингга кириб шунча материални қайтариб юборайми? Тайёр материални-я! Планини барбод қилсан, юқоридагилар бошимни силаб қўяди, деб ўйлайсанми?

Иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Меҳмонов чўнтагидан рўмолча олиб, юз-бўйинини артган бўлди...

Тушликдан сўнг, барибир, 760 квадратметр паркет ишлаб чиқарилган жойига қайтариб юборилди. Икки кундан кейин ўрнига бошқаси олиб келинди. Урозмуродов бошлиқ дурадгорлар чинакамга жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Объект ўз вақтида фойдаланишга топширилди. Урозмуродов бригадаси планини ўша ойда 110,8 процентга адо этди. Бу улар мусобақалашиб ишлаётган Афкор Зиязитдинов бригадаси кўрсаткичидан беш фоиз кўп эди.

...Абдулла Урозмуродов автобус ойнасидан кўчага ҳаялчан тикилиб борарди. Турна қатор тизилган кўп қаватли турар-жой бинолари тонг нурида алланечук ўзгача кўринади, атрофга салобат, файз бағишлаб турибди. Абдулла шу гўзаллиқни яратган қадоқ қўллардан бири эканлигини ўйларкан, энтикиб кетди. Қалби фахр ва ифтихорга тўлди. Фахрланмай бўларканми? Бу мухташам биноларнинг кўпчилиги қурилишида у ҳам қатнашган. Озми-кўпми меҳнати сингган.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ётган Абдулла ўзини нуқулай сезди, ўша захоти хушёр торти.

Ҳа, ҳақли эътироз. Кейинги йилларда қурилишда сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу соҳани янада ривожлантириш учун ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бутун ҳаётимизга хузурубаш эпкини бўлиб кирган Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленумидан сўнг бу ишлар янада кенг амалга оширила бошлади.

Лекин ҳали ҳам сифат масаласи кўнгилдагидек эмас. Айниқса, турар-жой биноларини пардозлашда жиддий камчиликлар борлиги сезилиб қолмоқда. Бу масала Абдуллани ҳам қурувчи, ҳам коммунисти сифатида баббаравар ташвишга солади.

Абдулла Урозмуродовни ташвишга солдиган яна бир муаммо бор. Бу — объектларда ишчи кучининг нотўғри тақсимланиши. Одатда шундай бўлади: пардозлаш ишларини ўта қисқа муддатларда тугаллаш, яъни қурувчилик бой берган вақтни қоплаш мақсадида барча кучлар бир жойга ташланади. Вақти келганда ҳатто бошқа қурилиш бошқармаларидан ҳам ёрдамчи кучлар таклиф этилади. Ҳафта-ўн кун иш қизиб кетади.

УНИНГ КАСБИ—ҚУРУВЧИ

бекор ўтирганинг учун ҳақ тўламайман!

— Бригада бекор ўтиргани йўқ. Пол тўшаш учун жой ҳозирлапти. Аммо барибир бу паркетлар ярқисиз. Уларни алмаштириб келиш керак. Биз бундай паркетдан пол тўшаб, жиноятга шерик бўлишни истамаймиз! — Абдулла бир оз қаттиқроқ гапириб юборганини сезди. Лекин ўзини йўқотиб қўймади. Ҳамон прорабнинг кўзига вазмин бокиб гураверди.

— Нима, нима? — Меҳмоновнинг кўзлари олайиб кетди. — Қанақа жиноят гагин?!

— Худди шундай. Жиноят. Жиноят бўлгандаям асорати узоқ йилларга етадиган жиноят! — деди Абдулла қатъий қилиб.

— Балким аниқроқ қилиб тўшунтириб берарсиз? — Меҳмонов масхараомуз илжайди. Унда бояги жаҳл ва асабийликдан гўё асар ҳам қолмагандай эди. Юзида айёрона, айни пайтда кишини камситувчи кулгу зуҳур этиб турарди. У атайлаб «сиз»-лаётганди. Бунни Абдулла сезди. Ичидан титраб кетди-ю, аммо сиртига чиқармади.

— Ўзингиз кўриб турибсиз, — деди у вазминлигини сақлаб, — паркетлар ҳақиқатан ҳам ярқисиз. Қинғир-қийшиқ.

— Қийшиқ бўлса, рандала, узун бўлса кес, текисла, — Абдулланинг гапини бўлиб тез-тез гапира кетди Меҳмонов, — йўлини қил-да. План бор, график бор. Иш ўз вақтида тугалланиши шарт. — Меҳмонов бир зум тин олиб, яна бидирлай кетди. — Баҳона қидириб ўтиргунча ишлаш керак. Йўлини қилиш керак!

— Йўқ, «йўлини» қилмайман. Истамайман ҳам!

— Нега, нимага ахир?! — тутоқди Меҳмонов. — Бунақа ўжарлик қилишининг бир-он сабаби бордир, балким?

— Сабаби шуки, сиз айтгандай қиладиган бўлсан, исрофгарчилик кўнайиб кетади. Сифат бузилади. Иш муддати чўзилади. План

Мана, ўн етти йилки, у қурилишда ишлайди. Дурадгорлар бригадасига етакчилик қилаётганига ҳам яқинда ўн йил тўлади. Унинг бригадаси Тошкент қурилиши бош бошқармаси 1-пардозлаш трестига қарашли 28-қурилиш бошқармасининг энг пешқадмларидан ҳисобланади. Коммунистик Меҳнат коллективи деган шарафли ном эгаси.

Орадан ўтган йиллар унинг шахсий ҳаётида ҳам сезиларли из қолдирди. Тўғри, у ёшлигида учувчи бўлишни оруз қилган. Ҳатто тушларинда ҳам кўм-кўк мовий осмонини, унда қуш мисол учиб юрган оппоқ самолётни кўриб чиқар эди. У учувчи бўлмади. Лекин қалбига юксак орузлар, гўзалликка муҳаббат қолди. Истагани ва илзлагани гўзаллиқни эса, меҳнатдан, мана шу оддийгина касби — қурувчиликдан топди. Узагини англади. Бу ерда у коммунистик партия сафига кирди. Тошкент политехника институти қурилиш факультетининг кечки бўлимида ўқиб, битирди. «Тошкентнинг фахрий қурувчиси» деган шарафли номга эга бўлди...

Автобус улкан бино қаршисига етганда, ўнгга қайрилиб тўхтади. Янги йўловчилар олиб, йўлида давом эта бошлади. Ҳозиргина автобусга чиққан ўрта ёшлардаги аёл Абдулланинг ёнида турган жувон билан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Янги квартира олибсизлар, деб эшитдим, Жамилахон, — қулиб сўради аёл. — Кўчиб ўтдингизми?

— Э, кўчиш қаёқда, опажон, — жувон хафа бўлиб гапирди. — Ремонт қиляпмиз. Ҳалитдан гул қоғозлари кўчиб ётибди. Эшик-дезаларлари яхши ёпилмайди. Поллар гадир-будир, лопиллаб ётибди. Билмайман, бу қурувчилар қайси меҳнатлари эвазига ҳақ олишяпти экан?!

Беихтиёр ушбу суҳбатни тинглаб бора-

Топшириқлар муддатида бажарилади. Бир неча кундан сўнг давлат комиссияси объектда қатор камчиликлар борлигини аниқлаб, бинони фойдаланишга қабул қилмайди. Шундан сўнг кечягина бошқа объектка ўтиб кетган ишчиларнинг каттагина қисми орқага қайтарилади. Камчиликларни тузатишга киришадилар...

Афсуски, бу иллат фақатгина Абдулла Урозмуродов меҳнат қиладиган қурилиш бошқармасигагина хос эмас. Пардозлаш ишлари билан шуғулланувчи деярли барча бошқармаларда шундай манзарона кўриш мумкин. Тўғри, кучларни бир жойга тўплаш қурилиш муддатини қисқартиради. Ойлар давомида бажарилиши лозим бўлган ишлар нари бора, ўн-ўн беш кунда удалланади. Аммо худди шу хилда амалга оширилган ишнинг сифати ҳақида бирор илқ сўз айтиб бўлмайди.

...Урозмуродов қурилиш майдончаси олдидаги бекатда автобусдан тушди. Рўпарада унинг бригадаси ишлаётган бино кўриниб турибди. Фақатгина ғиштин деворлари, бетон плиталардангина иборат. Атрофда кўзни қувонтирадиган ҳеч вақо йўқ. Лекин қарши-сидан шўппайиб турган мана шу бино ҳам тез кундан қирой очинини ўйларкан, Урозмуродовнинг кўнгли ёришгандай бўлди. Бироқ ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Аввало, бошқаларнинг «тортишмачоқ» ўйинига қарши туриб, бригаданинг бутун кучини шу ерда ушлаб туриши, ишнинг фақат «аъло» сифат билан амалга оширилишини таъминлаш зарур. У шундай қиладди. Шундай бўлиши кераклигига аввало ўзи ишонади, бригадасида ишлаётган йигирма дурадгорни ҳам ишонтара олади...

Абдулла Урозмуродов қурилиш майдончасига дадил кириб борди. Иш куни бошланди.

Тўра ҚОБИЛОВ

ЭНДИ ЕШИМ КИЧИКМАС

Болаларга ҳам, катталарга ҳам ранг-баранг шеърлар, бадний очерклар ҳамда «Субҳидам» романини ёзган фарғоналик қалам соҳиби Иўлдош Сулаймон 50 ёшга тўлди. У журналга кичкинтойларга аталган янги шеърларидан намуналар йўллабди.

Қадамимни хушларсан.
Энди ёшим кичикмас,
Бу орзум ҳеч кечикмас.
Навбат келди, Ой, бизга,
Ҳозирлаб қўй жой бизга.



ЮЛДУЗЧАМ

Бир бўлсин деб ишу лаб
Кўкрагимда ловуллаб,
Енар гўё аланга —

юлдузчам!

«Ҳўл ўтиндай тутам,
Илгари бос, тўхтама!»
Бу хитобинг куч танга,

юлдузчам!

Ўқишларим «5» доим,
Аъло одоб эш доим,
Орзуларим Ватанге,

юлдузчам!

ҚАНИ, ЯНГРА

Бўйнимдасан барабан,
Даъват этдинг, бораман,
Энг илғорлар сафида
Вожатиймиз гапидан

Чиқмасдан ақлим пшган.
Оғир-енгил юмушга
Сени чалиб бораман,
Қани, янгра барабан!

НАВБАТ КЕЛДИ

Навбат келди, Ой, бизга,
Ҳозирлаб қўй жой бизга.
Чиндан яқин орада
Меҳмон бўлиб боради
Жасур Юрий тоғамдан
Герман Титов оғамдан
Таълим олган отряд,
Ҳаммасида бир ният.
Мен ҳам шулар сафида
Ҳар ишни қилиб уdda,
Сенга байроқ илган чоғ,
Ғайратимни билган чоғ
Қўлларимдан ушларсан,



ҚУШЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Ганг дарёсин бўйидан,
Ҳинд дўстимнинг уйдан,
Жазоир,
Дамашқдан
Биз томонга ошиққан —
Қушларжон,

Учиб келиб,
Барингиз кўчиб келиб,
Тўлдирдингиз боғларни!
Кўнглингизни чоғларми
Юртимизнинг чиройи?
Бир куш дейди:
— Киройи
Гўзал юртингиз бор-да,
Унутмас уни ҳар дам —
Татиган бўлса тузин.
Биттаси мана ўзим,
Утган йил роса яйраб,
Дилда борини сайраб,
Меҳрин олиб кетгандим.
Баҳор фасли етганда —
Шу меҳр олиб келди,
Узоқдан толиб келдим.
Очиб турибсиз кучоқ,
Ҳордиқ чикди кўнган чоқ!

Мунаввара ЮСУПОВА

УЗУН ЙЎЛ...

ҚИЗ ҚАЛБИ

Баҳор гулларини севаман мен ҳам,
Гул деса, кўзимдан сочилар зиё.
Қалбимдан тошади нафис бир илҳом,
Гулга кўмилгандай бу кўҳна дунё.

Бахтиёр қалбларга ўхшатгум ҳар дам,
Унинг чиройига бўлиб маҳлиё,
Атиргул баргида бир томчи шабнам —
Нафис қиз қалбига ўхшайди гўё.



Узун йўл...

Таниш-нотаниш тушган машина
Олдга томон элтаепти бизни.
Кимни тугён ўртайди, ана,
Яшира олмаяпмиз ҳайратингизни.
Бир ҳоргин йўловчи қилар хиргойи,
Эртанги сафари кўшиқдай ширин.
Бунинг ҳам меҳнати таҳсинга лойиқ
Мақсад бекатига етиб, олар тин.
Бу — сиз.
Эзгу ниятингиз бир яқин йўлдош,
Уйлайман: йўлингиз бехатар бўлар.
Ғамгин боқшинг қўй, эй қалби қуёш,
Дўстим, бахт келтирар сенга, бу йўллар.
Узун йўл...

Таниш-нотаниш тушган машина
Олдга томон элтаепти бизни...

* * *

Кўзларимга тўлган баҳорий само,
Кўнглимга синголмай турибсан бир пас.

Гўдаклар қалбидай мусаффо ҳаво
Дилимни сиқасан, олмасдан нафас!
Сенда кечмоқдадир балки шундай хол,

Балки ўйламансан мен ҳақда тўлиб,
Не билсанг ҳам бахтимизда бир малол,
Яшаймиз баҳорни иккига бўлиб!



ИШҚ ИЗТИРОБИ

Қалбингизда нелар борлигин
Кўзларингиз этмас ошқора.
Бу оламнинг сизсиз торлиги,
Юрагимни айлар садпора.

Қуш учган ҳавода орзунигиз,
Бу олам Сизники туюлар.
Кўзимга чиройли кулгунгиз,
Қалбимга изтироб қуйилар.

ХОТИРОТ

Сочимни сийпаган майин бир шуъла
Қўлингми? Ушлайман. Секин қочадир.
Эслайман. Ўхшашинг азиз нарсалар
Излайман. Ҳолимдан кулмоқчи тақдир.
Ташга армонимни олиб чиқмайман
Эслаб хаёлдаги ёруғ дамларни.
Ҳаттоки ўзимга раво кўрмайман,
Сен каби дунёда ноёб гавхарни!


Тўрткўл

Нафнинг агар халққа бешак дурур.
Нафъи анинг ўзинга кўпрак дурур.
Алишер НАВОИЙ

ХАЛҚҚА садоқат билан хизмат қилганлар ёди авлодлар руҳида ҳамisha барҳаёт.

Авлодлар руҳи... У худди ҳас-хазонларни, чанг-тўзонларни сугуриб ташлаб, осмон тиниқлигини, қорли тоғлар бегуборлигини, табиат яшиллигини асраб-авайлашга қодир йиллар шамолга ўхшаш халқ маданияти ва илм-фанига чинакамга ҳисса бўлиб қўшилган энг яхши жиҳатларни асрлардан асрларга олиб ўтади, келажакка мерос қилиб қолдиради, ривожлантиришга даъват этади. Авлодлар руҳи деган улугвор, қутлуг тушунча эса фидойи, жонсарак, тиниб-тинчимас, ҳалол-пок кишиларнинг савий-ҳаракатлари билан боғлиқ. Ўнлаб, юзлаб ана шундай кишилар фаолиятининг самараси халқимиз матнавий хазинасининг бойликлари, десак не ажаб!

ЎзССР Фанлар академиясининг биринчи президенти, академик Қори Ниёзийнинг «Хаёт мактаби» хотиралар китобида Муҳаммадjon домла, Ойшахон Қори-Ниёзова, Баранов, Кудреватовлар қаторида «истеъдодли ўқитувчи» деб номи зикр этилган, «Ўзбекистон ССР тарихи»да халқ маорифи равнақига қўшилган ҳиссаси муносиб баҳоланган, Ўзбекистон ССР халқ шоири Ҳабибий томонидан:



Забардаст олиму фозил табаррук,
Вужуди илму урфонининг булоғи, —

дея тавсиф берилган, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эрталар» қиссасида «...ўрта ёшлардаги чўкки соқол, юзидан табассум аримайдиган Пўлатжон домла» деб таърифланган, устоз ва мураббий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов авлодлар руҳида яшашдек халқ меҳри ва эъзозини қозонган ана шундай мўътабар кишилардандир.

У энг оғир ва мураккаб шароитда — ўнинчи йиллардаёқ ўқитувчиллик қилди. Халқни жаҳолат ва хурофот исканжисидан қутқаришнинг бирдан-бир йўли — маърифат йўли деб билди у. Ислоҳ ақидаларининг иродасини ифода этиб, бойлар ва зодагонларнинг болаларинигина ўқитиш иштиёқмандларига зид ўлароқ Пўлатжон Қаюмов ва унинг маслакдошлари камбағал қосиб-хунармандларнинг, бели меҳнатда қотган

деҳқонларнинг фарзандларини ўқитиш тарафдорлари сафида кураш майдонига кириб келдилар. Мутаассиб руҳонийларнинг чиркин мафкурасини фош этиш ва эларо шарманда қилиш йўлини танлаган муаллим бу кураш майдонида ёлғиз эмас эди. Шу аҳолида хали эълон қилинмаган бир ҳужжатни журналхонлар эътиборига ҳавола этиш жоиздир:

«28 май, чоршанба 1914 й. ражабда муаллим Хўқандий Тошпўлод афанди била Хўқанд Қўрғон Теги маҳаллаларидан муаллим боғларина бориб, кечга қадар миллат дардида ҳасратлануб келдик. Онда қолдиргон тарихи рубоётдурким, 1-нчи кўришувимиза сабабдир:

Букун дил наҳрида бошқа ҳаётнинг шавқи бир ёндур,

Камоли завқдан дарди ғамимни шавқи тирёнду.

Ражаб ёз эрди осори муҳаббатдин нишон этким Сафои айш тарихим «умр боғида» пинҳондир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий».

Ана шу суҳбатга мавзу бўлган халқ дарди уларни ўз даври илғор ғоялари атрофида бирлашиб, жанговар ҳамкорликда курашларга чоғлади.

Пўлатжон Қаюмов кейинчалик, 1961 йилда шоир ҳақида ёзган хотирасида: «Ҳамза фаолиятида кескин бурилиш 1916 йилдаги мардикорга олиш воқеаси йилларида кўринган эди», деб ёзади. Бу фикр, бизнингча, ўша давр илғор зиёлиларининг барчасига, шунингдек, унинг муаллифига ҳам тааллуқли адолатли фикрдир.

Ниҳоят, улар оразиқиб қутган озодлик рўёбга чиқди — Инқилоб жунбушга келган куч-ғайратларга ҳаракат майдонини очиб берди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ халқ маорифини ташкил этиш маданий курилиш соҳасида биринчи навбатда турган вазифалардан эди. Бу иш ўлкада Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 14 майдаги декрети асосида бошланди. Мактабларни ташкил этишда рус зиёлиларининг илғор намоёндалари В. Ф. Любенцов, А. В. Яхонтов, А. П. Сутягин билан бир қаторда маҳаллий аҳоли орасидан биринчи бўлиб етишиб чиққан муаллимлар — Ҳамза, Т. Н. Қори-Ниёзий, Тўхтааназар Шермухамедов, Эргаш Комилов, Оқилхон Шарафиддинов, Абдуқодирхўжа Набиҳўжаев каби зиёлилар билан бир сафда Пўлатжон Қаюмов ҳам фаол иштирок этди. Қўқонда янги совет мактаблари очилиши, уларга меҳнатқашларнинг болаларини жалб этиш, давр талаблари даражасида таълим-тарбия бериш, саводсизликни тугатиш мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш ишларига кизгин киришиб кетди. У қундузлари тарих, адабиёт, география фанларидан дарс берад, кечалари болаларга инкилобий маршларни машқ қилдирад, машғулотлардан ташқари пайтларда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб борар, хуллас, кечаю-қундуз тиним билмай янги авлод тарбияси билан машғул эди.

Маърифат майдони — қизгин кураш майдони эди. Муаллим касби эса жасорат талаб қилади. Жаҳолат, хурофот тарафдорлари жон талвасасида баъзан очик, кўпроқ зимдан жон тутиб, халқ қудратли тўлқинини тўсиб қолишга зўр беради. Турсунои ва Нуржонлар, Абдулла Набиев ва Майна Ҳасановалар, халқнинг ўнлаб ва юзлаб энг асл фарзандлари социалистик тузум баркарорлиги учун шиддатли курашларнинг қурбони бўдилар. Булар орасида Ҳамзаниннг ҳалокати энг катта йўқотиш эди.

Пўлатжон Қаюмов ана шу курашларда тобланиди, талабаларида даставвал мустаҳ-

кам эътиқодни камол топтиришга интилди, меҳнатсеварлик, ҳалол-поқлик, улугвор идеалларга садоқат туйғуларини сингдириш йўлидан борди.

У ўттинчи ва қирқинчи йилларда Қўқон шаҳридаги 6-, 22-, 27-ўрта мактабларда, шаҳар атрофидаги қишлоқларда ўзбек тили ва адабиёти, тарих фанларидан дарс берди, умрининг охириги йилларида Қўқон ўлкани ўрганиш музейида илмий ходим бўлиб ишлади. Бу мўътабар кишидан таълим олган собиқ талабалар Пўлатжон домланиннг нуруний чехрасини, болаларга нисбатан қўнғилдаги меҳр ва оталарга ғамхўрлик нигоҳларидаги жиддий пардаси ортига яширинганлигини, муаллимдан ҳайиқиб турсалар-да, пухта билим берганлиги учун уни ниҳоятда хурмат қилишларини гапирдилар.

— Бола — бола эканлигини унутмаслик лозим, қобилияти, истеъдодини ошқор макташ ярамайди, балки уларнинг фазаилатларини белгилаб, такомлига етказиш йўлини танламоқ маъқул, — дер эди Пўлатжон домла. У дил-дилдан талабаларини эркалаб, бирини азиз, бирини лазиз, бирини тонг елларига қиёслаб насим, ана бирини муносиб деб атариқди, лекин вужудига сингиб кетган талабчанлик ва қатъий буну рўй-рост ошқор айтишга монелик қиларди. Фарзандларининг исмини ана шу сўзлар билан атаганлигининг боиси ҳам шундандир балки.

Кўп асрли халқ педагогикасининг илғор ва энг яхши тажрибаларини янги давр талабалари билан омухталаштирган муаллим Пўлатжон Қаюмовнинг методик маҳорати кўп-лаб ўқитувчилар учун сабоқ ва ибрат бўларлидир. У таълим берган одамлар орасидан Теша Зоҳидов, Ўбай Орифов, Муҳаммадjon Урозбоев каби олимлар, Фахриддин Шамсиддинов каби партия ва жамоат арбоблари, халқ шоирлари ва ёзувчиларидан Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор, яна кўп-лаб фан ва маданият арбоблари етишиб чиқдилар. Улар, ўз навбатида, минглаб шоғирларини вояга етказдиларки, биз юқорида айтганимиз авлод тушунчаси ана шу тарзда моддийлашди ва аниқ мазмун касб этади.

— Биз оруз қилган ва ниятларимиз рўёбга чиққан замона айнан мана шу. Минг бора шукурларким, уни ўз кўзимиз билан кўриш, самараларидан баҳраманд бўлиш бизларга насиб этди. Нонни кадрлагандай, китобни эъзозлагандай бу дорилзамонни кадрланг, унга нисбатан нопоқликдан ҳазар қилинг! — Пўлатжон Қаюмов мактаб ўқувчилари билан учрашувларда ҳам, катта йиғинларда ҳам ана шу дил сўзларини такрорлашни қанда қилмасди. Зеро, халқ ўқитувчисининг ўғитлари ҳам замондош ёшларимиз учун ибрат ва сабоқ мактабидир.

* * *

Авлодлар руҳи... Кўздан пинҳон қандайдир ўзига хос ришталар орқали замонамиз билан, эртанги кун билан, ҳатто келажак авлод билан чамбарчас алоқадорликда, ўз-ара мутаносибликда бўлган бу жонли руҳ ҳеч қачон сўнмайди.

«Уч оғани ботирлар» деган ўзбек халқ эртагини ҳаммамиз яхши биламиз. Унда адолат ва ҳақиқат тантанасига буюк ишонч, ростгўйлик, ҳалоллик, ҳамжихатлик туйғулари улугланади, муҳими, тингловчини ана шу руҳда тарбиялайди. Ўзининг жозиба қудрати ва бетакор ғўзаллиги билан қалбларни забт этадиган бу эртанги Ҳамробини Умарали қизидан Пўлатжон Қаюмов ёзиб олиб, «Машъала» (ҳозирги «Гулистон») журналнинг 1936 йил сонларидан бирода эълон қилган эди. Ўзбек халқ оғзак ижодининг дурдонаси бўлиши «Уч оғани ботирлар» эртаги ҳозирги пайтда дарсликларга киритилган, демек, ёш авлод тарбиясига хизмат

МУАЛЛИМ САБОҚЛАРИ

эттирилган, демак, ана шу кичик заррада ҳам авлодларнинг руҳи учмас бўлиб муҳрланган.

...Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номдаги Қўлёмалар институти. Директорнинг мўъжазгина хонаси. Шундай бўлдики, бу ерда тўрт авлод вакиллари учрашиб қолишди. Бу учрашувни ташкил этган киши ким бўлди экан дерсиз? Сабабкори... Пўлатжон Қаюмов. У киши ўз қаламига мансуб «Тазкираи Қаюмий» ҳамда Фуркатнинг қўлёмза девони билан гўё бу учрашувга файз бағишлаб ўтиргандай. Давра иштирокчилари — бўлажак олима, «Муҳаййир ва унинг адабий доираси» мавзуида илмий иш олиб бораётган кенжа авлод вакили — Мастура Хайруллаева. У Фуркатнинг 125 йиллигига бағишлаб Фанлар академиясида ўтказилган илмий сессияда демократ шоирнинг шахсига доир янги маълумотлар ва топилган ғазаллари ҳақида қилган матрузасининг муваффақиятидан руҳланиб ўтирибди. Ундан юқорироқда шоир Маъдан девонини топиб, уни илмий истифодага киритган Ҳалима Мухторова шогирдлари олиб бораётган илмий изланишларнинг натижалари хусусида ҳисобот бераётир.

Мазкур институт директори профессор Азиз Қаюмов тазкира билан Фуркат девонини авайлабгина қўлга олади. Ноёб ва нодир бу қўлёмзалар ана шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасини дастлаб катта илм йўлига бошлаб кирган асарлар бўлди. Пўлатжон Қаюмовнинг берган маълумотларига таянган ҳолда А. Қаюмов Махмурнинг «Девон»и ҳақида кандидатлик диссертацияси ёқлади, «Қўқон адабий муҳити» китобини ёзди. Ҳалима Мухторова шоир Маъданнинг девони бўлиши керак, деган тахминдан келиб чиқиб, Ленинobod (Хўжанд) яқинидаги Панғоз (Панжгози) қишлоғида бир неча ой яшади ва ана шу девоннинг уч-тўрт нусхасини қўлга киритди (Пўлатжон домла «Шоир Маъдан» сарлавҳа-

си остида биринчи марта «Гулистон» журналида маълумот берган эди). Эндиликда унинг шогирди Гулнора Аҳророва эса XIX асрда Бухорода яшаб ижод этган Мирза Азим Сомий ва унинг адабий муҳитини ўрганмоқда. Демак, авлодларнинг жонли мулоқоти давом этмоқда. У ёки бу сабаб билан тарих чанглари остида қолиб кетган халқимиз маданиятининг дурдоналари яна қайтадан маънавий мулкимизга айлантирилмоқда. Пўлатжон Қаюмов каби бутун умрини ана шу хазинани авайлаб-асрашга чоғлаган саховатпеша кишилар ҳамон фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Пўлатжон Қаюмов фонди мавжуд. Унинг Шарқ мамлакатларида яшаб ижод этган 450 дан ортиқ ўзбек шоирлари ҳақида маълумот берувчи «Намунаи адабиёти ўзбек», XIX аср ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистон территориясида яшаган шоирлар фаолияти ҳақида «Тазкираи Қаюмий», учта китобдан иборат «Қўқон тарихи ва адабиёти», ўзининг қиммати жиҳатидан бетақрор «Турар жойлар тарихи» китоби, фуркатшуносликка ҳисса бўлиб қўшилган Фуркат қўлёмза «Девон»и (бунда шоирнинг ўттизга яқин эълон қилинмаган ғазали мавжуд) — буларнинг барчаси адабиётчи олимнинг заҳматли ва машаққатли меҳнатлари самарасидир. Бундан ташқари, Пўлатжон Қаюмов XVIII—XIX асрларда Бухоро ва Қўқонда яшаб ижод этган шоирлар ҳақида маълумот берувчи «Тазкираи Афзалии»ни, Қори Раҳматилло Бухорий Возеҳнинг биринчи манба сифатида тарихий-маданий қиммати жиҳатидан катта илмий аҳамиятга эга бўлган «Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асхоб»ини форсчадан ўзбек тилига таржима қилган ҳамда уларни шарҳлар ва изоҳлар билан таъминлаган (бу меҳнат ниҳоятда машаққат-талаб эканлигини шу нарса билан қисқача

изоҳлаш мумкинки, Возеҳ тазкирасининг форсчадан рус тилига таржимаси учун Абдугани Мирзаевага филология фанлари кандидати деган илмий даража берилган). Юқоридаги асарларни тузиш, ёзиш, таржима қилишда олим республикамизнинг турли жойларидаги адабиёт билимдонлари, Тошкентдаги илмий марказлар ва маданият арбоблари билан хат орқали яқин алоқа ўрнатган, натижада мазкур китобларнинг тарихан ҳаққонийлиги, илмий жиҳатдан ҳолислиги таъмин этилган. Ўз навбатида Порсо Шамсиев, Ҳоди Зарифов, Ғулом Каримов, Музайяна Алавия каби олимлар Пўлатжон Қаюмовнинг қимматли маслаҳатлари ва кўмагидан баҳраманд бўлганлар.

У мақсадлари буюк ва бу йўлда собитқам, интилувчан, ҳалоллик ва диёнати ўзига фарз деб билган кишилар даврасини қанчалар хуш кўрса, манфаатпараст, турли тонфадаги руҳан кўр ва маънавий қар кимсалардан очикчасига шунчалар ҳазар қиларди. Чунки у Туркистонда инқилобий жараёнлар қизғин тус олган бир шароитда вояга етган, Назиржон Иброҳимов, Тўраҳон Иброҳимов ва каби революционерлар суҳбатини олган, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсуповлар билан мулоқотда бўлган, Сотти Ҳусайн, Амин Умарий, Чархий, Жавдат Абдулла каби Қўқон шахри ижодкорлари билан ҳамфикр ва ҳамкор бўлгани учун ҳам унинг ниятлари улугвор, у етиштирган шогирдлар ҳам шунга муносиб эди.

Ўз халқига, Ватанига, замонасига сидқидилдан беминнат ва холис хизмат қилган кишилар эл ёдида шунинг учун ҳам унутилмас сиймодрларки, уларнинг ишлари авлодлар таҳсинига сазовор бўлиб, авайлаб эъзозланади ва давом эттирилади. Таваллудига юз йил тўлган Пўлатжон Қаюмов ҳам ана шундай сиймолар даврасига мансубдир.

Баҳодир АМИНОВ



Қўш тили.

В. Вторион фотоэюди (ЎЗТАГ)



Лабораторияда.

Р. Готов фотоси



Ҳисорак сув омбори қурилишида.

Р. Шагаев фотоси

М. НОВИКОВ. ЭСКИ ШАҲАР МАНЗАРАСИ.



И. ЕНИН. ТИНЧЛИК СОЛДАТИ.




Ез саховати.

А. Жумаев фотоси

Кулолчилик.

Р. Шагаев фотоси



В. ПЕТРОВ. ЛОЛАЗОР.



«Баҳор» гуллари.

«Ажойиб сирға экан...»

Яйловда.

Р. Готов фотолари

Р. Шагаев фотоси





ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ НАМУНАСИ

Интернационализм
байроғи остида

СОВЕТ давлатининг асосчиси В. И. Лениннинг турли ижтимоий системадаги давлатларнинг бир-бирлари билан тинч-тотув яшашлари мумкинлиги ҳақидаги таълимнинг чинакам ҳаққонийлиги Совет-Ҳиндистон муносабатларида янада ёрқин намоён бўлмоқда.

СССР ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик узук ва шонли тарихга эга. 1927 йил ноябрь ойида отаси Мўтилар Неру билан Москвада бўлган Жаҳоҳарлал Неру Қизил майдонда Улуғ Октябрь революциясининг шонли 10 йиллиги тантаналарини зўр қизиқиш билан томоша қилган эди. Улар ўша вақтдаёқ Ер шарода яқинда ташкил топган биринчи социалистик давлатнинг буюк истиқболларини тасаввур қилган эдилар. Шу босдан ҳам ҳинд халқининг йўлбошчилари Совет давлатига катта ҳурмат ва эътибор билан қарай бошладилар.

СССР ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Ҳиндистон Республикасининг биринчи Бош вазири, мамлакатимизнинг нуфузли дўсти Жаҳоҳарлал Неру номи билан боғлиқдир. У ўша йилгина еттинчи йилдаёқ, Улуғ Октябрь революциясининг аҳамиятига юксак баҳо бериб, бу революцияни, жаҳон тарихидаги энг буюк воқеалардан бири, деган эди.

1950 йилларга келиб Жаҳоҳарлал Неру буюк бир давлатнинг бошлиғи сифатида, биз иқтисодий мустақиллигимизни фақат СССРнинг ёрдами туғайли сақлаб қолишимиз мумкин, деган катта ният билан майдонга чиқди. Жаҳоҳарлал Нерунинг ташаббуси билан Ҳиндистон парламенти 1954 йил август ойида иқтисодий кўмаклашиш ҳақида СССРга мурожаат қилди. Орадан бир йил ўтгач, 2 августда СССРнинг ёрдамида Бхилаи металлургия заводини куриш ҳақида Совет—Ҳиндистон шартнома си имзоланди. Ҳозир бу завод республика индустриясининг негизини ташкил этади.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг мустақамланишида Жаҳоҳарлал Нерунинг қизи, Ҳиндистоннинг улуғ сиёсий арбобларидан бири Индира Гандининг хизматлари бекиёсидир. У Ҳиндистон Республикасининг Бош вазири сифатида ўз отаси васиятларига содиқ қолиб, Совет-Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлашга катта эътибор берди ва бу масалага муҳим халқаро иқтисодий-сиёсий омил, деб қаради.

Мамлакатларимиз ўртасида бундан ўттиз йил илгари имзоланган асосий битимлар аслида экономика, фан ва техника, маданият ва маориф соҳаларида бўлар эди. Бу шартномалар СССР ва Ҳиндистон алоқаларини мустақамлашда, шубҳасиз, катта роль ўйнади.

1971 йилнинг август ойида эса Дехлида СССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида имзоланган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустақамлашда янги босқич бўлди. Мазкур битим 20 йилга мўлжалланган бўлиб, бу тарихий ҳужжатга ҳинд халқининг улуғ қизи Индира Ганди имзо чеккан эди.

Совет Иттифоқи мазкур битимда кўзда тутилган принципларга изчил амал қилиб, Ҳиндистон Республикасида sanoat тармоқларини ривожлантиришга кўмаклашиб, унинг

иқтисодий жиҳатдан мустақамланишига ҳомийлик қилмоқда.

СССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг тобора кенгайиб ва ривожланиб боришида қардош республикалар қаторида Совет Ўзбекистони ҳам ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Маълумки, 1958 йил 24 январда Москвада — Совет жамоатчилиги вакилларининг Ҳиндистон Республикаси эълон қилинганлигининг 8 йиллигига бағишланган йиғилишида Совет-Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти тузилган эди. Шундан сўнг мамлакатимизнинг кўпгина республикаларида шу жамиятнинг филиаллари ташкил этилди. Ўзбекистон — Панжоб, Туркманистон — Ташкент, Тожикистон — Ўттар Прадеш, Қирғизистон — Бихар ва бошқа дўстлик жамиятлари шулар жумласидандир.

Вугун Совет Ўзбекистони бошқа қардош республикалар сингари Ҳиндистон билан кенг микёда ҳамкорлик қилаётир. Тошкент электроника, Ўзбекистон химия машина-созлиги ва Тошкент тўқимачилик машина-созлиги заводлари Бхилаи металлургия завоидига турли усуналар етказиб бермоқдалар. Шунингдек, Чирчик шаҳридаги sanoat корхоналари Ҳиндистоннинг sanoat марказлари элктр усуналар билан, Андижон машина-созлик заводи эса марказдан қочирма насослар ва дизеллар билан таъминлашаётир. Ўз навбатида Ҳиндистон республикаси бизга енгил sanoat маҳсулотлари ва бошқа хил товарлар жўнатиб турибди.

Икки буюк давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари космик фазони тадқиқ қилишда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Космик фазога Совет-Ҳиндистон халқаро экипажининг муваффақиятли парвози улуғ дўстликнинг яна бир аъойиб тантанаси бўлди.

Шу йил май ойида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Ражив Ганди бошлқ ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган расмий визити мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги тараққийетида муҳим босқич бўлди. Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари, Совет Иттифоқи партия ва ҳукумат раҳбарлари билан музокаралар олиб бордилар. Музокаралар вақтида дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтириш, тинчликнинг барқарорлигини мустақамлаш масалалари кенг муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Республикасининг Бош вазири Р. Ганди Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимни ҳамда Ҳиндистонда бир қанча конкрет объектларни барпо этишдаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзоладилар.

«Йиллар ва ўн йиллар ўтмоқда, мамлакатимизда авлодлар ўрнини авлодлар эгалламоқда,— деди ўша тарихий учрашув вақтида сўзлаган нутқида М. С. Горбачев,— аммо СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари муттасил ривожланиб бормоқда. Бунинг сабаби шуки, муносабатларимиз тенг ҳуқуқлиги ва ўзаро ҳурмат асосига, иккала мамлакатнинг ҳозирги замон туб проблемалари ҳусусидаги позициялари бир-бирига мослиги асосига қурилади».

Шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари музокаралар давомида Осиё мамлакатларида ва бутун дунёда зўр обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган улуғ давлат — Ҳиндистон Республикасининг мазкур китъада тинчликни мустақамлашда гоат муҳим роль ўйнаши мумкинлигини мамнуният билан қайд этди. Ҳақиқатан, халқаро майдонда тинч-тотув яшаш принципларига оғишмай амал қилиб келаётган Ҳиндистон давлати тинчликни сақлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда, тинчлик ташаббускорлари бўлган давлатлардан бири сифатида фалоллик кўрсатмоқда. Шу йил январь ойида Дехли шаҳрида Аргентина, Греция, Мексика, Танзания, Швеция ва Ҳиндистон давлатлари бошқиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда муҳим халқаро масалалар, биринчи навбатда, урушининг олдини олиш ва тинчликни мустақамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур давлатларнинг бошқилари томонидан имзоланган Декларацияда ядро қуролини ишлаб чиқариш, синаш ва уларнинг узатиш воеитарияни кўпайтиришни тақиқлаш зарурлиги, космосда қуроланишга мутлақо йўл қўймаслик лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, бу муҳим ҳужжатда Совет Иттифонининг космосни милитаризациялашнинг олдини олиш ҳақидаги тақлифи жуда мақсадга мувофиқ эканлиги, бу тақлиф мазкур Дехли Декларациясининг руҳи билан ҳамоҳанглиги мамнуният билан уқдирилди.

СССР ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустақамлашнинг муҳим омилдир. Ҳиндистон халқи жаҳондаги биринчи социалистик давлат бўлган мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий ютуқларидан мамнун бўлмоқда, улар социалистик тараққийетга хайрихоқ эканликларини билдирмоқдалар.

«Биз,— деди Ражив Ганди,— социализм ва адолатли социал тузум ишига содиқмиз. Ҳиндистон мустақиллигини курашиб қўлга киритганидан буён экономикани ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди».

Қўшимиз ва дўстимиз Ҳиндистон Республикасининг мустақил тараққийет йўлидаги ютуқлари унга хайрихоқ бўлган совет халқини ҳам қувонтиради. Зероки, тинч қурлиш соҳасида ҳинд халқи эришган ва эришаётган улкан муваффақиятлар Совет-Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигининг ҳам самарасидир. Энг муҳими, турли социал система-лардаги икки халқ умумий манфаатлар йўлида мустақам ҳажмиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрната олишини Совет-Ҳиндистон дўстлиги аққол кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, СССР ва Ҳиндистон муносабатлари агар турли ижтимоий-иқтисодий система-лардаги давлатлар тинч-тотув яшаш, тинчлик ва ўзаро ҳурмат ҳамда суверенитет ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига қатъий амал қилсалар, ўзаро самарали ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Ўзининг ташқи сиёсатида ленинча тинч-тотув яшаш принципларига изчил амал қилиб келаётган тинчликсевар давлатимиз бошқа ижтимоий системадаги ўзга давлатлар билан ҳам тинч-тотув яшашни истади.

Мухтор ШОПСАНОВ,
Светлана АЛГИЕВА,
тарих фанлари кандидатлари



«АЛВИДО, ҒҮР ЁШЛИГИМ»

Хаёт зиддиятлар, тўқнашувлар билан тўла. Бугунги кун томошбинларини ҳаётгий материал асосида яратилган оригинал асарларгина ўзига жалб қилиши мумкин.

Ўқинди кино экранларида намоён бўлган «Алвидо, ғур ёшлигим» бадий фильми ана шундай гоёвий-бадий жиҳатдан пишиқ фильмлар қаторидан ўрин олди. Фильмнинг постановкачи-режиссёри, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Элёр Эшмухамедов бу фильмда ҳам ёшлар ҳаётига мурожаат қилади. Унинг томошабинларга манзур бўлган «Севишганлар», «Қандай аяши йилларимиз», «Даҳонинг ёшлиги» каби олдинги бадий фильмларида ҳам ёшларнинг тақдирини, уларнинг психологик кечинамаларини тадқиқ этилган эди.

Иқтидорли кинорежиссёرنинг янги асари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми руҳига монанд, республикамизнинг, ижтимоий ҳаётида рўй берган катта ўзгаришларни очишга қаратилган. Кинодраматург Жасур Исҳоқов сценарийси асосида яратилган бу киноасар бир кўчанинг икки хонадонидан юз берган қувончли воқеалар билан бошланади. Бир хонадонда ўғил дунёга келади. Унга Темур деб исм қўйдилар. Иккинчи хонадонда туғилган кизга Улфат деб ном берадилар. Темурни кажавали мотоциклда, Улфатни эса «Победа» енгил машинасида туғруқхонадан олиб келишади. Кенг планда олинган шу кичик деталь фильмининг драматик конфликтни йўналишидаги бошланмадир. Икки ёш улғайиб мактабга борадилар, синфда бир партада ўтириб ўқийдилар. Улар ўртасидаги болаларча беғубор дўстлик аста-секин муҳаббатга айланади.

Фильм ижодкорлари «қаҳрамонлар»нинг ёшлик даврини раво, лўнда, изчил сюжет асосида оқ-қора рангларда суратга олишган.

Темурнинг онаси (актриса У. Луқмонова) ўғлининг тарбиясига катта эътибор беради. Темур ҳам ҳар томонлама чиниқиб воёга ета бошлайди. У ўқийди, айна пайтда ёлғиз онасига моддий ёрдам бериш учун турли ишларни бажаради. Тўғрироғи, меҳнат билан топилган ноннинг қадрини эрта тушуниб етади. Улфат эса табиятан камтар, самимий, иродали ва одобли қиз бўлиб улғайди. Бу икки ёш доимо қалбдан бири-бирига талпинади. Ҳали тақдир тўсиқларига дуч келмаган бу севишганлар ўзларини ниҳоятда бахтли ҳис этадилар. Улар ўз мақсадимизга осон эришамиз, деб

хаёл қиладилар. Аммо ҳаёт улар ўйлагандан кўра мураккаброқ.

Улфатнинг отаси Саид Саидович (актёр Ато Муҳаммаджонов) икки ёшнинг самимий муҳаббатига тўғаноқ бўлади. Қизини ўз севгисидан, яъни Темурдан воз кечишга ундайди. Ҳар хил кўзбўямачиликлар, давлат мулкни талон-торож қилиш орқали бойлик орттирган «бадавлат» Саид Саидович назарида «камбағал» Темур уларнинг хонадонига асло мос йигит эмас. Шунинг учун у қизини бу йўлдан қайтариш учун жон куйдиради. Лекин қиздаги қатъий эътиқодни, севгисига содиқлигини кўрган Саид Саидович энди Темурни таъбиб остига олади. Ҳар хил гап-сўзлар ва Саид Саидовичнинг турли хийланайрангларидан безор бўлган икки ёш узоқ тоғ қишлоғига қочиб кетиб, у ерда бахтли турмуш кечира бошлайдилар. Фильм ижодкорлари шу эпизодлар тасвирланган ленталарда икки ёшнинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, табиатнинг фараҳбахш лавҳаларини бутун жозибаси билан акс эттиришга муваффақ бўлганлар.

Аммо икки ёш ниҳолни тақдир яна ўз зарбалари билан «сыйлайди». Темур билан Улфат туғила-жақ фарзандларига бешик олиш мақсадида шаҳар бозорига тушадилар. Улар бу ерда қутилмаган воқеаларга дуч келадилар. Темур магазинга юмуш билан кириб чиққунинга қадар Улфат кўздан ғойиб бўлади. Темурнинг ўзи эса Саид Саидовичнинг барзани ўғиллари томонидан қаттиқ калтакланади. Фильмда Темурнинг қора қонга беланиб ётиши, эзгу тилаклар билан сотиб олинган бешикнинг синиқ парчалари тасвирланган таъсирчан манзаралар томошабин қалбини ларзага солади.

Фильмда драматик ҳолатлар кадрма-кадр кучайиб боради. Характерлар тўқнашуви, воқеалар тезлашуви киноасардаги конфликтни кучайтиради.

Темур касалхонадан даволаниб қайтгач, унинг қўлига хат тўтқазадилар. Хат қора ниҳоятда Улфатнинг номидан уюштирилган бўлиб, бу Темур учун ҳаётидаги энг катта ва кескин зарба эди. Бу сохта мактубда Улфатнинг Темур билан энди ҳеч қачон учраша олмаслиги баён қилинган эди.

Оғир изтироблардан кейин Темурнинг ҳаёти яна бир маромга туша бошлайди. У автомобиль тузатиш корхонасида ишлаб, ҳалол ва меҳнатсеварлиги билан коллектив ҳурматини қозонади, ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишади.

Қўнларнинг бирида шахсий машинасини зудлик билан тузатиришга олиб келган Тўлқин



«Алвидо, ғур ёшлигим» фильмидан кўринишлар:

Улфат (актриса Л. Белогурова) ва Темур (актёр Ф. Манафов). Саша тоға — артист Б. Брандуков.

Рўзиев (актёр Ш. Эргашев) Темурга мурожаат қилади. Одамлар раъини қайтаришга ўрганмаган Темур унинг машинасини қисқа вақтда сифатли тузатиб беради. Шахсий ҳаётидаги қаттиқ зарбалардан кейин Темурнинг характерида бир оз сустлик, кўн-

гилбўшлик вужудга келган эди. Лўттибоз ва лаганбардор шахс Тўлқин Рўзиев йигитнинг кўнгилчанлигини фойдаланиб, уни ўзининг ноқонуний ишларига шерик қилишга уринади. Энди фильмдаги воқеалар ривожидан Темурнинг дунёқарашини ҳам атрофидаги ки-

шилар таъсирида ўзгара боради, унда янги ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлар пайдо бўлади. У ўзи истамаган ҳолда катта мансабдор шахс Ортиқ Алиевичнинг қизига уйланади. Бунинг орқасида у институтга ўқишга қиради, ўқишни тугатгач, ошна-огайнилар, таниш-билишлар ёрдамида мансаб поғонасидан тезлик билан кўтарилиб, катта корхонанинг директори лавозимини эгаллайди. Секин-аста унинг қалбида кескин, бир-бирига зид тўқнашувлар кураши бошланади. Темирнинг характеридаги ҳалоллик, софлик, мустақкам ирода, ўз ишига меҳр ўрнини худбинлик, молпарастлик, ишга совуққонлик каби иллатлар эгаллаётгандай туюлади. Энди у ўз ҳаётининг маъносини ўзи учун яшашда кўра бошлайди. Тор шахсий манфаатлар гирдобига тушиб қолиб, фаол ҳаётдан орқада қола бошлайди. Ўзи истамаган ҳолда социалистик қонунчиликни бузади, кўзбўямачилар билан шерикчилик қилади.

Темир ўз атрофида содир бўлаётган воқеалардан виждонан қийналиб, чуқур изтиробга тушади, бу иллатларга қарши курашга ўзида мустақиллик, журъат тополмайди.

Темирнинг Улфат билан қутилмаган учрашуви унга кўп нарсани ойдинлаштиради, уни ўзлигига қайтаради. Бу учрашув Темир қалбида юз бераётган психологик галаёни алангалатиб, атрофида рўй бераётган ғайри-қонуний ишларга қарши бош кўтаришга ундайди. Оқибатда Темир лаганбардор, порохўр шахсларга қарши курашади. Рўзиев билан охириги учрашув Темирнинг асл инсоний эътиқодига содиқ қолганини кўрсатади.

Фильм низоҳида Темир хотил пичогининг қурбони бўлади. Биз фильمنى кўра эканмиз, Темирнинг фожиавий ўлимига бефарқ қарай олмаيمиз, унинг ўлиmidан қайгурамиз.

Фильмдаги Темир — драматик ситуацияларга бой образ. Бу образ актёрдан катта маҳорат ва санъаткорликни талаб этади. Кинокартини томоша қилар эканмиз, озарбойжонлик иқтидорли актёр Фахрудин Манавов ўз ролини тўғри талқин қилиб, уни ўлақонли образ даражасига етказиб олганлигига қаноат ҳосил қиламиз. Улфат ролининг ижроси Лариса Белогорова ҳам ўзининг талантилиги актриса эканлигини намойиш этган. Унинг имошораларида, қиёфасида, юриштиришларида қахрамон руҳий ҳолатининг энг нозик ва мураккаб томонлари чуқур ифодаланганлигини кўраимиз.

Композитор Эдуард Артемьевнинг фильмдаги воқеалар ва қахрамонлар характериға мос музика басталаганлиги фильмнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилган.

Хуллас, «Алvido, гўр ёшлигим» бадий фильми ҳозиржавоблиги, актуал мавзуда яратилганлиги, замондошимиз психологиясини очиб бериши, жамятида учраб турадиган баъзи иллатларни фош қилиши билан ўз олдига қўйган вазифани тўла адо этган.

Абдураззоқ ҚАРИМОВ

Гулом ИСМОИЛОВ
(Гуломхусайн Исмоил ўғли)

ТОГДАН ЎЗГА ЖОЙДА ЯШОЛМАС БУРГУТ

Ишга таклиф этиб жанг қахрамонин, Кўп хатлар йўллашди эл пойтахтидан. Чўпон эса қўймай касбу ошенин, Ваз кечди шаҳарда яшаш бахтидан. Оловшашт хитоб-ла дер эди Бакир: — Қандай нафас олай, жон юртим, сенсиз? Не юрак-ла сени ташлайин? Ахир, — Наҳанг ҳам ўлар-ку бўлмаса денгиз?! Эҳ, унинг «жон юртим» деган жойи тоғ, Асфалтли йўллардан неча тош йироқ. Сўқмоқлари хийла лойлидир. Ҳали Еқилади бунда керосин чироқ, Ох, тутдай тўкилиб ёв ҳужумида, Ҳеч кими қолмаган энди қишлоқда. Қоядаги танҳо қари гужумдай Бу чўпон сўқкабош яшайди тоғда. Лек... шундай бўлса-да, у бунда шайдо. Кўнгил узолмайди элдан, ўртоқдан Кўнгил узолмас у, сир этиб пайдо — Гавҳартоб кўринган оддий тошлоқдан. Шу тоғ ҳавосини, куччи булоқни, Киндик қони томган азиз авлоқни, Тоғўрмон кўкида эманлар ичра Сийнасин дардкашга тутган қишлоқни Жангтоғлар шунқори — молдаван ўғлон Дунёнинг зарига алишмас асло. Дойна садосининг сеҳри-ла ҳар он Тўлиб-тошган кўҳна кулбасин чўпон Мухташам қасрдан кўради аъло. ...Бизни таништирди гашти саратон Минг гулда болари гулзатан чоғда. Сертўлқин отарин нуқрасоч чўпон Хушқол яйратарди яшил ўтлоқда. Қаршимда турарди чинордек бардам Етмиш тўрт баҳорни кўрган қахрамон. «Наҳотки, шу бўлса афсонапаррон Партизан Бургут деб аталган одам?» Хаёлим экрани балқитар бир-бир Тоғда ёв қирганинган саргузаштини. Норўрак чуққидан ел эсиб гир-гир, Гўёки сўйлари жанглар шаштини. Ҳа! Қору бўронда, қақратонда ҳам Бу жангчи тоғдан жилмади ҳеч бир. Элига ғамгузор бўлди у мудом, Шодёна айёму, огир онда ҳам Шу ердан иқболга талпинди Бакир. «Бахтлимисиз?» дея сўрамадим мен. Ортиқча гап билан ўрамадим мен. Ота ҳам бу ҳақда очмади-ю сўз, Ва лекин меҳр ила жўшган дилдан Таралган шўуладек қўш Олтин Юлдуз Кўксиде камтар бир табассум ила Садосиз сўзлади шу бахт йўлидан. Орден планкиси бир рубойида Лочиншашт умрни қиёмлаб гўё, — Не шонки, сийнаи ул фидойида Мардик тарихидан оқизмиш дарё. Бу азиз тоғларни кучандай яқсар, Чўпон олисларга солади назар. Баайни меҳрини пайванди этгандек Ҳар нигоҳида илоҳий бир ўт... Ҳа, унинг жон юрти шу тоғ, биродар, Тоғдан ўзга жойда яшолмас бургут...

САРВЛАР

Тоғдаману, билмам: нима бу? Ажаб! Самога бўй чўзган деворими ё тоғ? Қоялар тип-тикка. Гўё атайлаб Кесмиш тоғ бағрини азим бир пичоқ. Бу тошлар сирт юнни тирнаб бир қаранг: Қўлларга гадир қўямас. Бунда йўқ тупроқ.

Бу ер — ел ялаган ярқироқ харсанг. Бу ерда сув ҳам йўқ. Шунда-я... бироқ — (Ақл бовар қилмас. Ҳайронман, ҳайрон!): Девор-тоғ кўксидан тик ўсар ўрмон. Ажибҳол туришар сарвлар, арчалар. Илдиэ отган жойи на ер, на осмон. Гўё зиндон қаърин портлатиб, шу он Чуққига тирмашган зўр лашкарсимон — Қоялар биқинин ёриб парчалаб, Чайқалиб гувиллар яшил оломон. Қандай сабот керак асрлар оша Чидаш-чун бу ҳолга, бу ташналикка! Не куч даркор тошлар зулмида яшаб Қад чўзиб самога боқиш-чун тикка! Балки тили бўлса сўйлари само Сарвлар кўрган не-не кундан ҳикоят. Балки тош ҳам зулмин тан олар. Аммо Харсанглар қаъридан ҳаёт йўлини — Сурганлар тақдирдан қилмас шикоят. Қутуриб тоғларда узларкан шамол, Сербардош сарвларга тикиламан лол. Шундай гуркирарки улар беазвол, Ҳаттоки ҳол сўраш — беҳуда савол. О, сарвлар қомати нақадар гўза! Уларни бўрон ҳам эта олмас ҳам. Афтидан, тошларга парчин бўлса ҳам, Сарвлар тик яшашни кўрипти афзал.

ДИЛИМДА ДУНЕ

Қаерда бўлмайин радар мисоли Сен мени толасан етти иқлимдан. Илҳом! Жонгинамга гўлгула солиб Ажиб соз чаласан айни дилимда. Қувончу ҳасратлар уммонисанми? Е дарду аламлар вулқонисанми? Е юрак аҳлининг ишқу тилагин Куй-ла кўкартувчи бўсонисанми? Ҳам ширин туйғу-ла дил чаманини Нурпарт долғаларга қўмасан чунон. Ҳам ҳаффу ташвишлар океанини Қуясан қонимга, жўшдириб тўфон. Куйинг-ла жафоқаш дунё жонидан Қалбимга сен чўзиб яшин толасан, Тинчлик солдатларин пок виждонидан Келтирасан ўтли сўз шалоласин. — Ливан ёнапти, ёнапти ҳамон. Оламини тутмоқда хорлар ноласи. Дейсанки, бонг ургил, бонг ургил, инсон, Ингиллапти минг-минг шаҳид боласи. Эй, шоир гулхандай ловулла, дейсан, Амудай тўлқин от, шовулла, дейсан. Никарагуа хавфда. Нотинчдир афрон. Босмачи йўллайди эларга гаддор. Шу-чун ҳам, илҳомим, бўронсан, бўрон! Ахир, эрк ахли-ла дил бўлгач ҳамжон, Қандайм бўлмайин баҳри оташвор?! Ҳа! Қандай тинч ухлаб бўлади бу он Мотамга бурканса Ироку Эрон, Не-не ёмонларнинг қасрида, ох, ох, Қон окса бетиним беш йилдан буён?! Ҳа, созинг ларзадор, серташвиш бугун. Балогардон бўлиб учасан, илҳом! Самовий урушни тахт этгач малъун, Бўлурми, азизим, сенда ҳеч ором?! Ҳа! Вугун бу сўлим дунё хатарда. Шунинг-чун, илҳомим, сасингда тугёй. Шу-чун ёв ракетин чўтлаб, сахарда Дилдан учирилган қизил барксимон Оташ отасану, ушбу ёлқинда — Сийнам куйгинангга бераркан садо, Гўё гувиллама нурли тўлқинда Жисмидан зўр уммон этасан ато. Ҳа, гарчи катраман ва лекин бу он Мильард қатраларга қўшилиб, илҳом, Сенинг тўлқинингда уммонман, уммон! Душман хуружини ғарқ этиб, мана, Жўшмоқда куну тун ўша пўртана. Дил сўзим минг қуш бўп оқим устида Инсонлар хузурига этаркан парвоз, Сен эса, сеҳр ила шоир кўксиде Нур сочиб куйиндан, гурлатасан соз...

«Музыка — гўзал товушлар муҳасамлашган тафаккурдир», деган эди улуғ рус ёзувчиси И. С. Тургенев. Дарҳақиқат, жаҳон музыка маданиятининг шоҳ асарлари қаторидан ўрин олган «Шашмаком» куйлари, Чайковский, Ветховен, Глинка, Штраус, Ҳожибеков, Курманғози каби машҳур бастакорлар ижод этган музика асарлари инсоннинг қалб кечинмалари, ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги ўй-фикрларнинг теран ифодасидир.

Санъат оламининг сермавж сарчашмаларидан бири бўлган ўзбек миллий музикаси ҳам ўзининг улкан намоёндалари билан фахрланади. Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим Ибодов, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шероzi Ёқубов сингари санъаткорлар миллий музикасининг тамал тошлари қўйган устозлар даражасига кўтарилдилар. Теран ва жўшқин куйлар ижодкори, композитор Икром Акбаров ижоди ҳам ана шу сарчашмадан қониб-қониб сув ичди ва музика шайдоларининг қалбларини мусаффо, ҳаётбахш оҳангларга тўлдирди.

«Амаким Илёс Акбаров музикашунос эди, — дея ҳикоя қилади композитор. — Уйимизга санъаткорлар тўпланишиб, халқ кўшик ва куйлари ҳақида мароқланиб сўзлар, ёқимли куйлар чалар эдилар. Баъзи куй ва кўшиқлар ўта таъсирли бўлиб, бир эшитишдаёқ хотирамга чуқур ўрнашиб қоларди. Уйда ёлғиз қолганимизда ёдимда қолган ўша кўшиқларни амакимга айтиб берардим. Музикани чуқур тушунадиган бу одамдан мактов эшитиш мен учун ниҳоятда завқли эди.

1930 йили амаким мени музика мактабига ўқишга олиб борди. 1939 йилда аса Тошкент Давлат педагогика билим юртини тамомладим. Тошкентдаги мазкур билим юртида, кейинчалик Тошкент ҳамда Ленинград Давлат консерваторияларида устоз композиторлардан олган сабоқларим қаршимда нафосатга тўла, муסיкий олам яратди ва шундай қилиб, профессионал музика ҳаётимнинг мазмунига айланди».

50-йилларда таниқли ўзбек совет композиторлари М. Бурхонов, М. Левиев, А. Козловский, Г. Муселнинг симфоник асарлари қаторида Ленинград консерваториясининг талабаси Икром Акбаровнинг асарлари ҳам ижро этила бошланди. У студентлик йилларидаёқ самарали ижод қилди: баллада, духовий оркестр учун маршлар, Муқимий шеърларига романслар, кларнет ва симфоник оркестр билан фортепиано учун концерт, симфоник оркестр учун сюита, шоирларнинг сўзига кўшиқ ва романслари ўша йиллардаёқ кўплаб тингловчиларнинг диққатини тортди.

Айни вақтда тингловчиларнинг, ҳамкасб дўстларининг билдирган самимий фикр-мулоҳазалари ёш бастакорга илҳом, қанот бағишлади. 1954 йили компози-

тор Шоҳимардонда бўлиб, инқилоб шоири Ҳамаза Ҳакимзода юрган йўллардан юрди. Ҳамаза бўлган жойларни ўз кўзлари билан кўрди. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларида юз берган воқеаларни шоирнинг юртошларидан қайта-қайта эшитиб, қалби ларзага келди. Изтиробли қалб кечинмалари, ўйчан таассуротларнинг музика тилига кўчиришга ўтирди. «Шоир хотираси» деб номланган симфоник поэма шу тариха дунёга келди.

...Поэма инқилоб руҳи билан сугорилган бўлиб, шоир қалбининг ҳайкириги бўлган «Яша, Шўро!» қўшиғи мелодияси билан бошланади. Озодликка, эркак ташна эзилган халқ шоир наърасидан кудрат олиб, оёққа калқийди. Жабр-зулмга қарши кескин кураш авжига чиқади... Музика борган сайин кескинлашади. Бир томонда фитначи-рухонийлар, иккинчи томонда уларга қарши курашга отланган меҳнаткашлар оммаси. Мана, улар тўқнашдилар ҳам! Оҳанглар авж нуқтага кўта-

— Алишер Навоийнинг «Хамса»сига, ундаги «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр» ва «Садди Исқандарий» дostonларига мурожаат қилар эканман, мени турли характердаги асарларни бирлаштирувчи ягона муштараклик: «Хамса»даги фожиаларга тўлиқ кишилар ҳаёти, қарама-қарши кучларнинг тўқнашуви жалб қилган эди, — дейди композиторнинг ўзи бу ҳақда — «Хамса» муаллифи — буюк инсонпарвар файласуф, шоир ва олим сиймоси менга чексиз илҳом бахш этди.

...Мана, «Фарҳоднинг Хисрав томонидан сўроқ қилиниши» сахнаси. Яхшиликнинг ёмонлик билан, софдиллик ва мардликнинг макр ва ҳийлакорлик билан, ақлнинг зулмат билан тўқнашуви манзараси. Музикадаги кучли драматизм, эхтирослар тўқниши тингловчини ҳаяжонга солади. Образлар ички руҳий кечинмалари билан кўз олдингизда намоён бўлади.



Композитор Икром Акбаров.

В. Мосин фотоси

рилганда бирдан охиеталашади. Шоир ҳалок бўлди! Шоҳимардон тоғлари шу ҳақда аксадо бераётгандай. Йўқ, шоир ўлмаган! У ўзи қуйлаган, эъзозлаган, бахти учун курашган она халқи қалбига абадий айнашяк!

Катта маҳорат, ёниқ илҳом билан ёзилган, драматик тўқнашувлар асосига қурилган мазкур симфоник поэма санъат аҳиллари томонидан, профессионал музикамиз тараққиётида эришилган катта ютуқ, деб баҳоланди.

Композиторнинг ижодини беэган иккинчи шоҳ асари «Хамса саҳифаларидан» симфонияси бўлди. Мазкур симфоник поэма бизга «Хамса» дostonларининг етакчи қаҳрамони аслида мутафаккир шоирнинг ўзи, улар чеккан изтироблар аслида шоирнинг дардлари эканлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Фарҳод — мислсиз халқпарвар ва ватанпарвар инсон.

Хисрав — Фарҳоднинг тамом тескараси. У ўз мақсадига ҳийла йўли билан эришмоқчи: музикада фожа ва қаҳрамонлик руҳи омухталашиб кетади... Фарҳод ҳалок бўлган. Уни кўргани Ширин келяпти. Сокин, рагмин музика бирдан тезоқар ирмоқдай олға интилади. Фарҳоднинг қаҳрамонона ишларини келажак авлодлар давом эттирадилар. Адолат тантана қилади. Тезкор, қатъият, шиддат билан эшитилувчи оҳангларда жўшқин, нашъали ҳаёт нафаси барқ уради...

Композиторнинг симфония яратилгандаги ўзига хос кенг кўламли истеъдоди унинг Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишлаб ёзган «Самарқанд ҳикояси» номли аса-

рида янада тўлароқ намоён бўлди. «Бибиҳоним», «Регистон майдони», «Улуғбек мадрасаси», «Шоҳизинда», «Гўри Амир» каби беш қисмдан иборат бу симфония кўҳна шаҳар бошидан кечирган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Тингловчи музикали образларга сингдирилган драматик оҳанглар, ҳис-ҳаяжон, қалб ҳарорати билан йўғрилган лирик куйлар таъсирида гўё тарих саҳифаларини варақлаётгандек бўлади.

Композиторнинг «Тошкентнома» ораторияси бу мавзунда янада тўлдирилган хизмат қилади. Асар «Юз йиллар бағридан овоз», «Тиз чўкмай жанг қилди боболар юрти», «Янги қисмат остонасида», «Тошкент — тинчлик посбони» деб номланган тўрт қисмдан ташкил топган. Ҳар бир қисм ўзига хос шоирона руҳ, юксак романтик туйғулар билан сугорилган илҳомбахш асар бўлса-да, уларни Тошкент дўстлик шаҳри эканлиги, унинг улғуворлиги, бағри кенг ва саховатлилиги, музикага сингдирилган гоёси бирлаштириб туради.

Юқорида номлари тилга олинган учала асар биргина композитор ижодидагина эмас, бутун ўзбек симфонизмининг ривожига катта бурилиш ясади. Улар аввало халқ ижодининг энг эзгу жиҳатларини ўзида сингдирганлиги билан катта муваффақият қозонди.

И. Акбаровни кенг кўламли композитор сифатида танитган омиллар фақат шуларгина эмас. 1962 йили ўзбек композиторларидан биринчи бўлиб И. Акбаров уч қисмли скрипка концертини музика жамоатчилигига тақдим қилди. Асар инсон қалби гўзалликларини тараннум этувчи лирик оҳанглар билан бошланади. Иккинчи қисмда жўшқин, нашъали ҳаёт ўрнини рагмин, фожий таъсир эгаллайди. Музика инсон қалбининг торлари бўлиб, ҳазин нола қилади, кечмиш асрларнинг нидоси бўлиб юракни ўртайди. Аммо ногаҳонда ўйчан музика ўрнини дилбар тароналар эгаллайди. Байрам садолари янглир тантанавор бонгли қувонч жўш уради.

Уч қисмли мазкур скрипка концерти музика ижрочиларининг репертуарларини бойитди. Шунингдек, скрипка концерти ҳамда «Тошкентнома» асосида ёзилган хор бир неча конкурсларнинг лауреати, машҳур скрипкачи Эдуард Грач ижросида Москва радио эшиттирилган Давлат Комитетида ёзиб олинди, бутун мамлакатимизга эшиттирилди. Кейинчалик бу асар Болгария, Чехословакия, ГДР ва бошқа хорижий мамлакатларда ҳам ижро этилиб, музика ихлосмандларининг қалбини завқ-шавққа тўлдирди.

Уша йиллари композиторнинг опера ёзиш ҳақидаги орузи ҳам амалга ошди. Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат Катта академик опера ва балет театрида композиторнинг «Орузу» балети

сахналаштирилди. Операда пах-такорлар ҳақида ҳикоя қилинади. Пахта етиштиришнинг машаққатларию шукуҳи, мўл ҳосил етиштириш учун курашда учраб турадиган тўқнашувлар мафтункор оҳангларда ифодаланади.

Икром Акбаровнинг музыка асарлари айниқса «Ўзбек-фильм»да суратга олинган кинофильмларда бутун жозибаси билан намоён бўлди. Лоқақ «Мафтунингман» кинофильмидаги музыка ва кўшиқларни бир эсанг. Улар (М. Леониев ва М. Бурхонов билан ҳамкорликда яратилган) хаёлларингизни ёшликнинг энг гуллаган давларига етаклаб, ҳисларингизни эркалайди. Қалбингизни нафосатга, гўзал ҳисларга, романтик тўйгуларга тўлдирди. Мана, фильм суратга олинган даун неча ўн йиллар ўтган бўлса-да, бу куй ва кўшиқлар ҳамон дилларимизни мафтун этиб, гўзалликлар яратишга ундаб келмоқда.

Кинорежиссёр Комил Ерматов суратга олган «Ер фарзанди», «Иңкилоб чавандолари», «Қора консулнинг ҳалокати» фильмларини ҳар гал берилиб томоша қиламиз. Аммо бу фильмларга Икром Акбаров (Мутал Бурхонов билан ҳамкорликда) ёзган музикалар қанчалар таъсирчанлик, жозоба бахш этганлигини ҳамisha ҳам эслайвермаймиз.

Композиторнинг музикали комедияларга ёзган куйлари қардош республикалар театрларида ҳамда хорижий мамлакатларда ҳам ижро этилиб, ўзбек профессионал музикаси эришган ютуқларини намоён қилмоқда.

Икром Акбаровнинг бир вақтининг ўзида бир неча жанрда, бир неча текст устида кизгин ишлай олиши айниқса кишини ҳайратга солади. Масалан, у кинофильмлар ва сахна асарларига музыка ёзиш билан бир вақтининг ўзида уч кватрет, камер оркестр учун беш пьеса, халқ кўшиқ ва куйлари асосида саккиз хор (акапелла) яратди.

Умуман, бастакор узок йиллик кизгин ижодий фаолияти давомида 200 дан ортиқ ажойиб музика ва симфоник куйлар яратдики, уларнинг ҳар бири ҳам композиторнинг қалб ҳарорати билан йўғрилган бўлиб, берилиб тинглашга аризуликдир. Икром Акбаров ижоди, мафтункор, сервак асарларидан илҳом, куч-қувват олиб ижод қилаётган ёш, истеъдодли композиторларнинг асарлари республикамиздагина эмас, Иттифоқимизда ҳам тан олинмоқда.

Композиторнинг серкира ижоди муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреатидир. Икром Акбаров музикаларини тинглар эканми, дилимиздан шундай сатрлар кечади:

Сен тонг жиллоларин куйга кўчирдинг,
Ҳам дил наволарин куйга кўчирдинг.
Юрагингда кўёш куйлаб ётади,
Ундан ҳар юракка сехр оқади.

Назира ИҶЛДОШЕВА,
Ийна ПИФЛАКС

ПАРВОЗДАГИ самолёт Самарқандга яқинлашиб пастлади-да, шаҳар устида бир айланди. Самолётда ўтирганларга қадимий шаҳарнинг кўчалари, уйлари, боғлари кафтадагидек кўриниб турарди. Сайёҳлар иллюминатор ойналаридан кўз узмасдилар — Самарқанднинг доврўгини жаҳонга таратган ўрта аср меъморчилик обидаларини юқоридан томоша қилардилар. Улар худди ана шу мақсадда Скандинавиядан Ўрта Осиёгача бўлган бир неча минг километр йўлни босиб келаётирлар. Юқоридан қараганда, шаҳар ихчам ҳолда кўзга ташланар, обидалар эса, бир парчагина — бир-бирига яқин бўлиб кўринар эди. Мана, Гўри Амирнинг марказий миносраси анвойи рангларда ярқираб товланади. Регистон майдонидаги одамлар оқими ҳам, ундаги обидалар ҳам яққол кўзга ташланади. Бу ердан ҳеч маҳал одам аримайди. Томошалар маълум маршрут бўйича — Улўғбек, Шердор ва Тиллақорий мадрасаларини бирма-бир кўриб чиқадилар.

Афросиёб тепалигининг жану-би-шарқий ёнбағрида Шоҳи зинда обидасининг ўн битта мақбараси бирма-бир кўз олдимиздан

ўтди. Сайёҳлар бу манзараларни кўзларидан йўл кўрсаткичлар ва хариталарга солиштириб, скандинавча совуққонликини ҳам унутишиб, бир-бирлари билан мунозарага тушиб кетдилар. Самарқанддаги қадимий ёдгорликларнинг миқёси ва гўзаллиги халитдан уларда мафтункор татаассурот қолдираётганлигини шундан ҳам билиб ола бўларди.

Мен эса анчадан бери ўзимни қизиктираётган обидани — Биби-хоним ёдгорлигини қидираётган эдим. Мана, кўёш нурлари остида унинг фируза гумбази ярқираб кўринди. Обиданин олднинг улкан равоғи ҳам кўзга ташланди. Демак, Шарқнинг мазкур нодир меъморий ёдгорлигида таъмирлаш иши ўз маромида давом этаётган экан.

...Биби-хонимнинг қурилиш тарихи ҳақида бир неча афсоналар яратилган. Улардан бирида нақл қилинишича, бу обида қурилиши Темурнинг хотини Биби-хонимнинг буйруғи билан бошланган. Жаҳонгирнинг навбатдаги сафардан қайтишига тухфа қилиш мақсадида қурилиш шoshiлич равишда олиб борилган. Унда минглаб усталар, қиллар кечаю кундуз тиним билмасдан ишлаганлар. Фақат биргина одам — бoш меъмор иш суратиининг тез боришдан норизо. Биби-хонимнинг гўзаллигига маҳлиё бўлган меъмор илинж билан вақт ўтказди. Бу орада жаҳонгирнинг Самарқандга қайтаётганлиги ҳақида хабар тарқалади. Биби-хоним ишни тезлаштиришни талаб эта-

ди. Бош меъмор эса, бир ўпич эвазига қурилишни тезлаштиришга ваъда беради. Биби-хоним ноилож бу шартга рози бўлади. Меъмор муҳаббатининг алангаси шунчалик иссиқ эканки, гарчи Биби-хоним кафтини юзига қўйиб турган бўлса ҳам, унинг юзида ўпич излари қолади. Темур Самарқандга етиб келган кунни ёдгорлик қурилиб битади. Бирок жаҳонгир хотинининг юзидаги ўпич изини сезиб қоладию шодлиги қайиғуга айланади. Суюкли хотин унга воқеани яширмай айтиб беради. Амир бош меъморни жазолашга фармон чиқаради. Меъмор эса, жазодан қочиб, ўзи қурган обиданин миносрасидан номатълум томонга қушдек учиб кетади...

Афсона шундай. Аммо, аслида мазкур обида қурилиши 1399 йили шахсан Темурнинг фармони билан бошланади ва орадан беш йил ўтгач — 1404 йили битказилади. Жаҳонгирнинг режасига кўра, бу ишпоот ўз миқёси ва гўзаллиги жиҳатидан ўша пайтгача қурилган барча ёдгорликлардан ошиб тушиши лозим эди. Мазкур ёдгорлик ҳақиқатан ҳам гоёта маҳобатли қилиб қурилди. Бу бинолар мажмуаси бўйи 130 метр ва эни 102 метрдан иборат бўлган кенг майдонга жойлашди. Бутун ҳов-

аср кўзларни қувонтириб туришдан ташқари, Ўрта Осиё шароитида бот-бот юз бериб турадиган зилзилаларга ҳам бардош бера олсин.

Ўзбекистон таъмирлашларни лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти худди ана шундай лойиҳани ишлаб чиқди.

— Таъмирлаш ишларини биз илмий асосда олиб бормоқдамиз,— дейди Мирза Тўхтаев.— Бутун ишпоотни бирданига эмас, ҳар бир қисмини ҳужжатларда тасдиқланганига қараб тикламоқдамиз. Масалан, ҳар хил манбалар бўйича катта ва кичик биноларнинг, равоқларнинг ҳажмини аниқладик. Иш давомида эса, бизнинг кунларнингизгача етиб келган ҳар бир бўлимингиз сақла-ниб қолишига интилдик. Ҳатто ҳар бир гиштнинг, ўрта асрларда яратилган ҳар бир бўёкли парчанинги йўқотилмаслигига ҳаракат қилдик.

Биби-хоним обидасининг таъмирланиши икки қисмдан иборатдир. Биринчи қисм ишпоот конструкциясини тиклашни, иккинчи қисм беэак бериш ва сайқаллашни ўз ичига олади.

Обидани таъмирлашда Тошкентдаги экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти ходимлари ишлаб чиққан новаторна конструкторлик ечимлари-

ЯШАРАЁТГАН ОБИДА

ли юзаси мрамар тошлар билан безатилди, ҳовли атрофи қатор кетган ҳужралар билан ўраб олинди. Ғарб тарафда улкан мачит, шимол ва жануб тарафларда эса, кичик мачитлар жойлашган эди. Бино ҳовлисига кириш дарвозаси эса, икки қаватли — катта-кичик равоқлардан иборат эди. Равоқнинг икки тарафида ҳам иккита минора қад кўтарганди. Барча деворлар анвойи ранглар билан безатилган, мачитлар ва ҳужраларнинг ичкараси ҳам манзаравий тасвирларга бой эди. Айниқса, бинога киришдаги олдинги равоқ ҳамда бўйи эллик метрли миносралар Самарқанднинг олти тепалигидан яққол кўзга ташланиб турарди. Мазкур обиданинги ўзи эса, қадимий шаҳарнинг еттинчи тепалиги бўлиб, шаҳарга ташриф буюрганларни танг қолдиради.

Бирок, тарихдан шу нарса маълумки, бу бинонинг бузилиши Темурнинг ҳаётигидаёқ бошланган. XX аср ўрталарига келиб эса, очигини айтганда, Биби-хоним обидасининг вайроналаригина қолган эди. Меъморларимиз, мутахассисларимиз ва таъмирчи усталаримиз олдида ёдгорликини сақлаб қолиш муаммоси кўндаланг турарди. Мутахассисларнинг текширишларидан маълум бўлдики, агар таъмирлаш ишларига тезроқ киришилмаса, 2000 йилгача Биби-хоним обидасидан фақат афсона ва тўп-тўп гишт уюмларигина қолар экан. Ишпоотни шундай таъмирлаш лозим эдикки, обида яна бир неча

дан фойдаланилди. Гап шундаки, мазкур институти ходимлари ўрта аср ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклашда тажриба орттирганлар. Улар бу ишда қурилишнинг хозирги замон методлари ҳамда материалларидан кенг фойдаланишнинг тавсия этадилар. Энг аввал Тошкентдаги Кўқалдош мадрасаси, сўнгра Самарқанддаги Тиллақорий мадрасаси худди шу усулда таъмирланган эди.

Биби-хоним обидасини таъмирлашда иш дастлаб катта бинодан бошланди. Маълумки, мазкур бино Шарқдаги энг йирик ишпоотлардан бири ҳисобланади; унинг диаметри 20 метрдан иборат, юқори нуқтаси эса 44 метрга етади. Ишпоот деворлари орасига ҳар хил сабабларга кўра, қорёғмир сувлари тўшавергани тўфайли бино яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Биби-хоним ёдгорлиги ўз вақтида асосан пишган гишт билан кўтарилган бўлса-да, гиштлар орасига ганч ва лой аралашмаси қўйилган. Бундай аралашма эса, намгарчиликка, сувга узоқ бардош беролмайди. Обиданинги вайрон бўлиш сабаблари ҳам ана шундандир.

Таъмирчилар иш давомида катта бинонинг ички гумбази гиштларини биттадан ажратиб олдилар-да, ўртага темир-бетон синчалар қўйиб, гумбазни қайтадан кўтардилар. Бу конструкция аввалгисидан кўра мустаҳкам, энгил ҳамда позик қилиб ишланди, ва, энг муҳими, зилзилага чидамли бўлди. Гумбазларнинг остки гиштлари пўлат тиррақлар

билан мустақамланди. Бинонинг пастки қисмини мустақамлаш учун ҳам пўлат ишлатилди. Шунингдек, бинонинг ана шу қисмига юқори томондан кучли темир-бетон белбоғ қўйилди. Акс ҳолда, гумбазнинг оғирлиги оқибатида бинонинг пастки қисми ана қачондир нураб кетиши мумкин эди. Бинонинг юқори қисми ҳам энгизлага қарши металл белбоғлар билан мустақамланди.

Катта бинонинг ички қисмини қайта қуриш — таъмирлаш масаласи конструкция лойиҳасида алоҳида ўрин олган эди. Маълумки, 20 метрдан иборат бўлган бино ичкарасини нуқул гишт билан бекитиш қўрилишида жуда нодир ҳодиса ҳисобланади. Ана шу гишлар ҳали ҳам ўрнида турган эди. Аммо ўтган даврлар унга ҳам таъсир қўрсатмасдан қолмади. Уларнинг ана ўз ўрнида мустақам тураверишига ҳеч ким кафолат беролмасди. Шунинг учун бино ичкарасидаги гишлар олиниб, қайтадан терилиши лозим эди. Техника фанлари кандидати Ян Арадовский бошлиқ конструкциячилар группаси эса, бино ичкарасидаги гишларни бузмасдан таъмирлаш йўлини ишлаб чиқдилар. Бино ичкарасига тўрт тарафдан пўлат устунлар

қўйилди ва шифти ана шу устунлар билан мустақамланди. Таъмирлашга оид бошқа ишлар шундан кейин бемалол олиб борилади. Ҳозир бино атрофидаги ҳавозалар олиб ташланган, бош гумбаз фируза рангда жило бериб турирди. Эндиликда бинонинг ичкарасидаги безак ишларига киришिल्моқда.

Бибиҳоним обидасини таъмирлашдаги бундай ажойиб ишларни бевоқиф Самарқанддаги махус илмий-саноат таъмирлаш устаканаси коллективи амалга оширмоқда. Вач қурилиш ишларини Александр Шиллер бошчилигидаги газ пайвандчилар ва монтажчилар бригадаси бажарди. Бригада аъзолари иш давомида юқори унум ва юксак сифат билан меҳнат қилдилар. Айниқса ўз ишининг усталари бўлиб танилган ака-ука Шукур, Жўракул ва Тўракул Гафуровлар ҳамжиҳатлик намунасини ана бир бор намойиш эдилар.

Иншоотни қайта ёшартиришдаги мрамор билан безаш, сочма нақш билан сайқал бериш ишларини Ҳамза номдаги Ўзбекистон ССР Давлат муқофоти лауреати Мирумар Асадов бошлиқ бригада ижро этди. Ота-боболари ҳам таниқли уста ўтган Мирумар

Асадов бир пайтлар машҳур Уста Ширин раҳбарлигида Тошкентдаги Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг Бухоро ҳамда Термиз залларини ганчкорлик нақшлари билан безашда иштирок этган эди. Айни пайтда Бибиҳоним ёдгорлигини таъмирлашда Асадовлар сулоласининг саккиз вакили иштирок этаётир. Мирумар аканинг укалари Мирусмон ва Мирсаид, ўғиллари Мирсоҳиб, Абдурахмон ҳамда жиянларидан тўрт киши ана шу қурилишда меҳр билан тер тўкиби ишламоқдалар.

Одатдагидек, таъмирчилар бригадасининг барча аъзолари бир неча ҳунарни эгаллаб олганлар. Шунинг учун улар гишт теришни ҳам, мрамор кесишу унга гул беришни ҳам, умумий сайқал бериш ишларини ҳам ўзлари бажарадилар.

Обиданинг икки ёндаги кичик матчиларни таъмирлашда Ражаб Юнусов, Нусрат Асадов ва Фаали Камолов бошлиқ бригадалар банд бўдилар. Маълумки, рангли нақш билан безак бериш — қурилишдаги энг оғир ишлардан бири. Мазкур обиданинг кичик матчилари ҳам Гўри Амир гумбазига ўхшатиб сочма

нақш билан безатилади. Бундай «бўёқли гилам»нинг ҳар бир квадрат метрига олти юзтага яқин унсур жойлашади.

Таъмирчи усталар ишни кузатиб, ҳаёлга толаман. Ўзбекистон тупроғи ҳамиша истеъодларга бой бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай! Бундан беш асрлар муқаддам санъаткор усталар Самарқанд меъморчилигининг дурдоналаридан бири бўлган Бибиҳонимни қурганлар. Улар ақали бирор жойга ўзларининг номларини ҳам ёзиб қолдирмаганлар. Бизнинг замондош усталаримиз эса, ўзларининг ана ўша салафлари анъанасини давом эттириб ва бойитиб, ёдгорликни янги ҳаётга қайтармоқдалар.

Кечалари Бибиҳоним обидаси устида юлдузлар чарақлайди. Кундуз кунлари эса, ёдгорликнинг мовий гумбазини энг катта юлдузлардан бири бўлиб ярқираб туради. Бу юлдуз теварак-атрофдан ҳам, қушлар парвозидаги юксакликдан ҳам кўрган кўзларни қувонтириб, дилларни хушнуд этади.

Валентина КАРПЕНКО

Самарқанд — Тошкент

ИЛМ ЙЎЛИ ЧАРОҒОН

Ҳабиба университетни имтиёзли битиргач, математика институти қошида ташкил этилган ҳисоблаш марказига ишга юборилди. Бироқ электрон ҳисоблаш машиналари ва у билан боғлиқ муаммолар ёш мутахассисни анча қизиқтириб қўйган эди. Шу сабабли устози — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Восил Қобулов унга Қозон шаҳридаги электрон ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарилган заводга бир гуруҳ мутахассислар билан бориб ишлаш, тажриба ортиришни маслаҳат берди.

— Биз бир неча ой мобайнида у ерда бўлиб, электрон ҳисоблаш машиналарининг хусусиятларини, унинг халқ ҳўжаллигидаги истиқболини, аҳамиятини ўрганишга, иш жараёнлари билан танишишга ҳаракат қилдик, — дейди Ҳабиба Икромова ўз қасбини дастлабки машаққатларини хотирлаб.

Ана шу заводда у ишчиларни бўш вақтларида ҳам тинчтиради, машиналарнинг иш жараёнларини ўрганиди. Билмаганини сўради. 1961 йилнинг охирида ўша машиналардан Тошкентга ҳам олиб келишди. Улар олиб келган бу машиналар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қарамоғидаги Кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўнғич машиналари бўлиб қолди.

Ҳабибани эса ҳамон бу машинанинг «мияс» қизиқтирарди. Ниҳоят у шу фикрга келди: «Ҳар қандай ҳисоблаш машиналари ҳам инсон тафаккурининг маҳсули». Аммо шундай масалалар ҳам бўладики, уларни ҳал қилишга инсон улгуролмайди. Ушундай масалаларнинг ҳал қи-

линишини тезлаштириш лोजи йўқмикан?

Бу саволга ақлли машиналар тез фурсатда жавоб берди. Бу митти мўъжизаларнинг «мия»лари жуда кўп ахборотларни эслаб қолади ва ҳар қандай мураккаб масалани қисқа муддатда еча олади.

Вақт ўтказилмасдан электрон ҳисоблаш машиналарининг янги типлари ўзлаштирила бошланди. Математика институти қарамоғидаги ҳисоблаш маркази кенгайтирилди. Эндиликда у СССР Фанлар академияси қарамоғида биринчи бўлиб юзага келган ягона Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди.

Ҳабиба бу ерда ЭҲМларни бошқарувчи инженер бўлиб ишлаш бошлади. Унда фан сирларини чуқур билишга бўлган иштиёқ тобора кучайиб борди. Аспирантлик йиллари орта қолди. Уни ЭҲМнинг инсон саломатлигини мустақамлашга бўйсундириш қизиқтирарди. Бунинг учун шифокорлар билан илмий ҳамкорлик қилиш керак эди. Урганилаётган касалликни таҳлил қила оладиган математик модел яратиш ва унинг ечимини ЭҲМ орқали топиш — Ҳабибадан катта матонат, изланишни талаб қилар эди.

Маълумки, шифокор беморни кузатиш жараёнида соғлом организм нормал ҳаёти белгиларининг сифат ва миқдорий ўзгаришлари билан ҳамда шу белгилар учрайдиган бошқа касалликлар билан таққослайди. Шундан кейингина аниқ диагноз қўйиш жараёнида шифокор тўплаган маълумотларни мушоҳада этади ва таҳлил қилиб чиқади. Ки-

бернетиклар ифода қилганидек, шифокор диагноз қўйиш жараёнида билими, тажрибаси ва ортирган малакаси ёрдамида ўзига хос жуда аниқ мантикий «алгоритмлар» билан иш тутади.

Олимлар томонидан жорий қилинган диагностика системанинг иши ҳам худди шу мантикий шифокор «алгоритм»га тақдир қилади. Бунга муайян касалликка хос белгилар ЭҲМ хотирасида жойлаштирилган эталонлар билан таққосланади. Диагностика системанинг ишлаш принципи диалог режимино тақозо этади. Яъни шифокор билан ЭҲМ алоқа воситаси — тематик ёки дисплей орқали бемалол «гаплаша олади». Ана шундай шифокор учун қудай «маслаҳатчи» автоматик тарзда диагноз қўйиш системаси орқали нафақат тез ва аниқ диагноз қўйиш, ҳаттоки касаллик кечишини башорат қилиш, касаллик тарқалишининг эпидемик тус олишини олдиндан айтиб бериш ва дифференциал-диагностик жадваллар тузиб бериш имкониятини ҳам беради ҳамда ушбу система маслаҳатлашуви — консилиум моделини тузади.

Алгоритмик консилиумда иштирок этувчи алгоритмлар ҳал қилиниши керак бўлган масалаларни ечишга энг мақбул жавоб топиш сари йўналтирилган, яъни шу вақтгача медицинада кенг қўлланилиб келаётган врачлар маслаҳатлашуви ушбу диагностика системасида алгоритми «маслаҳатлашувда» ўз аксини топан.

Ана шу алгоритми консилиум автоматик системасини яратишдаги илмий изланишлари Ҳабиба Икромованинг докторлик диссертациясига асос бўлди.

1982 йили ихтисослаштирилган илмий советда шу соҳа мутахассис олимлари иштирокида Ҳабиба Зуфаровна ўзбек хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб техника фанлари доктори илмий даражасини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди.

Унинг илмий кашфиётлари натижалари бутун иттифоқимизда, ҳатто хоржий мамлакатлар (Чехословакия, ГДР, Болгария, ГФР, Канада, Италия) олимлари томонидан ҳам юқори баҳоланди.

1982 йили Москвада бўлиб ўтган халқор аюнумда академик В. И. Марчук Ҳабибахонов Икромованинг илмий ишларига юқори баҳо бериб, шундай деди: «Ибн Сино ўлкасида ЭҲМ ҳам шифокорга маддкор эканлигини ўзбек қизи Ҳабиба Зуфаровна халқор аюнум қатнашчилари, айниқса, АҚШ, Канада, Италия, ГФРлик олимларга исботлаб берди ва уларнинг олқишига сазовор бўлдики, бу — социалистик тузумимизнинг катта галабасидан далолатдир».

Дарҳақиқат, инсон саломатлигини сақлаш йўлида математиклар билан шифокорлар илмий ҳамкорлигининг истиқболли порлоқ. Яқиндагина ўзи шогирд бўлган Ҳабибахонов бугун устоз. Илм истиқболли сари интилган ёшларга бош.

Ҳабиба Икромова республика-мизда тиббиёт кибернетикаси билимларини кенг ёйишда фаол қатнашмоқда. Унинг шу кунгача иккита йирик монографияси — «Эпидемик жараёнларнинг прогноз қилишда математик методлар» ва «Алгоритмик билиш ва диагностика», иккита илмий-оммабоп брошюра — «Тиббиёт ва кибернетик методлар», «Медицина ва кибернетика» ҳамда тўртта методик қўлланма, 90 га яқин илмий мақолалари шифокорларимиз учун дастуруламалар.

Матлуба ИСЛОМОВА

— Ўзбекистон ССР халқ артисти Маъмура Эргашева «Тановар» ни ижро этади! — Концерт бошқарувчисининг овози телетомошабинлар қалбида ҳаяжон уйғотади...

Саҳнада раққоса пайдо бўлади. Унинг гўзал, уйғун ҳаракатлари жонга ўт ташлайди. Ўзбек рақс санъатининг гултожи ҳисобланмиш «Тановар» даги ҳар бир ҳаракат маънога тўла; уни томоша қилар эканмиз, Муқимий мурраббасининг кўнгил қатларида чўкиб ётган мисралари қулқда жаранглайди:

Эмди сандек, жоно, жонон кайда-дур,
Кўруб гул юзингни боғда банда-дур,

Сақлай ишқинг токи жоним танда-дур,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум санда-дур.

Раққосанинг ўзига хос ижросида классик рақс — «Тановар» абадий ва умр, муҳаббат ва ҳижрон, бахт ва ғуссадан сўзлайди; унинг нозик қўл ҳаракатлари тушунтирадики:

Бойчечаклар қафтида баҳор,
Олиб кетар водийга ёни...

Гўзаллик талқинлари гўзалликнинг ўзи каби бетакрор, рангбаранг, бой. Лекин Маъмура Эргашева гўзаллики ўзбек халқининг қадимий рақс санъати анъаналари, барҳаёт устоди — СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева санъатидан баҳраманд бўлган ҳолда талқин этади. Мукаррама Турғунбоева эса асрий халқ ўйинлари хазинасига, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қори Ёқубов сингари санъат усталарига суянган эди. Ҳа, ҳаёт ҳам, санъат ҳам ўрин алмашиб турган авлодлар воситасида давом этади.

«Олтмиш икки хил ритмимиз бор, — дерди Уста Олим Комилов Мукаррамаҳонимга, — олтмиш икки усулнинг олтмиш икки жиловаси, бир-бирига ўхшамаган чиройли ҳаракати бор. Ана шу усулларни ўзлаштирмай туриб: «Рақсни билдим», дейиш беқор. Сиз эътибор қилинг-а, раққоса бир хил ҳаракатни ҳадеб қайтаверса, кишининг гашига тегади, рақсда жозиба қолмайди» («Гулистон», 1974 йил, 11-сон).

Мукаррама Турғунбоева ўзбек халқ рақсини, Уста Олим Комилов каби устозлар йиғган хазинани ижодий ўзлаштирди, ривожлантирди, Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсида муносиб тарзда намойиш қилди. Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги остида Мукаррама Турғунбоева бош-қош бўлган ва эндиликда бу ўлмас санъаткор номи билан аталаётган «Баҳор» рақс ансамбли ўзбек рақс санъати анъаналарини тараққий эттирапти. Маъмура Эргашева — ана шу рақс ансамбли — «Баҳор» нинг истеъодли раққосаларидан бири.

Маъмура 6 ёшидан бошлаб Тошкентдаги Тўқимачилар саройида раққоса Сора Мушаева таълимини олди. 1961 йили хореография билим юртига кирди. 1969 йилдан буён «Баҳор» ансамбли раққосасидир. 1973 йили Берлинда ўтган Х Жаҳон ёшлари фестивалида иштирок этди. 1976 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлигига муносиб кўрилди. 1978 йили ВЛКСМ XVIII съезида делегат сифатида қатнашди. Уша йили Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, шунингдек, XI Жаҳон ёшлари фестивали лауреати бўлди. 1981 йилда шонли КПСС сафига қабул қилинди. 1983 йили Ўзбекистон ССР халқ артисти унвонига мушарраф бўлди.

Раққосанинг жамоатчилик фалояти ҳам диққатга сазовор. У Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси. Ўзбекистон «Дўстлик» жамияти правлениясининг аъзоси.

— Санъаткор ўз даври билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлмоғи керак, — дейди Маъмура биз билан суҳбатда. — Авваллари тўйлар, халқ сайиллари даврасини тўлдирган ўзбек рақси хозирда Бутуниттифоқ ва жаҳон саҳналарига чикди. Чинакам санъат хамиша халқ корига яраши керак. Санъатнинг барча турлари каби, рақс ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши қаратилган маънавий қуролга айланди. Улуғ Ғалабадан сўнг ҳам бу санъат мамлакатни тиклаган совет халқининг мададкоридан бири бўлди.

Бугунги кунда — совет санъати, жаҳон тараққийпарвар санъати таркибида — рақс ҳам тинчлик учун курашнинг олдинги сафларида бормоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида бўлганимизда, совет кишиларининг эзгу орзуси тинчлик эканлигини рақс тили билан изҳор қилмоқдамиз.

Маъмура Эргашева мана шундай катта максалдарни юракка туккан ҳолда рақс тушади. Шунинг учун ҳам у ижро этаётган «Муножот», «Тановар», «Нозанин», «Кубача рақс», «Мустафо», «Японча рақс», «Афғонча рақс», «Ўрик гуллағанда», «Эронча рақс», «Умид», «Испанча рақс», «Ларзон», «Бари гал» ўйинлари мазмунига яраша бадияти — гўзаллиги билан ажралиб туради.

Саҳнада бир неча минут ичида намойиш этиладиган рақс — ойлаб, йиллаб қилинган ижодий меҳнатнинг самарасидир. Маъмуранинг репертуаридан СССР халқ артисти Қундуз Мирқаримова, СССР халқ артисти Галия Измайлова саҳналаштирган рақслар ҳам ўрин олган.

Журналимиз муқовасининг биринчи саҳифасида суврати эълон қилинган истеъодли раққоса — Маъмура Эргашеванинг янгида янги ижодий муваффақиятлар қозонишига тилқдошмиз.

Муҳаммадали ҚҶШМОҚОВ

Рафик Мўмин — 20-йилларда ижод этган ўзбек совет шоирларидан. Унинг «Қопчигай» ва бошқа асарлари ўз вақтида китобхонлар томонидан илқ кутиб олинган эди. Рафик Мўмин шоир бўлиш билан бирга педагог ва драматург ҳам эди.

Рафик МЎМИН

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Салом сизга, эй даланинг шерлари, Зарбдор йигитлар, меҳнат қизлари. Меҳнат-ла яшнаган, қулган юзлари, Яшнатди ўлкани — ёлқин сўзлари — Ҳасанот ўқиймиз иқболингизга.

Кумушдай чигитни экиб бўлганлар, Чехралари ёруғ ойда кулганлар, Этаклар шимари, шохдам юрганлар, Меҳнатнинг шавқини доим сурганлар, Табриклар ўқиймиз ихлосингизга.

Барқ уриб кўринган гўза япроғи, Баҳордан ашула айтар дудоғи, Тонг шабадасидир унинг тароғи, Сифатли чопиқлар унинг сўроғи, Ер юзи ҳайратда саботингизга.

Қуёшнинг олтин зар зиёсин кўринг, Кўкарган гўзанинг имосин кўринг, Ҳар эгат кўйиндан илҳомлар сўринг, Қадри ўртоқлар, чопиққа юринг, Минг раҳмат, большевик суръатингизга.

Алвон ташлабсиз, ўйнайди сувлар, Ҳар узун эгатда кулиб, милтилар, Ёш нозик япроқлар қилар ўйинлар, Ялтироқ кетмонда кесак эзилар, Киргизманг ётларни гулзорингизга.

Юмшатиб майинроқ чопинг жўякин, Шимаринг енгларни ҳамда этакни, Маҳкамроқ тутингиз кучли билакни, Сифатли чопанга чалинг чапакни, Ялқовни келтирманг диёрингизга.

Ўмасин эгатда салом-алаклар,¹ Илдиниз қуритинг ўсмай печаклар, Ғумайдан сақланинг, юлиб қурмаклар, Қиёғдан қутлинин хатто йўлаклар, Қуёшдан саломлар наҳорингизга...

1935 йил, 5 январь

¹Салом-алак — ёввойи ўт



Тошкент Машинасозлик заводининг илгор ишчиси, коммунист мехнат зарбдори Саидқабар Ғаниев.

В. Мосин фотоси

ОДАМГАРЧИЛИК

ХИКОЯ

АВЖИ кун қизиган пайт. Одамлар куёш хароратига тоб беролмай, ўзларини соясалкин жойларга уришган. Автобус бекатида бирорта дарахт йўқлигидан йўловчилар симёғочнинг узун соясида қалдирғочдек тизилишиб туришибди. Бугун яқшаба бўлгани учунми, чойхона ҳам гавжум эди.

Чойхонага ёши ўттиз бешларга борган, кийиниши олифтагина бир йигит кириб келди. Чақ-чақлашиб ўтирган чойхўрлар бир зум гапдан тўхтаб, нотаниш кишини кузата бошладилар.

менга озгина пул керак бўлиб қолди.

Нафасини ичига ютиб ўтирган чойхўрлар бу «ғалати» меҳмоннинг гапини эшитиб, у томонга ўгирилиб, чордона қуриб олишди.

— Қани, ўтиринг ўғлим, пул бўлса бир гап бўлар, аввал бир оз суҳбатлашайлик. Ким бўласиз, қайси шамол учирди биз томонларга? Шулар ҳақида гаплашиб олайлик.

Чол йигитга мулозамат қилиб, уни сўрига таклиф этди.

— Раҳмат, отахон, — қўлини кўксига қўйиб миннатдорчилик билдирди нотаниш йигит. — Бормасам бўлмайди. Районинглар-

лади. — Мен бир ҳафтадан сўнг албатта келаман.

— Ҳеч кераги йўқ, ўғлим, исмингизни айтиб кетсангиз бўлди. Сизга ишонамиз, — Чол чўнтагидан бир сўмликлар чиқариб, йигитга узатди. — Мана, олинг, ўғлим, бир айланиб ўтганда ташлаб кетарсиз.

— Хўп, раҳмат сизга. Исмин Маҳмуд, тошкентликман. Сизни нима деб қақирамиз, отахон?

— Меними, мени Муслим чойхоначи деса, ўша сизнинг Тошканингизда ҳам кўпчилик танийди.

— Хўп, раҳмат сизга, мен анави автобусга илиниб қолай.

Йигит шундай деб югуриб бо-

Муслим ота йўлида давом этиб. — Шахарликлар апирис бўлади, ҳа, улар мардликдан кейин туғилишган, одамгарчиликни билшмайди. Ахир, нечтаси пул бўлиб, думини ҳам кўрсатмай кетаяпти? Жа, сахийсиз-да! — дея пичинг қилди меш қорин яна.

— Бирон кун ташлаб кетар, ишқилиб ўзига инсоф берсин. Яхши одамга ўхшайди-ку.

— Одамнинг ичини билиб бўлмайди, ўн сўмдан айрилиндингиз энди. Уша пулни менга берганингизда, яхшилаб дуо қилардим. Аттанг...

Саттор ётган жойида қорини селкиллабди қулди. Муслим ота эса индамай ўз ишига уриниб кетди.

Атрофдаги дўппидек-дўппидек бўлиб давра қуриб ўтирган таниш-нотаниш одамларнинг айримлари Сатторга кўшилишиб қулдилар, айримлари эса чолнинг қилган ҳимматини маъқуллашди. Қисқаса, зерикиб ўтирган чойхўрларга эрмак топиладигани учун хар даврада «хов бурноги йили» дан гап бошладилар.

...Орадан роппа-роса бир ҳафта вақт ўтди.

Яна худди шундай яқшаба куни чойхона олдига оқ «Волга» келиб тўхтади ва қутилмаганда машинадан ўша таниш йигит тушиб, чойхонага кириб келди. У Муслим отанинг олдига келиб салом берди. Чол йигитни таниб, худди эски кадрдонлардек қуюқ сўрашди.

— Қалай, уй томонлар тинчмикан? — деб сўради Муслим ота йигитнинг шошилиб турганини сезиб.

— Ҳа, уйда хурсандчилик экан. Неваралик бўлибсиз, ота, — деди йигит юзларига табассум ёйилиб. Сўнг чўнтагидан битта ял-янги шилдироқ ўн сўмлик чиқариб чолга узатди. — Мана, омонатингиз, отахон, раҳмат! — Йигит кейин портфелидан ихчам китоб олиб, уни отага узатди. — Буни бўш вақтингизда эрмак қиларсиз. Энди менга рухсат, зарур иш билан Андижонга кетаяпман, қайтишда сиздан хабар оламан. — Йигит шошилиб машина эшигини очди. — Хайр ота, саломат бўлинг.

Шофёр машинага газ берди. Муслим ота хайрлашишни ҳам унутиб, ҳайрон бўлганича қолаверди.

Одатдагидек, чойхўрларга яна қизиқ мавзу топилди. Йигитни ўтган сафар учратганлар: «Омади чопган йигит экан», «Мард йигит экан» деб фикр юрита бошладилар, айримлари эса бу «мўъжиза»нинг маъзини чақолмай чакка қашиб қолдилар.

Яқинроқдаги сўрида газета титиб ўтирган тепақал киши отадан сўради:

— Ота, бу йигитни қаердан танийсиз?

— Бир куни озгина пул қарз олиб кетган эди, шуну бериб ўтай деган экан.

— Қўлингиздаги китобни кўрайлик-чи?

Муслим ота китобчани варақлаб, ундаги расмга кўзи тушдию «Э-ҳа!», деб юборди. Китобдаги расм боғи нотаниш йигитнинг сурати эди.



Расми Т. Саъдуллаев чизган.

Йигит ийманибгина юриб келиб, самоварчи чолга салом берди.

— Келинг, меҳмон, — деди чол салом-алиқдан сўнг меҳмонга разм соларкан. Чолнинг нуруний чеҳрасидан хушфёъллиги сезилиб турар, кўксидаги ордени унга салобат бахш этиб турар эди. — Кўк чой ичдиларми ёки қора чой бўлсинми?

— Раҳмат, отахон, менга... — дея тугилиб қолди йигит.

— Айтаверинг, сира тортинманг, ўғлим, қандай хизматлари бор эди?

Йигит ўнғайсизланди:

— Биласизми, гапнинг очиги,

га командировкага келган эдим, автобусдан тушсам, ҳамён йўқ — бирор жойда тушиб қолгандир-да... Орқага қайтиб бораёй десам, автобусдан қолиб кетаман, — у бекатда қўзғалишга шайланиб турган автобусга ишора қилди.

— Ҳеҳкиси йўқ, қанча керак? — сўради чол мулозим товушда.

— Ўн сўм кифоя қилади. Уйга етиб олсам бўлди, чақиртиришган экан.

— Тинчлик эканми ишқилиб?

— Шуну билолмадим-да. Хафа бўлмайсиз, гаровга соатимни ташлаб кетаман, — йигит билагидаги «электрон» соатини еча бош-

риб эндигина қўзғалаётган автобусга чиқиб олди.

Муслим ота йигитнинг ортидан қараб қолди. Сўнгра орқасига қайтаётган эди, ёғли паловдан кейин аччиқ кўк чой ичиб ётган меш қоринли киши гап қотди:

— Ака, бу ҳаммага ўн сўмдан бериб юбораверсангиз, уйингизни қаердан топасиз?

Кинояли гап отган бу кишининг исми Саттор бўлиб, қайсидир ташкилотда омбор мудир бўлиб ишлар, куннинг асосий вақтини шу чойхонада ўтказар эди.

— Э-э... Сатторвой, одамгарчилик ҳам қилиш керак-да, — деди

САНЪАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ

Унутилмас
сиймолар

...Олим ака болалик чоғларида отаси — Махсумхўжа ҳикояларидан Низомий, Навоий, Фузулий, Бобур, Муқимий, Фурқат каби Шарқ классикларининг асарларини, уларнинг таърифини эшитар эди. Бу уни бадий ижодиёт дунёсига олиб кирибгина қолмай, унда ижодкор бўлиш орзусини уйғотади. Бухоро билим юртида ўқиб юрган даврида шеърят бобида машқлар қилади, драма тўғрагининг фаол аъзоларидан бири бўлади.

1929 йилнинг ёз фаслида Ҳамза номли театр Бухорога гастролга келади. Ушанда Маннон Уйғур ҳаваскорларнинг ижрочилиқ маҳоратини кўрар экан, айниқса Олим Хўжаевнинг сахнавий жозибаси, маъноли ва нафис ҳаракатлари, талаффузининг равозлиги ва музикчилиги, чинакам истеъдодлилиги устоз режиссёрнинг диққатини тортади. Уша куниёқ М. Уйғур Олим Хўжаевни театрға ишга таклиф қилади...

Уттизинчи йилларнинг дастлабки даври Олим ака учун доимий изланишлар, актёрлик маҳоратининг шаклланиши даври бўлди. Уша кезларда ёш санъаткор бирин-кетин турли характерга эга образлар яратади. Уларнинг сахнавий талқини, бадий даражаси Олим Хўжаевнинг характерли роллардан кўра, интеллектуал йўналишдаги кишилар образини яратишга кўпроқ мойил эканлигини яққол кўрсатади. Гамлет, Навоий, Ҳамза, Карл Моор, Юлий Цезарь, Солихбой, Акбархўжа, Аленде, Хўжа Ахрор каби образлар бунинг ёркин далилидир. Олим Хўжаевнинг юксак ижрочилик талантини туфайли бу образлар ўзбек совет театр тарихига алоҳида зарварақ бўлиб кирди.

Масалан, Гамлетни олайлик. Гамлет Олим Хўжаев талқинида — отасининг қотили Клавдийдан ўч олишга отланган шахс эмас, балки одамлар орасида йўқолиб бораётган адолатни, ҳаққониятни, самийий инсоний муносабатларни тиклашга бел боғлаган олижаноб калб эгасидир. Гамлет — Хўжаевнинг фикр юриштишларидаги жўшқин эҳтирос ва улғурлик, кишиларга бўлган муносабатда ва ўз мулоҳазаларини ифода этишдаги ўзига хос нафислик ва олижаноблик, ҳаракатларидаги вазминлик ва соқиллик унинг юксак инсоний фазилатларидан далолат беради. Томошабин Олим Хўжаев ижросидаги Гамлет киёфасида ўз замонидаги ижтимоий зиддиятларни чуқур мушоҳада қилган файласуфини, зўравонлик, қабохат ва разолатга қарши дадил бош кўтарган гуманистни, маънавий дунёси бой, шоиртабиат жасур инсонни кўради.

1939 йилдан 1966 йилгача



Олим Хўжаев талқинида узлуксиз ижро этиб келинган Гамлет образи, санъаткорнинг инсон кадр-қиммати ва ҳуқуқи учун, адолат учун жонбозлик қилган инсонпарвар кишилар ва мутафаккирлар образини яратилишига мустаҳкам замин тайёрлади. Шундай сиймолардан бири — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий образидир.

— 1921 йилда, — деб ҳикоя қилган эди Олим Хўжаев, — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз труппаси билан Бухорога келди. Унинг ташаббуси билан Арк олдидаги катта майдонда халқ сайиллари уюштирилди... Мен ушанда ўн бир ёшда эдим. Ҳамза томоша бошланиши олдида залдагиларга қарата нутқ сўзлади, нутқига инқилобий шеърларини улади... Ушандаёқ Ҳамзанинг ташқи киёфаси, сергайрат ҳаракатлари, оташин сўзлари, нотикчи маҳорати, жўшқин, шoirона табиати, инқилобий эътиқоди, хатто эғнидаги либослари ҳам хотирамга сингиб қолган эди...

Шунинг учун бўлса керак, Ҳамза образи 1940 йилда Олим Хўжаев ижросида ўзининг гоят жонли ва тўлақонли ифодасини топди. Актёр спектаклда Ҳамзанинг сер-

кирра характерини сахнама-сахна очиб боради. Миллатчи Назирий билан бахслашув сахнасида у Ҳамзанинг юксак гражданлик ва затаппарварлик туйғуларини намойиш этса, мозор сахнасида унинг маърифатпарварлиги, динга, бидъатга қарши чексиз нафратини акс эттиради; ёки кишлоқ Совети мажлисида актёр ўз қаҳрамонини коммунистик партиянинг содиқ ва жангозар вакили сифатида талқин қилса, халқ билан ўтадиган бошқа сахналарда меҳнаткаш омманинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси тарзида гавдалантиради. Шунинг билан бирга санъаткор Ҳамзанинг ижодкорлигини, унинг гуманист шoir ва инқилобнинг оташин куйчиси эканлигини бутун спектакль давомида тўлдириб, ёркин акс эттириб боради.

1960 йилда «Узбекфильм» киностудияси суратга олган бадий фильмда ҳам Олим Хўжаев Ҳамзани ижтимоий-психологик образ даражасига кўтаришга муваффақ бўлди. Актёр, сахнада бўлганидек, экранда ҳам ўзининг бутун маҳоратини, билимини, идрокни Ҳамзанинг илғор қарашлари, эскилик сарқитларига шафқатсизлиги, ўта халқпарварлиги, те-

ран ижоди, ақл-заковати ва олижаноб инсоний фазилатларини очиб боради.

Олим Хўжаев Ҳамзани шунчаки янги социалистик ҳаёт тарафдори, унинг оташин куйчисигина эмас, балки меҳнаткаш оммани эски дунёга қарши курашга даъват этган совет тузумини қуришга, мустақкамлашга отланган раҳнамочи сифатида талқин этади. Шунинг учун ҳам актёр ўз қаҳрамонининг реакция кучлар томонидан фожиали ўлдирилишини воқеалар давомида мантиқан тайёрлаб боради. Актёр ижросида Ҳамзанинг охириги сўзлари, хусусан спектаклда, шу қадар маънодор ва татсиричан жаранглайдики, бу овоз томошабин қалбига сингиб кетади. Бу ҳол образга оптимистик рух бағишлаб, Ҳамзанинг абадий барҳаётлигини намойиш этади...

Олим ака Маориф билим юрти ҳаваскорлик сахнасида улғур Навоийнинг дostonларидан парчалар ўқиган дамларда ўзини хаёлан Алишер Навоий образида ёхуд унинг қаҳрамонлари киёфасида хис қилар эди. Ешликда бу шунчаки ҳавас бўлган. Аммо, 1949 йилда бу ҳавас ҳақиқатга айланиб, маълум даражада Алишер Навоийнинг жонли сиймосини яратишида актёрга ёрдам берди.

«Ижодимга, халқимга!» — драма охирида Навоийнинг Хусайн Бойқаронинг саволига берган бу қисқа жавоби, Олим Хўжаевга Навоий образини талқин қилишда асос бўлган, деб ўйлаймиз. Чунки томошабин спектакль давомида Навоий тимсолида ҳаётга чинакам ижодкор кўзи билан қараган, инсоннинг порлоқ келажигига ишончини ўз асарларида жўшқин эҳтирос билан қуйлаган, ҳатто давлат ичдаги ижтимоий зиддиятларни, халқ ва сарой ўртасидаги низоларни зўравонлик, қон тўкиш йўли билан эмас, ақл-идрок кучи билан бартарф қилишга уринган жасур инсон, улғур мутафаккир, улкан адибни кўради. Олим Хўжаев Навоийнинг инсоний, ижтимоий ва ижодий фазилатларини унинг шoirлик сиймоси орқали очиб берди ва томошабин кўз олдида ҳам у яратган образ асосан улғур шoir сифатида гавдаланди.

Олим Хўжаев воқеалар жараёнида образни ривожлантириб бориб, унинг ички ва ташқи киёфасидаги ўзгаришларни изчил ифодалайди. Спектакль бошида Навоий бамайлихотир, беозор, вазмин, кўзлари чуқур ўйга чўмган, ҳаракатлари бардам. Спектакль охирида эса, Навоий сахнада пайдо бўлганида, қаршимизда соч-соқоли оқарган, юзидаги ажинлар чуқурлашган, одимлари ҳоргин ва секин, чехраси бир қадар ғамгин, қомати букчайган,

хассага таянган нуруний кишини кўрамай. Унинг кўзларида илгари чакнаб турган ўт кўринмайди, озои ҳам қандайдир хаста. Аммо ундан доимо ақл-заковат, сиполик, юксак маданият, маънавий гўзаллик, олижаноблик нурлари балкиб туради. Гарчи спектаклнинг сўнгги пардаси фожиали бўлса ҳам, томошабин қалбини ўқситмайди. Олим Хўжаевнинг бир лаҳзали ҳаракати киши руҳини кўтариб юборади... Навоий — Хўжаев ижодини, халқини тилга олганда, ундаги маъволик йўқолиб, чехрасида илиқ табассум, кўзларида эса севинч пайдо бўлади... У коматини ростлаб, секин-асета қадам ташлаб халқ томон йўл олади...

Ҳа, Олим Хўжаев ўзининг юксак ижрозчилик санъати билан сахнамизда улуг шоирга жонли ҳайкал ўрнатди. Навоий образи учун Олим Хўжаевга СССР Давлат мукофоти берилди.

Эллингичи ва олтишинчи йилларда Олим Хўжаев спектаклларда ўйнаб роллар ижро этди. Саттор («Юрак сирлари»), Чжан Гун («Май тўкилди») Карл Мур («Қароқчилар»), Нолинакка («Ганг дарёсининг қизи»), Полторацкий («Йўлчи Юлдуз»), Астров («Ваня тоға») каби образлар Олим Хўжаевнинг ижодий камолот чўкқиларига кўтарилишда ҳар бири алоҳида муҳим поғона бўлиб хизмат қилди. Улардан бири 1960 йилда яратилган профессор Комилов («Имон») образидир.

Агар Йўлдош Комилов билан Олим Хўжаевнинг ижтимоий фаолиятини сиңчиқлаб кўздан кечирсак, коммунист олим билан коммунист санъаткорнинг яшаган ҳаёти, босиб ўтган меҳнат йўли, дунёқарши, коммунистик этиқоди, олижаноб одамий фазилатлари, ахлоқий принциплари, тенгқурлиги, хуллас кўп жиҳатдан бир-бирига ғоят яқинлигини кўриш мумкин.

Образ билан актёр ўртасидаги уйғунлик, Олим Хўжаевнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни қалбдан чуқур ҳис этиши, санъаткор сифатида республикамиз маданияти, миллий театр санъатимизнинг тараққиётида бевосита иштирок этиши, зиёлиларимиз психологиясини яқиндан билиши — сахнада Комилов тисолида замондош зиёлиларимизнинг типик образини ҳаққоний яратишига

имкон берди. Бу ерда шунга таъкидлаш зарурки, Олим Хўжаевнинг актёрлик маҳоратигина эмас, балки ҳаётий тажрибаси, теран тафаккури, билими асарда берилган адабий манбани янада чуқурлаштирган. Бу эса, Комилов образини тоғ маиший ва миллий доирадан кенг миқёсга олиб чиқиб, ундаги чин совет кишиларига хос ажойиб фазилатларини томошабин кўз олдида янада бўрттириб гавдалантиради. Шунинг учун ҳам Комилов сахнада пайдо бўлганда ўзининг олижаноб, нуруний ташқи жозибаси билангина эмас, маънавий гўзаллиги, пок ва жўшқин қалби, ҳаётсеварлиги, адолатпарварлиги билан кишини мафтун қилади.

Олим Хўжаев ижодий қаҳрамонлар образи билан бир қаторда турли салбий типларнинг характери, уларнинг ижтимоий моҳиятини ҳам чуқур очиб берди. «Сепсиз қиз»даги бағритош, тақаббур ва олифта Паратос, «Мешчанлар»даги худбин ва кўроққ Пеър, «Шарқ тонги»даги мусулмон қиёфасида халқимиз кўйнига илондек кириб олган инглиз жосуси Салоҳиддин, «Қулгун кон»даги меҳнаткаш халқнинг қонини канадек сўрган Мирзақаримбой, «Бой ила хизматчи»даги шаклланган миллий буржуазиянинг ёрқин кийли бўлмиш Солиҳбой, «Инқилоб тонги»даги бойлик, олтин ва ўз жонини сақлаб қолиш учун ҳар қандай хиёнатга тайёр турган Акбархўжа, «Фарзандлар» фильмидаги кўрбоши Давронбек, «Улугбек» фильмидаги реакцияч кулларнинг ашаддий тарғиботчиси Хўжа Аҳрор каби образлар шулар жумласидандир. Улар орасида айниқса Яго ва Юлий Цезарь образлари ўзининг чуқур ва оригинал талқини билан алоҳида ажралиб туради. Олим Хўжаев учун бу хилдаги образларни яратишдан мақсад — инсон ҳаётида мавжуд бўлган ярамас иллатларнинг ижтимоий илдиэларини топиш, уларни юзага чиқариб, аямай фож этиш, жамиятда гўзалликни, эзуликни, адолатни, инсон табиатига мансуб фазилатларни улғурлаш ва мустаҳкам қарор топтириш бўлди.

Олим Хўжаев учун қайси йўсиндаги образ бўлмасин, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, санъаткорнинг ижодий таби-

атиға мос келса бўлгани эди. У яратган ҳар бир образ томошабин хотирасида, албатта из қолдиради. Олим ақанинг актёр сифатида ижодий фазилати ҳам ана шунда эди. У денгизга шўнгини марварид олиб чиққандай, образнинг ич-ичига кириб кетади, унга жон бағишлайди, томошабин учун ғоят зарур бўлган жиҳатларини гавдалантиради. Кирил Лир, Матис Клаус, Сальвадор Альенде... Кейинги йилларда яратилган бу образлар Олим Хўжаев актёрлик маҳоратининг янги-янги қирраларини очиб, ажойиб санъаткор илгари яратган шох образлари қаторидан муносиб ўрин олди. Кирил Лир образини яратишда юксак маҳорат кўрсатгани учун Олим Хўжаев Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Олим Хўжаев режиссёр сифатида ҳам театр санъатимизнинг ривожига маълум ҳисса қўшди. У «Май тўкилди», «Абу Райхон Беруний», «Инқилоб тонги» каби қатор спектакллари сахналаштирди. Болгариянинг Хасково шаҳридаги давлат театрида «Бой ила хизматчи» драмасини муваффақиятли қўйди.

Улкан санъаткор режиссурада ҳам, асар қайси даврдан олинганидан қатъи назар, уни шу кун руҳига яқинлаштиришга, ҳозирги замон нафаси билан сурришга, томошабин диққатини тортадиган муаммоларни чуқурлаштиришга интилди. Шунинг учун бўлса керак, масалан, «Инқилоб тонги», «Абу Райхон Беруний» спектакллари, мана, ўн йилдан кўпроқ вақтдан буён Ҳамза номи академик драма театри сахнасида тушмай, томошабинларга эстетик заъқ бағишлаб келмоқда. Бу спектаклларнинг сахнада узок умр қўришини сабабларидан ана бири шундаки, Олим Хўжаев уларни сахналаштиришда, тарихий-биографик асарларни яратишда режиссурада шаклланган бадиий анъаналарни чуқурлаштириш билан янги ижодий кашфиётлар қилди. Чунончи, образларнинг гоёзий талқинида, мезансценаларни кенг қўламли ва мазмунли ҳал этишда, даврнинг ижтимоий руҳи ва миллий оҳангини тарихан тўғри фойдалашда, сахнада тежамли ва маънодор ҳаракатни, фаол фикрнинг ҳосил қилишда бор имкониётлардан ғоят унумли фойда-

ланган. Шунинг билан бирга, Олим ака аввалги спектаклларга хос маишийлик ва сусткашлиқдан, ортикча лиризм ва шоирона ифодалилик, чўзиқликдан узоклашган. Мазкур спектакллари яратишда Олим Хўжаев уларни кўпроқ публицистик йўсинда ҳал этишга, асар динамикасини кучайтиришга, бу ўринда оддийлик ва шартлилик принципларига, рамзий ифода воситаларига амал қилишга интиланган. Бу ўзгача талқин, ўзгача услуб ҳам социалистик реализм ижод неғизларига асосланган. Олим Хўжаевнинг режиссурадаги ижодий изланишлари тўғрисида «Инқилоб тонги» спектакли 1976 йилда СССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлди.

Олим Хўжаев ижод билан биргалликда, жамоат ишида ҳам фаол қатнашди. У Ўзбекистон Компартиясининг XVII, XVIII ва XIX съездларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг VI, VII, VIII ва IX Чакириқларида эса Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди. У 1955 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Театр жамиятининг Раиси, 1963 йилдан эса адабиёт ва санъат соҳаси бўйича Ленин ва СССР Давлат мукофотлари Комитетининг Президиуми аъзоси сифатида ишлади. Ўзининг коммунистик этиқоди, юксак граждандлиги, улкан истеъдоди, мазмундор ижодини халқ хизматига бағишлагани, ўзбек сахнасида реалистик принципларнинг қарор топишида, кўпмиллатли совет театрининг ривожланишига қўшган катта ҳиссаси учун Олим Хўжаев Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Хурмат белгиси орденлари ва СССР медаллари билан тақдирланди. 1959 йилда унга СССР халқ артисти деган юксак унвон берилди.

Олим Хўжаев ижодий маҳорат чўкқисига эришган даврда, ижодининг гуллаган пайтида 67 ёшида дунёдан ўтди. Лекин унинг театр санъатида қолдирган тарихий изи сира ўчмайди. Олим Хўжаевнинг баркамол ижоди барҳаётдир. У яратган улкан образлари билан ўзига абадий ҳайкал ўрнатиб кетди.

Фрунзе ЖўРАЕВ,
санъатшунослик кандидати.

ТУПРОҚДАН ЗАР УНДИРИБ...

Наманганлик Абдуфаттоҳ Қозоқов бундан ўн йил муқаддам бир гуруҳ юрдоқлар билан Қарши чўлини ўзлаштиришга отланган эди. Ана шу йиллар ичида у ўз ҳалол меҳнати билан янги жойда обрў-эътибор топишга ҳаракат қилди. Ушандан бери Нишон районидagi Усмои Сўпунов номи совхозда меҳнат қилиб келаётир. Унинг мазкур хў-

жаликда пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаётганига ҳам беш-олти йил бўлди. У эрта баҳордан то кеч қузгача вақтини далада ўтказди. Чигит экиндан тортиб пахтага йнгиб-териб эл хирмонига топширмагунича кўнгли тинчмайди. Бригадаси аъзоларини ҳам яхши гап, ўрнили маълаҳат билан ишга даъват этади. Моҳир пахтакор етакчи-

лик қилаётган коллективнинг ўтган йилги кўрсаткичи ҳам кўнгиладгидек бўлди: 35 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга плавдаги 31 центнер ўрнига 41 центнердан янгиғача толали пахта етказиб берилди. 41 центнер! Биз учун бу — оддий рақам. Уни айтиш ҳам, ёзиш ҳам осон. Бироқ, бу рақам замирини фидоикорлик билан қилинган қанчадан-қанча меҳнат ташкил этади.

Йқинда бригадир совхоз директори Бердир ака Дўстмуродов олдиға кириб гўза қатор оралярига ишлов берадиган култиваторларни олти қаторли қилиб асамоқчи эканлигини айтиди, бу

ишда ёрдам беришларини сўради. Директор бу тақлифдан қувониб:

— Сиз ёрдам сўрайсизу биз йўқ деймизми? — деди. — Ҳозироқ бош ижнерга айтаман. Сизга нимаки зарур бўлса топиб беради...

Совхоз партия ташкилотининг секретари Малик Едгоров билан сўхбатлашарканмиз, у Абдуфаттоҳ Қозоқов ҳақида шундай деди:

— Совхозимизда ана шу кишидек асл деҳқонлар борлиги билан фохрланамиз. У бошлиқ коллектив бу йил ҳам 60 гектарлик майдонда мўл пахта ҳосили еттиштириш учун бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда.



Гўзаларининг авжи баланд, бўлиқ ҳосил тўпламоқда. Намангандан Қарши чўлини обод қилиш ияғти билан келган Абдуфаттоҳ Қозоқовга ўхшаган ватанпарварлар фойдали меҳнатлари билан бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Жўра БОБОРАҲМАТОВ
Нишон райони

КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

Тозабой
ЖУМАТОВ

(К. Икромов ижоди ҳақида баъзи мулоҳазалар)

КОМИЛ Икромовнинг илк ҳикояси Москвада, «Здоровье» журна-лида эълон қилиниши билан ўқувчилар эътиборини тортиди. Дарҳақиқат, ҳикоя-нинг бош қаҳрамони ҳамшира Валя Пугачёвнинг руҳий изтироблари анча ишонarli тасвирланган. Айниқса, ҳамши-ранинг кекаси Мираҳмад билан қилган муомала ва муносабатла-ри ўқувчиларда илиқ таассурот қолдиради. Гап шундаки, Мираҳ-мад ўта мутаассиф кимса. Оғир касал бўлиб қолганда ҳам ёнига ҳамширани йўлатгиси келмайди. Лекин Валя ўз гражданлик бур-чини сидқидилдан ўтайди. Ми-раҳмадни даволайди. Шу тариқа бемор қалбда унга ва умуман одамларга нисбатан янгича муно-сабат пайдо бўлади.

Комил Икромов илк ҳикояла-рини ёзар экан, биринчи ўзбек миллий дивизиясининг команди-ри Миркомил Миршаропов обра-зини яратишни орау қилади. Мир-

шароповнинг ҳаётини чуқур ўр-ганиш мақсадида уни билган, бирга ишлаган одамларни излашга ки-ришади. Гражданлар урушининг қаҳрамони Совет Иттифоқи Мар-шали С. М. Будённый билан учрашади. Айниқса, Миршаро-повнинг рафикаси ва гражданлар урушида Миршаропов командир-лик қилган дивизиясининг штаб бошлиғи З. Горевларнинг ҳикоя-лари ёш адибда чуқур таассурот уйғотади. Комил Икромов узоқ вақт Тошкент ва Москва архивла-ри, манбалари асосида граждан-лар уруши даврининг долғали ҳаётини чуқур ўрганди. Натига-да бой фактлар йиғилди. Бўла-жак адиб улар воситасида граж-данлар урушининг муайян манза-расини беришга интилди. Дастав-вал асарни шартли равишда «Адолат» деб атади, лекин кейин-чалик сюжет ва конфликтнинг характери йўналишидан келиб чиққан ҳолда, унинг номини «Карвон ўтар, из қолар...» деб ўзгартирди.

Адиб ижобий қаҳрамонлар тас-вирида ҳаётини бўёқларни меъри билан ишлатади, салбий қаҳра-монларни қаламга олганда, улар-ни қора бўёқлар билан чап-ла ташламайди. Бу фазилат айниқса, Миркомил Миршаропов ва Жунайидхон образларида ўз ифодасини топган. Комил И-кромов ўз қаҳрамонини турли

ҳолатлар ва шароитларда тасвир-лайди. Биз уни гоҳ душман билан рўпара турган ҳолда, гоҳ ёлғиз қолган кезлари, гоҳ бола-лар билан мулоқат қилиб турган ҳолда учратамиз. Ва шу тари-қа кўз ўнгимизда Миркомил Миршаропов сиймоси ёрқин гал-даланади. Энг муҳими, қиссада Хоразмда мавжуд ижтимоий-сиё-сий аҳвол, халқнинг урф-одатла-ри ва икки бир-бирига қўшни туркман ва ўзбек амалдорлари-нинг халқни эзиши-талаши ҳам реалистик картиналарда гавда-лантирилган.

Комил Икромов «Карвон ўтар, из қолар...» қиссасига фактлар тўплаб юрган чоғида Хивага ҳам борди. Бўш вақтлари Хиванинг тарихий ёдгорликлари билан та-нишди. Айниқса, Паҳлавон Мах-муд мақбараси уни ҳайратга солди. Паҳлавон Махмуд ҳа-қида бир-бирдан қизиқ ҳикоя-лар эшитди. Шу тариқа бола-ларга мўлжалланган Паҳлавон Махмуд ҳақидаги «Махмуд дор-боз» қиссаси майдонга келди.



Таниқли болалар адиби Сергей Михалков Комил Икромовнинг ижоди ҳақида сўз юритиб, шун-дай деб ёзади: «Унинг асарлари-ни ўқиганда, беихтиёр Аркадий Гайдар қаҳрамонлари эсга туша-ди. Бу ҳодисанинг туб сабаби шундаки, Комил Икромов ҳам Аркадий Гайдар сингари ўз

асарларида халқлар дўстлиги, пролетар интернационализи, ре-волюциянинг бой ва қудратли руҳи, ёш авлод вакиллари-нинг ажойиб қаҳрамонлигини тўлиб-тошиб қуйлайди».

Ҳа, адибнинг «Ўқчи кўчаси», «Юмалок муҳр», «Пиёда кўши-лар капитани» сингари қатор асарлари бу фикрни тасдиқлайди.

Комил Икромов ўз отаси — Акмал Икромовнинг ҳаёти ва иж-тимоий фаолияти ҳақида китоб ёзишни ният қилади. Шу мақ-садада у яна архивлар ичига шўнғийди, материаллар йиғади. Шу жараёнда отасининг болали-ги ўтган «Ўқчи» кўчаси ва ўша маҳаллада ўсган болалар ҳақида қисса ёзиш истағи туғилади. «Ўқ-чи кўчаси» қиссаси 1967 йил нашр қилинди ва Инкилоб-нинг 50 йиллиги арафасида бола-ларга ёзилган энг яхши асарлар учун Бутуниттифок конкурсида махсус мукофот билан тақдир-ланди.

«Ўқчи кўчаси» қиссаси қаҳра-мони Толибнинг отаси марди-корликка олинади, онаси бевақт оламдан ўтиб, у узоқ қариндо-ши Юсуф тоғасининг қаровига олинади. «Унинг Юсуфнинг ўзи беомад, насаяга мол олиб, устига арзимас фойда қўйиб, шунинг эвазига зўрра кун кечирарди. Яқинлашиб келаётган революцион вазиятни ҳам тушунмайди. Хуллас, у ома-



Янгийўл районидаги Усмон Юсунов номли Аграр-саноат бирлашмасининг боғдорчилик бригадаси бошлиғи Одил Абдурахмонов олма ҳосилини кўздан кечирмокда.

Олмадан мўл ҳосил етиштирилди.

А. Жумаев фотолари

дини синаб кўриш мақсадида маҳалласидаги Усмонбойнинг майда-чуйда товарларини насияга олиб, Толиб билан бирга Бухорога раважа бўлади.

Толиб зехни ўткирлиги туфайли ҳар нарсага қизиқади. У Бухорога жўнашдан олдин Тошкентда революционер Фёдор Пшеницин билан танишиб қолади.

Толиб тоғаси Юсуф билан Бухорода ҳар қадамда ҳаёт қийинчиликларига дуч бўлади. Катта савдогар Зарифхўжанинг ёрдами билан ака-ука савдогарлар Зиёдулла ва Ширинбойларга йўлқади. Лекин бу савдогарлар тоға-жян — Юсуф билан Толибга тузуқкор ёрдам қилишмайди. Маҳалласидаги камбағал болаларни хат-саводли қилиш ниятида юрган янги таниши Носир муаллим ва унинг ўғиллари қатори Юсуф ҳам Бухоро амирлигида ҳўкм сурган мустабидлик курбони бўлади.

Тоғасидан ажралган Толиб Бухоро амирининг қамоқхонасида тушади, ундан кочиб қутулмоқчи бўлганда янги топган ошнаси бераҳм девонанинг алдаси билан бутун Бухорони айлаиб тиланчилик қилади. Ниҳоят, тинка-мадори қуриб, бутунлай қолдан кетган Толибни паровоз машинисти учратиб қолади. У Толибга ёрдам қўлини чўзади, унинг ўз она шаҳрига қайтишига ёрдам беради. Узоқ машаққатлардан сўнг Тошкентга етиб келган Толиб Фёдор Пшеницинни излаб топади. У ўқчи маҳалласидаги Усмонбой ва унинг гушаштаси Раҳмонқул миршабнинг кирдикорлари ва айқоқчиликларини Фёдор Пшеницинга айтиб беради. Толибнинг ёрдами туфайли Усмонбой билан Раҳмонқул миршаб қўлга олинади.

Қиссада Толибнинг саргузаштлари қизиқарли ҳикоя қилинади. У доимо отаси — Сатторни излагани-излаган. Падарини топиш мақсадида Москвага йўл олади ва у ерда бутунлай янги-ча оламга дуч келади. Рус киши-

лари — Иван Мухин, Викентий Петрович Закудовский ва унинг қизининг меҳрибонлиги, ёрдами туфайли отасини Туладан топишга муяссар бўлади.

Ёзувчининг «Юмалоқ муҳр» қиссаси «Ўқчи кўчаси»нинг бевоқифта давоми сифатида майдонга келди.

«Юмалоқ муҳр» қиссасини ёзишда, — деб ҳикоя қилади Комил Икромов, — қаҳрамонларининг прототиплари ёрдамга келди. Масалан, қиссанинг қаҳрамонларидан бири Содиқни олиб кўрайлик. Бу образни яратишда ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, Физика институти директори Содиқ Азимович Азимовнинг таржимаи ҳоли кўз ўнгимда турди. Зокир образини яратишда республикада машҳур онколог врач Зокир Раҳимов, Эсон образини беришда кинорежиссёр Эсон Каримовларнинг ҳаёти қўл келган. Уларнинг исмларини олган, ҳаёт йўлларига таянган бўлсам ҳам, лекин бадий тўқимадан фойдаландим. Мени қизиқтирган нарса сюжет қуриш йўли эмас, балки характерларнинг тобланиши масаласи бўлди.

Асар қаҳрамони — пиёда қўшинлар капитани Николай Фёдорович Ельцовни декабристлар билан алоқа қилишда айблаб, қамоққа олмоқчи эдилар. Лекин буни сезиб қолган капитан Ельцов кочади ва чўлда қароқчилар қўлига тушиб, Хива хонлигига қул сифатида сотилади. Бу унинг маънавий оламига кескин таъсир қилади, албатта. Ельцов Хива хонлиги қўл остида рус асирлари борлигини кўради. Сарой ошпази Анна Васильевна Кастина, хоннинг хос кўрикчиси Фёдор Грушин ва хоннинг жаллодларидан бири ҳисобланган Андрей Иванов шулар жумласидандир.

Ельцов хоразмликларнинг урф-одатларига ва ҳаёт тарихига қизиқиб қарайди. Ҳарбий ва сиёсий билим эгаси бўлган Ни-

колай Федорович Ельцовнинг атрофида суҳбатдош дўстлари, шогирдлари пайдо бўла бошлайди. Улар оддий мисгарнинг ўғли Азим, мингбошининг ўғли Шерали ва мулланиннг ўғли Юсуфлардир. Шерали, Юсуф ва Азим Ельцовдан рус тилини ўргана бошлайдилар, шу билан бирга Россия ҳақида ва у ердаги халқлар ҳақида қизиқ ҳикоялар эшитдилар. «Россия Давлати тарихи» китобининг Николай Фёдорович Ельцов томонидан ўқиб берилиши уларда айниқсан катта таассурот қолдиради.

Шерали, Юсуф ва Азим Ельцов билан алоқа қилиб юрганлигини сезиб қолган хон гушашталари бу ўспиринларни хоинликда айблади. Лекин ёшлар барибир Николай Фёдорович Ельцовни Хива хонлиги қуллигидан қочиршига муваффақ бўладилар.

Комил Икромов ўша даврда Хива хонлигида ҳўкм сурган ижтимоий тузумни бутун мураккабли билан тўлалигича очишга интилган. Чор Россияси билан Хива хонлиги орасида мавжуд алоқаларни ҳаққоний тасвирлаб берган.

Комил Икромов ижодий миқёси кенг ёзувчидир. Унинг турли ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий масалаларга бағишланган, ўзининг публицистик руҳи билан ажралиб туривчи асарлари ҳам анча. Шу хуёсуият адибнинг республикамиз пойтахти Тошкент аэропортининг кундалик ҳаёти, Хоразмнинг маркази Урганч ҳақида ва ниҳоят кўҳна ва навқирон Хоразмнинг ўтмиши ва хозирги кунни тўғрисида ҳикоя қилувчи «Тумор» китоби учун ҳам хосдир.

Адибнинг «Ер мағзи» деб номланган очерклар тўпламида бу-гунги қишлоқларимиз ҳаёти, унинг одамлари ва олдинга сурилаётган муҳим масалалар хуёсуида ҳикоя қилинади. «Қўлимиз кўксимизда» очеркида ўқитувчиларнинг инқилобгача ва ундан кейинги тинимсиз изланиши самарқандлик Мирзахў-

жа Уринхўжаев ҳаёти мисолида, инкилоб давридаги курашлар янгийўллик Бобоҳон Тошматов умр йўли тимсолида, Улуг Ватан уруши жасоратлари Совет Иттифоқи Қаҳрамони янгийўлик Абдулла Қурбонов таржимаи ҳоли асосида, социалистик жамиятга хос афзалликлар оддий ўқитувчиликдан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти даражасига кўтарилган Иброҳим Мўминов сиймоси востисаида очиб берилди.

Комил Икромов узоқ йиллар давомида «Наука и релегия» журналининг адабиёт ва санъат бўлимини бошқарди. Журналда ишлаб юрган пайтларида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлди, янги одамлар билан, турли қардош ўлкалар тарихи билан танишди.

Бу сермахсул адиб Комил Икромовнинг асарлари асосида «Қизилқум», «Эски устанинг насихатлари», «Хоразм афсонаси», «Комила» фильмлари суратга олинган.

Комил Икромов ўз ижодий фаолиятини театр санъати билан ҳам боғлаган. Адибнинг «Ҳаво хўжуми», «Биз яна ерга қайтасак», «Эслаёлмайман», «Унинг галабаси», «Оқ байроқ» каби драмалари мавжуд.

Адибнинг ижодий фаолияти вақтли матбуот билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Уни гоҳо «Правда» газетаси саҳифаларида очерк ва мақолалари орқали учратасиз, баъзан эса «Советский спорт» газетасида, «Наука и релегия» журналинда ҳикояларини ўқийсиз.

Хуллас, Комил Икромов янги инсон характерини бадий, ҳаққоний тасвирлаб бериш йўлида муттасил изланмоқда. Истаймизки, бу изланишлар, гоёяий-бадий камолот йўлида Комил Икромов янги-янги довоулар ошин ва зафарлар қучсин, халқимиз меҳрига сазовор бўладиган яна кўпдан-кўп баркамол адабий қаҳрамонлар яратсин.



Термиз ҳайвонот боғидаги йўлбарслардан бири тўртта болалади.



Мутахассислар йўлбарсчаларни кўриқдан ўтказмоқдалар.

И. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

АКСИЛИНҚИЛОБЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ

Афғонистонда юз берган Савр инқилоби халқ ҳаётида тубдан бурилиш ясади. Камбағал деҳқонлар бағрига ҳам шамол теғди, кенг меҳнаткашлар оммаси революция галабаларидан баҳраманд бўлди. Бирок, мамлакатда юз бераётган улкан ўзгаришлар Афғонистоннинг ички ва ташқи душманларини талвасага солиб қўйди. Халқаро империализм ва регионал реакция Афғонистон Демократик Республикасига қарши эълон қилинмаган урушни бошлаб юбордилар. Уларнинг мақсадлари Афғонистондаги тармақлиқлар тузумни ағдариб ташлаб, эски феодализм тартибларини ўрнатидан иборатдир. Афғонистон Демократик Республикасига қарши эълон қилинмаган урушда афғон аксилқилобчилари империализм қўлида асосий қурол бўлиб хизмат қилмоқдалар. Бунинг эвазига улар океан ортидаги ҳомийларидан ва региондаги реакция кучлардан ҳар томонлама мадад олиб турибдилар. АҚШ, Австралия, Япония, «Умумий бозор» мамлакатлари ва бошқалар афғон аксилқилобчиларини гиж-гижлаб, уларни мабла ва қурол-яроғ билан таъминламоқдалар.

Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни АҚШ бошқариб турибди. 1981—1983 йилларда Қўшма Штатлар Афғонистонда янги тузумга қарши бош кўтарган ва қўшни мамлакатлардан бошпана топиб, революцион ўзгаришларга хуруж қилаётган каллақесар тўдаларга ёрдам тариқасида 300 миллион доллар ажратди. Сўнгги йилларда вашиントンдагиларнинг афғон аксилқилобчилари учун ажратган ёрдами миллиард доллардан ошиб кетди.

Бугунги кунда Афғонистондаги демократик тузумга қарши тиш қайраётган контрреволюцион уюшмалар анча кўп. Айрим маълумотларга қараганда, бундай муртадлар тўдаси 100 тадан ортади. Ана шундай аксилқилобчи тўдалардан бири — «Афғонистон ислом фирқаси»дир.

1976 йили Покистонда тузилган бу «партия» АДРдаги халқ ҳокимиятини ағдариш, Афғонистонда «ислом давлати»ни тузиш мақсадида халққа қарши жанг қилайти. Биргина шу «партия» каллақесарлари Афғонистонда 1749 та мактабни вайрон қилдилар. Шунга ўхшаш каланги-қасанги тўдалар ҳам фақат биригина мақсадни — Савр инқилобини бўғишни кўзлайдилар. Улар қишлоқларни талаб, мактабларни бузмоқдалар, янги тузум тарафдорларини, чоллар, аёллар ва болаларни ўлдирмоқдалар. АҚШ, Япония, Исроил, Покистон ва бошқа мамлакатлардаги реакция кучлари эса уларни қўллаб-қувватламоқда.

Хорижий давлатлардаги ҳомийлар «сахавати»дан руҳланган каллақесар тўдалар Афғонистондаги революциянинг дадил оидмларини тўхтатиб қолмоқчи бўлаяптилар. Халқ орасида душман деб ном орттирган босмачи отрядлари сафларидан ҳозир 200 мингга яқин киши бори. Покистон территориясида уя қўйган бу каллақесар тўдалар тиш-тирноғигача қуролланиб, ўз биродарларига ҳужум қилмоқдалар. Бунинг оқибатида Афғонистонга катта зарар етказилмоқда.

«Америка империализмининг қуроли ролни ижро этаётган Покистоннинг ҳарбий режими ва Эроннинг реакция доиралари, — деди Вабрак Кармал АХДП Марказий Комитети Сийёй бюросининг мажлисида, — аксилқилобчи босмачиларни қуроллантириб

ва уларни АДР территориясига юбориб, Афғонистоннинг ички ишларига очикдан-очик аралашшни давом эттирмоқдалар». Ҳақиқатан ҳам АҚШ Исломободнинг ҳарбий режими ҳомийлигида ташкил этилган ҳарбий лагерларда аксилқилобчи тўдаларни тузиш ва ўқитиб ўргатиш билан шуғулланмоқдалар. Покистон маъмури, шунингдек, афғон аксилқилобчи ташкилотларнинг бошлиқлари ҳам Покистон территориясидаги «афғон қочоқлари»га «Ғарбдан берилаётган ёрдам»нинг кенгайтирилишидан манфаатдор эканликларини яширмаяптилар. Чунки бу «ёрдам»нинг талайгина қисми «қочоқ» кўрбошилар ва уларга ҳомийлик қилаётган Исломобод амалдорларининг чўнтагига тушмоқда.

Лекин, АҚШ сиёсатдонлари АДРга қарши эълон қилинмаган урушни фақат пул ва қурол ёрдами билангина олиб бормаётдилар. Афғонистон Демократик Республикасига қарши идеологик ташвиқот ва ивгоарлик хуружини ҳам авж олдиришмоқдалар. Ғарбий Германия территориясида ишлаб бошлаган «Озод Афғонистон» радиостанцияси бунинг

Мафқуравий кураш жабҳаларида

яққол мисолидир. Американинг Марказий разведка бошқармаси пули билан ишлаб турган «Озодлик» ва «Озод Европа» сингари «Озод Афғонистон» ҳам ёлгон-ялғи ва бўхтон тарқатиш билан шуғулланмоқда.

Шуниси қизиқки, Савр инқилоби юз бергунга қадар ғарбдаги радиостанцияларнинг Афғонистонга эшиттириши кунига уч соатдан ошмасди. Ҳозир эса бундай эшиттиришлар ҳажми бир кеча-кундузда 700 соатга етди. Ғарбдаги бир қанча мамлакатлардан, АҚШдан, Эрон ва Покистондан, Форс кўрфазидидаги баъзи давлатлардан Афғонистонга қарши ивгоарлик ташвиқоти олиб борилмоқда.

Империализм ва реакция кучларининг хуружларига қарамай Афғонистон халқи Савр инқилобининг меваларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Камбағал деҳқонлар ер билан таъминландилар, уларнинг болалари демократик тузум мактабларида ўқимоқдалар. Саводсизликни тўлатиш бу мамлакатда жадал сурьатлар билан олиб борилмоқда. Демократик Афғонистон олдда турган муаммоларни ҳал қилишда Совет Иттифоқи ўзининг жанубдаги қўшнисига яқиндан ёрдам бермоқда.

Совет — афғон ҳамкорлиги кўп қиррали бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. СССР билан АДР ўртасидаги савдотик ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда. Иқтисодий ҳамкорликда қурилаётган объектлар эса Афғонистоннинг миллий экономикасини мустаҳкамлашга, мамлакатни ташқи иқтисодий қарамликдан халос қилишга, ашудай кенг табақаларнинг турмуш даражасини оширишга кўмаклашмоқда. Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан АДРда қурилган 170 дан ортиқ корхона янги Афғонистон учун ишламоқда. Пули Хумридаги темир-бетон бўмларни заводи, Жаркудук газ конлари комплекси, Балх, Жузжон,

Хирот ва Кобул вилоятларидаги машина-трактор станциялари, давлат хўжалик фермалари ана шулар жумласидандир. Амударё устига қурилган Термиз-Ҳайратон кўприги Афғонистоннинг иқтисодий ҳаёти учун катта воқеа бўлди. Ҳамкорликда тикланган бу кўприк мамлакатларимиз халқлари дўстлигининг чинакам рамзи бўлиб қолди.

Яқинда СССР чегарасидан Амударё орқали Афғонистоннинг Мовори Шариф шаҳригача бўлган масофадаги электр узатиш линияси ишга туширилди. Демократик Афғонистоннинг шимолий районларини электр энергияси билан таъминлайдиган мазкур иншоот дўст мамлакат экономикасини ривожлантиришда СССР бераётган интернационал ёрдамнинг бекиёк намунаси.

Америка империализми агрессив сиёсатининг моҳиятини вашиントンдагиларнинг Никарагуага нисбатан тутаётган разил йўлида ҳам кўриш мумкин. Кейинги воқеалар АҚШ маъмуриятининг авантюрачилиги ва урушқоқлик сиёсатининг тиги Никарагуага қарши қаратилаётганини исботламоқда. Оқ уй маъмурияти бошлиғи илгари сурган «тинчлик ва ҳақ» деб аталмиш ғоянинг моҳияти сандиночлар ҳукумати янги ағдариб ташлашга қаратилган. Вашингтон маъмуриятининг маъшум режалари Никарагуа революциясини бўғиб ташлаш ва бу ерда Мососанинг қонли диктатураси вақтидаги сингари тартибларни қайта тиклашни кўзлайди. Марказий разведка бошқармаси бошчилик қилаётган тўдалар Гондурас территориясидан туриб Никарагуага қароқчиларча ҳужум қилмоқдалар.

«Контрасс» номи билан машҳур бўлган бу каллақесар тўдалар революцион Никарагуа тупроғида қонли из қолдириб, 137 та болалар муассасаларини, касалхоналарни, мактабларни ва бошқа кооперативларни вайрон қилдилар.

Америка қўшинларининг Гондурас территориясида кетма-кет ўтказилаётган ҳарбий машқлари Никарагуага қарши кенг миқёсда интервенция қилишга тайёргарлик қўрилайётганидан далolat бермоқда. Бу машқлар пайтида аксилқилобчи тўдаларнинг ҳужум қилиш планлари пишиктирилмоқда. Гондурас ҳарбий кучлари эса, қўшни Никарагуага қарши ивгоарликлар қилишдан тал тортмапти. Гондурас авиациясининг Никарагуа территориясидан сувариди Никарагуанинг соқчи кемасини сувга қўқтирганлиги шундан далolat бермоқда.

Америка газеталарида пайдо бўлиб қолган маълумотларга қараганда, Оқ уйдагилар Никарагуага бостириб киришининг аниқ планини ҳам ишлаб чиқишибди. Ана шу планга мувофиқ сандиночларнинг революцион ҳукумати янги ағдариб ташлаш учун қилинадиган ҳужумда ҳарбий-денгиз, ҳарбий-ҳаво кучлари, денгиз пйёдачилари, ҳаво-десант қисмлари ҳам қатнашишлари назарда тутилади. Бу маъшум режага халқроқ тус бериш мақсадида унга Сальвадор, Гондурас, Гватемалани ҳам тортмоқчи бўлаяптилар. Америкалик урушқоқ сиёсатдонлар кичкинагина Гренадага бостириб киришганида ҳам ана шундай усулни қўллаган эдилар.

Бу ўринда атиги 2,7 миллион аҳолиси бўлган озод Никарагуа АҚШ ҳўкдорларига нега ёқмайпти, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Никарагуада революция галаба қозонгач, йирик Америка монополиялари кўп миллионли даромадларидан маҳрум

Атрофини томошабинлар ўраб олган бозор майдони... Баландлигидан қалава қатимдай бўлиб кўзга ташлангучи дор... Унинг устида кўзлари болганан дорбоз бола: лангарни маҳкам ушлаганича, ҳеч кимга парво қилмай, дадил кетиб бораётибди. Назарингизда, у ҳозир қушга айланиб, само бўйлаб учиб кетадигандай... «Йўқ, бу оддий бола эмас, она табиат қандайдир бир қудратни, жасоратни юрагига сингдирган сеҳрли бола», дея ўйлаган чоғларингизни эслайсизми? Қўзиқ, табиат унинг қалбига сўз билан ифодаб бўлмаё сеҳрни қаердан олиб жо қилдикин? Умуман, дорбозлик санъатининг сеҳри нимада ўзи?

Қарши шаҳар В. И. Ленин номидagi маданият ва истироҳат боғининг дорбозлари раҳбари Маҳаммаджон (Турдимат) Тожибоевга бу саволни жуда кўп бор беришган. Ҳар гал дорбоз: «Инсон иродаси ҳар қандай ишга қодир. Агар у ўзи бажариши керак бўлган ишга сабр-тоқат, билим билан қатъий киришса, орзусига, албатта эриша олади. Бизнинг кўрсатадиган томошаларимиз аслида ана шунга бир ишора, инсон имкониятларининг юздан бир бўлаги, холос», дея жавоб беради. Афсонага айланиб кетган қаҳрамон кишилар ҳаётдан бунга мисоллар келтиради.

Маҳаммаджон Тожибоев андижонлик машҳур устоз Усмон дорбоз Нишонбоевнинг (1908—1974) энг кенжа шогирди бўлиб, деярли ўн беш йил устози «этагидан ушлаб», дорбозликнинг энг назик сирларини пухта эгаллаб олган. Усмон ака бу санъатда гўё боғбон эди. Унинг ниҳоллари Андижон, Наманган, Бухоро, Ўш ва бошқа шаҳарларда илдиз отиб, ўзлари ҳам шогирдлар етиштириб, 30—40 йилдан буён дорбозлик санъатини давом эттириб келишмоқда. Маҳаммаджон кўп йиллар давомида Ғофуржон Қодиров кўлида ҳам таълим кўрган. Дорга уни ана шу наманганлик Ғофуржон дорбоз уч ёшида биринчи бор етаклаб чиққан. Ғофуржон Қодиров дор санъатини «ишдан-игнасиғача» билади. У ота-боболардан мерос бўлиб келадиган қўшқина байтларни ёддан айтади, сурнай чалиш—мехтарликка ҳам уста. Маҳаммаджон устозларини ҳамиша эъзозлайди.

Мунтазам равишда ўтказиб ту-

риладиган дорбозлар кўрикларида Маҳаммаджон кўп марта биринчилиكنи олиб келди. 1974 йилдан бошлаб ўзи мустақил гурпу ташкил этди. Бунда у асосий чиқишларни — дор, чигирик, муаллақ, полвонлик ва айниқса, симдорда нафис ва мураккаб ўйинларни бажаради. Кези келганда сурнай, ногорани ҳам маҳорат билан чалаверади. Томошани бошдан-оёқ ўзи олиб боради. Шу билан бирга, у бадий раҳбар, режиссёр ва шогирдлари га таълим-тарбия берувчи тажрибали мураббий ҳамдир. Ҳаётда камтар, ҳушмуомала, ҳушфетъл, санъатда изланувчан, талабчан, қаттиққўл. Шунинг учун бу труппада интизом, бир-бирига ҳурмат ҳукмрон. Маҳаммаджон учта кизини — ўн беш ёшли Мавжуда, ўн уч ёшли Маҳфуза ва ўн бир ёшли Турсунони уч ёшдан бошлаб дорга чиқарган. Улар «беш» баҳорларга ўқишади. Опа-сингил — Маҳфуза билан Турсунони Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида қалдиргочдек учиб, томошабинларни ниҳоятда хайратда қолдиришди.

Маҳаммаджоннинг шогирдларидан Маҳмуд Мусаев ҳамда Омонёр Элов — дорбоз, чигирначи. Улар ёғоч оёқда ўйнашди, карнай, ногора чалишади. Уч ёшдан Маҳаммаджон кўлида катта бўлган, ҳозир 22 баҳорни кўрган Ҳикмат Раҳимов ҳам

булардан қолишмайди. У Ватанимиз пойтахти Москвада кўрсатилган томошада дор устида рус тилида масхарабозлик чиқишларини намойиш этиб, олқиш олди. Ҳозирги вақтда Маҳаммаджон Тожибоев гурпуасига кирги Салимжон полвон ва тожик йигитлари шогирд бўлиб келишган.

Коллективнинг ўз оқсоқоли бор. Бу умрининг қарийб эллик йиллини шу санъатга бағишлаган, ногорачи Тошўлат Жабборовдир. Коллектив уни ҳурмат қилди, маслаҳатларига қўлоқ солади.

Томошалар ота-боболардан мерос қолган ва бошқа дорбозлар кўрсатадиган «Ака-ука», «Нон бекитиш», «Шайтон», «Тос-тоғора», «Тўйга-тўйга», «Полвонлик» каби масхарабозликлардан ташқари коллектив ўзи ижод қилган ялқов, дангаса, киракаш ҳайдовчи, гердайдан спортчи ҳақидаги ва бошқа мавзудаги кичиккич сахналар дор остида намойиш қилинади.

Чунончи, бу коллектив 1982 йил март ойида республикаимизда ўтказилган цирк ва эстрада санъатини ривожлантиришга бағишланган илмий-амалий конференцияда, ўша йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган «СССР фольклор театри ва унинг профессионал театрларга таъсири» мавзуда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий конференцияси-

да, шунингдек, Тошкент отчопарида Халқро бирдамлик куни — 1 Май ҳамда Ғалаба кунига бағишланган катта халқ сайилларида, Москвада СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейга бағишланган «Ўзбекистон ССР кунлари»да иштирок этди. Дорбозлар коллективи «Ўзбекистон ССР кунлари»да қаршилик дорбозлар Хоразмнинг «Булбулча» болалар ансамбли, Фарғона область Кува район маданият уйи қошдаги «Анор» ашула ва рақс ансамбли қаторида пойтахт меҳнатқашларини хушнуд қилиб, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги кўргазмасининг Фахрий дипломи ва олтин медали билан тақдирланди.

Қаршилик дорбозлар қадимий санъатни давом эттириб, унга сайқал бериб келадиганини инobatта олган ҳолда Бутуниттифоқ халқ ижоди ва маданият-оқартуви ишлари илмий-методик маркази труппанинг ҳар бир қатнашчисини Фахрий ёрлик билан тақдирлади.

Маҳаммаджон (Турдимат) Тожибоев раҳбарлигидаги дорбозлар томошабинларни янада хушнуд қилиш ниятида тинмай изланмоқдалар. Бу йўлда уларга катта муваффақиятлар тилаймиз.

ТўЛҚИН ОБИДОВ,
санъатшунослик
кандидати.



Ўзбек дорбозлари Москвада.

Е. Затучий фотоси

бўдиллар. Улар Сомсадек итоаткор югурдақларидан ажралдилар. Марказий Америкада, АҚШнинг шундоққина тумшуги тагида революцион ҳаракатларнинг ривожидан Оқ уйдагилар даҳшатга тушмоқдалар. Шу боисдан ҳам сандиночилар революциясини бўғиб ташлаб, бу мамлакатда яна эски тартибларни тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Айнан шу мақсадда революция пайтида Никарагуадан қочиб кетган асилинкилочби тўдаларни ишга солмоқдалар.

Лекин Никарагуа халқи ва унинг сандино-

чилар ҳукумати Америка Қўшма Штатларининг кирдикорларига жавобан босқинчиларга муносиб зарба беришга тайёрланмоқда. Айни вақтда революцион Никарагуа Америка — Никарагуа муносабатларини, марказий Америкадаги барча низоли масалаларни ҳам тинч ҳал этишга эришиш йўлини қатъий давом эттирмоқда. Интернационал бурчига ҳамиша содиқ бўлган совет кишиларининг, социалистик ҳамдўстликдаги барча қардош мамлакатлар меҳнатқашларининг Никарагуа халқи билан бирдам

эканлиги сандиночиларга адолатли курашларида мадад бермоқда. Барча қитъалардаги тараққийпарвар кучлар бугунги кунда Америка Қўшма Штатларининг тажовузкорликдан иборат иттиҳорона ҳаракатларини кескин қораламоқдалар. Сандиночилар революциясининг раҳбари, Никарагуа президенти Даниэль Ортега таъкидлаганидек, Никарагуа халқи ҳамиша ҳушёр, у ўзини ҳимоя қилишга тайёрдир.

Ғайзи ШОҲИСМОИЛОВ



ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

ХАЖВИЯ

Колхоз омборида қоровулман. Йил яхши келиб, ҳосил мўл бўлди, ҳаммаёқ дон-дунга тўлиб кетди. Сизгамай қолган ғалланинг ярмиси омборнинг бетон қилинган ҳовлисига тўкилди.

Ғалла омборида қоровуллик қилиш ҳам осон иш эмас экан. Теварак-атрофдаги дарактлару томлар устида гуҷ-гуҷ чумчуқ. Бирон нарсатга алаҳсиб қолсанг, гурра босишади.

Орадан уч кун ўтач, бунинг ҳам иложини топдим. Мудирга илтимос қилиб, балиқчилар балиқ тутадиган тўрдан ўттиз метр олдим-да, уни бугдой човшдан ярим метр баланд қилиб тортиб қўйдим. Чумчуқлар гурр этиб ёпирилишган эди, оёқлар илашди шекилли, пириллашиб яна дарахт шоҳига қўнишди.

Энди ишлар юришганда омбор билан девори бир қўшнимиз Тўхтамурод аканинг хотини ғалла туширилганда қамаб қўйган товукларини бўшатиб юборадиган қилиқ чиқарди. Бабақ хўроз бошчилигида йигирмата товук деворни айланиб ўттиб, хирмонга хужум қилишади. Хар куни ахвол шу. Қўвавериб чарчадим. Ниҳоят, сабрим чидамай товук ғасини чақирдим.

— Менга қара, ука, — деди Тўхтамурод ака, — нима қиласан зикналик қилиб, сенинг хирмонинг эмас-ку, ахир. Еса колхознинг хирмонидан ейти. Колхозда нима кўп, ғалла кўп. Туянинг гўштини мушук егани билан тугаб қолармиди-а?

— Шундай-я, лекин менга ишо-

ниб топширишган. Охирида ҳисоб бераман, ака, жавобгар қилиб юборишади, — дедим.

— Қўшлар еди қилиб акт тузишади, вассалом, ана, қара, — Тўхтамурод ака дарахт шоҳларида чирқиллашиб турган чумчуқларни кўрсатди.

— Йўқ, бўлмайти, йигирмата товук билан элликта чумчуқни баробар қилманг, — дедим қатъий.

— Менга қара, ука, уч-тўрт кун сабр қил, товуклар озгина семирсин, кейин сен билан бир товук димлама қиламиз, кел энди, хафа бўлма, — деди у ҳовлисига кириб кетар экан.

Эртасига ишга келсам, қўшнинг товуклари бабақ хўроз бошчилигида яна бугдой хирмонининг қоқ тепасида. Ундай десам ҳам, бундай десам ҳам Тўхтамурод акани сира гапимга кўндирма олмадим. Уйлаб-уйлаб, ниҳоят йўлни топдим. Омборнинг эшигини қия очиб қўйдим-да, қўлимга муштдек тош олдим. Бабақ донни чўққилаб-чўққилаб омбор ичкарасига кириши билан аста бориб ишкани ичкарасидан ёпдим. Уни секин бир бурчакка ҳайдаб, нишонга олиб, ҳалиги тошини отдим. Хўроз бечора ғиқ этмай жон берди. Патларини юлиб, Тўхтамурод аканинг уйи орқасидаги лой хандаққа улоқтирдим. Хўроз гўштидан мазаали хўроз димлама тайёрлаб, омборга олиб келдим. Тўхтамурод ака айвонда айланиб турган экан, чақирдим.

Урта Осиёда ягона гроссмейстер, тошкентлик Георгий Аъзамовнинг номи мамлакатимиз ва чет эл шахмат мухлисларида яхши таниш. Ешлигида ўсмирлар ва ёшлар мусобақаларида, кейинчалик республика чемпионатларида актив иштирок этган Г. Аъзамовнинг 80-йиллардаги фаолияти анча муваффақиятларга бой бўлди.

Шунингдек, социалистик мамлакатларда, жумладан, Югославияда, мамлакатимизда чоп этилаётган шахмат журналлари ва

— Ие, ука, кун қаёқдан чиқди? Ишлар зўр-ку! Нима, бугун тутилган кунингми-ё? — деди қўшним ажабланиб.

— Шундай деса ҳам бўлаверди, қани, овқатга қаранг, — дедим.

— Оҳ, оҳ, қандай яхши, — Тўхтамурод ака хўрознинг гўштини чайнади, — зўр димлама бўлибди, бунақа димламани анчадан бери орау қилар эдим.

— Олаверинг, менинг ҳам, сизнинг ҳам орзунгиз ушалди, — дедим.

— Қани, ўзинг ҳам ол товук гўштидан.

— Хўроз денг, хўроз.

— Хўрозми, товукми, барибир димлама зўр бўлибди.

Иккаламиз хўроз димламани бир зумда паққос туширдик... Тўхтамурод ака бу ўтиришдан жуда хурсанд бўлди.

— Энди ука, ана шунақа хўроздан ўзимизда ҳам битгаси бор, — деди Тўхтамурод ака узун кекириб. — Хўрозмисан хўрозда. Уч-тўрт кундан кейин янганга айтиб димлама қилдираман, хўпми? Лекин сен зиқна бўлма, бу колхоз мулки, хўпми?..

Эртасига яна ишга келдим. Кундузи билан қоровуллик қилсам ҳам Тўхтамурод аканинг товукларидан дарак бўлмади. Кун ботар маҳали Тўхтамурод аканинг ўзи келди. Унинг хафалиги шундоққина башарасидан сезилиб турар эди.

— Емон иш бўлибди, ука. Иккаламиз димлама қиламиз деб юрган хўрозимизни ит еб кетибди. Уша ит хандаққа ётиб, терисини чайнаб ўтирганини янган кўрибди. Бунақада ҳаммасини еб битиради, харом ўлгур! Шунинг учун янган билан келишиб, товукларнинг ҳаммасини камадик, эсиз.

Тўхтамурод ака бурилиб ҳовлисига кириб кетди.

Норкул ХУСАИНОВ
Қораўл району

* * *

Тун ярмида имэосиз хат ёзиб ўтирган иввогар хотинига ўшқирди:

— Боланг йиглайверса сенинг устингдан ҳам анонимка ёзаман, чакагини ўчир зумрашанинг!

— Нима деб ёзасиз? — дея сўради хотини боласини эмизаётиб.

— Ўзини аяйди, боласини сутга тўйдирмайди, деб ёзаман!

А. БУЗРУКОВ

Хўжабод району



— Бирор гапдан ранжидингми, болагинам, сочларинг тиккайиб кетибди?

— Дадамлар институтга ўз кучинг билан киргин, дедилар...



— Ҳай, шофёр ука, мановини осиб қўйгансиз-ку, яна чекапсиз-а?

— Бу табличка бизга эмас, пассажирларга алоқадор, опажон!..



— Ярим соатдан бери такроп-ляпман-ку, отахон, «пятиминутка» бўлайпти.

— «Пятиминутка» деганинг бир соат чўзиладими, қизим?..

Расмларни Э. НҒЪМОНОВ
чизган.



ҲАЛИ
ИМКОНИЯТ
БОР

газеталарида ҳамда бошқа вақт-ли матбуотларда Г. Аъзамовнинг қизиқарли, ўзига хос партиялари тез-тез эълон қилинапти. Бу партиялар мангичан кучлиги, кураш гоёсининг аниқлиги, динамик ривожланиб бориши билан бошқа шахматчиларнинг партияларидан ажралиб туради.

Айни пайтда мухлислари бу шахматчининг келажакдаги имкониятлари қизиқтиради.

Г. Аъзамов ўз маҳоратини ёрқин намойиш эта бориб, ижодий гоёларини амалга ошириш учун қандай мусобақаларда иштирок эттиши керак? Ҳозирги гроссмейстерлар худди ана шу саволга жавоб бўладиган гоёни илгари суришади. Улар қуйидаги беллашувларда қатнашишни муваффақият гарови деб билишади.

Жаҳон биринчилигининг зонал турнирлари, даъвогарлар турнирлари, СССР чемпионати, махус турнирлар, булардан ташқари мамлакат биринчилиги ўйинлари ҳам шахматчида билим ва маҳоратнинг ошишига ёрдам беради. Хар икки йилда шахмат бўйича

жаҳон олимпиадаси ўтказилади. Бу мусобақада ғолиблик учун 120 мамлакат командаси бахшланади. Командалар состави эса олти шахматчидан иборат бўлади.

1981—1982 йиллардаги цикли беллашувлар якунланганда юрдошимизнинг дастлабки тўртликдан жой ололмаганидан ҳаммамиз афсусландик. Шунингдек, Георгий шу йилнинг бошида Ригада ўтказилган олий лига мамлакат биринчилиги мусобақасининг сўнгги куни имкониятлари бой бериб, яна ўз мақсадига эришолмади. Винобарин, унинг олдида турган энг асосий вазифа келгусида зоналараро мусобақаларда иштирок этиш ҳукукини қўлга киритишдир.

Яна бир масалага аниқлик киритишга тўғри келади. Маълумки, халқро турнирларда юқори ўринларни эгаллаш гротмейстернинг кўрсаткичлар коэффициентини яхшилашга имкон яратади. Шу боисдан ҳам бундай турнирларда иштирок этиш шахматчи учун ҳар жиҳатдан ҳам фойдали. Мамлакатимиздаги етакчи гротмейстерлардан бири Георгий Аъзамов СССР олимпиада терма командаси составидан жой олиш учун «Даъвогарлар сафига кириш керак». Бутуниттифоқ шахсий ва команда биринчиликларининг жадвали шахматчининг беллашувларда иштироки ва қайта куч тўплаш тартибига таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда масалани муаммолаштириб, шахматчининг вақтини ва мақсадини ўзгартириб юборишга мажбур қилади.

Г. Аъзамов команда биринчиликлариде иштирок этишга алоҳида маъсулият билан ёндашади. Унинг кейинги икки йилда ўтказилган турнирлардаги иштироки чиниқш босқичи бўлди. Тошкентда ўтказилган биринчи лига мамлакат чемпионатида у биринчи ўринни эгаллади. Дастлабки учрашувлардан бирида мағлубиятга учрашига қарамадан, руҳан тушкунликка тушмади. Саралаш турнирини муваффақиятли якунлади. Рига шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича олий лига биринчилиги бошланиши олдида мутахассислар ва шарҳловчилар уни зоналараро босқич беллашувларида ёрқин даъвогарлар сафига қўшишган эди. Бунда улар Г. Аъзамовнинг охириги пийдани ҳам жуда моҳирлик билан ишга сола билишини, меҳнатсеварлигини, ҳар бир комбинация устида пишиқ-пухта ўйлашини, кенг таҳлилини ҳисобга олишган

эди. Шунга қарамадан, дастлабки ўйинларда кетма-кет мағлубиятга учраш унинг турнирдаги иштирокига ўта салбий таъсир кўрсатди. Лпутян ва Соколовга бой берилган партиялар гротмейстернинг шиддаткорлигини сусайтириб қўйди. Тукмаков билан ўйналган партия рақибнинг қўллаган янгилигини вақтида пайқамаслик туфайли оқларнинг мағлубияти билан тугади. Нихоят, сўнгги турда Д. Гуреев билан бўлган учрашувда Г. Аъзамовнинг олдида фақат бир мақсад — ғалабага эришиш турарди. Шу боисдан ҳам у ўта ҳаяжонланиб ўйиннинг бошланишидаёқ хатога йўл қўйди. Рақиб эса, позицияни яширин ривожлантириш усули орқали ғалабага эришди. Шу фикрни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги партия олдида Г. Аъзамовнинг ахлоқи жуда қийин ва мураккаблашиб қолган. Энг аввало муттасил ҳужум қилиш ёки мудофааланиш керакми, сўнгги партия олдида Г. Аъзамовнинг ахлоқи жуда қийин ва мураккаблашиб қолган. Энг аввало муттасил ҳужум қилиш ёки мудофааланиш керакми, сўнгги партия олдида Г. Аъзамовнинг ахлоқи жуда қийин ва мураккаблашиб қолган.

Мағлубият Георгийни тadbиркор қилиб қўйди. Ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш — ижодий юқалишининг энг тўғри йўлидир.

Келажақда Георгий Аъзамовнинг олдида самарали дебютларни тайёрлаш, ўз устида кунт билан ишлаш маъсулияти туриди. Тайёргарлик программаси жараёнда умумий маҳоратни такомиллаштиришга ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши лозимдай туюлади.

Вазиятни баҳолашда умумий йўналишни ривожлантириш, ўйин услубларини бойитиш, аниқ ҳаракат қилиш ва тўғри йўлни топиш вариантларини қўпайтириш техникасини эгаллаш, комбинацияларни кўра билиш қобилиятини такомиллаштириш, таҳлил маҳоратини бойитиш, янгиликларни кузатиб бориш, ўтмишдаги ғояларни ижодий ўзлаштириш, рақибларнинг услубларини ўрганиш, тактик жиҳатдан ҳужумга тайёр бўлиш Георгий Аъзамовга хос хислатлардир. Ўтказилган мусобақалар, курашлар иктидорли юрдошимизнинг шахматнинг катта оламинида ўзига хослигини кўрсатади. Биз келажақда унинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришади, деган умиддамиз.

Георгий БОРИСЕНКО,
СССР спорт мастери

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Ўзбекистон ССР халқ артисти, раққоса Маъмура Эргашева.
(23-бетдаги «Рақсимиз равнақи» мақоласига қаранг).


Р. Готов фотоси

Тўртинчи бет: Фарзандлару невара, эвара ва чеваралар Буви ва Бобонинг олтин тўйига тўпланиши.

Р. Шагаев фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча материаллар авторларга қайтарилмайд.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.



«ТАБИАТ» ЧАЙНКРОССВОРДИ

1. Атмосферада юз берадиган табиат ҳодисаси. 2. Иссиқлик ва ёруғлик манбаи бўлган коинот жисми. 3. Шифобахш қўл мева. 4. Ер юзининг қалин ўрмонлар зонаси. 5. Қирғизистондаги тоғ кўроти. 6. Хушбўй баҳор чечаги. 7. Шимолий кутб ўлкаси. 8. Кутб денгизларида сузиб юрадиган муз тоғ. 9. Иссиқ ва қуруқ шомол. 10. Вулқонлардан отилиб чиқадиган тоғ жинси. 11. Ўтга чидамай минерал. 12. Ўрта Осиёдаги пасттекиклик. 13. Дунёдаги энг йирик шаршаралардан бири. 14. Фойдали ҳашарот. 15. Баланд тоғларда яшовчи йирткич. 16. Қумлик ўсимлиги. 17. Қимматбаҳо тош. 18. Заргарликда ишлатиладиган рангдор минерал. 19. Кучли, емирувчи бўрон. 20. Ез даракчиси бўлган қуш. 21. Чопқир ҳайвон. 22. Емгир ёғиб ўтгандан сўнг қуёшга қарамақарши томонда ҳосил бўладиган табиат ҳодисаси. 23. Қайин, терак дарахтларининг гули. 24. Вояга етган от. 25. Таъми нордон тоғ ўсимлиги. 26. Ўрта Осиёнинг Ғарбий Тянь-Шандаги тоғ тизмаси. 27. Тола олинадиган техника экин. 28. Африка саванналарида ўсувчи улкан умрибоқий дарахт. 29. Ер остидан чиқадиган сув манбаи. 30. Фойдали қуш. 31. Умуртқасис молоскаларнинг косаси. 32. Баҳор гули. 33. Ватанимиздаги энг катта қумли қўл.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

7-СОНДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИКЛАРИ» ЧАЙНКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Дулана. 2. Андиз. 3. Заранг. 4. Гултожиҳўроз. 5. Зигир. 6. Рўвак. 7. Каноп. 8. Пахта. 9. Ажрик. 10. Қайин. 11. Нилуфар. 12. Раъно. 13. Отқулук. 14. Қатрон. 15. Нухотак. 16. Кунжут. 17. Тарик. 18. Қайрағоч. 19. Чарос. 20. Самбитгул. 21. Лавлаг. 22. Исмалок. 23. Қарағай. 24. Йўнғичка. 25. Анзур. 26. Редиска. 27. Арпа. 28. Арча. 29. Амрир. 30. Иссиқ. 31. Қўноқ. 32. Қўйпечак. 33. Кучала. 34. Арпабодийн. 35. Номозшомгул. 36. Ловия. 37. Янтоқ. 39. Қорақанд.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комиля ЯШИН, Азиз ҚАҲОМОВ, Муҳаммадала ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳақим ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежемесиячий, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832.

Босмаҳонага туширилди 23.07.85 й. Босишга руҳсат этилди 21.08.85 й. Р-09397. Қоғоз 70×108¹/₄. Ботик усулда босилди. Шартий босма тобоқ 5,6. Напр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 210462. Вуюртма № 1342. Напр А—117.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. 700000, Тошкент-II, Ленин кўчаси, 41.



Оқсоқоллар давраси.

Биринчи терим.

А. Жумаев фотоси

(ЎзТАГ фотохроникаси)



